

**Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари**

АХБОРОТНОМАСИ



№2 (02) 2010



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари АХБОРОТНОМАСИ

илмий-амалий нашр

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари

Таҳрир кенгаши:

Рашидjon Қодиров
Ҳакимбой Ҳалимов
Алишер Шарафуддинов
Нигматилла Йўлдошев
Шухрат Узаков
Зоҳид Дўсанов
Толибjon Умаров

Бош муҳаррир:

Бахтиёр Пўлатов

Масъул котиб:

Шавкат Ёдгоров

Таҳрир ҳайъати:

Нуриддинjon Исмоилов
Рустам Рўзиев
Баҳодир Исмоилов
Аббосjon Сангинов
Муҳтор Зоиров
Светлана Ортиқова
Фаҳри Раҳимов
Фурқат Шодманов
Муҳидин Мусаев
Жаҳонгир Максумов

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2010 йил 7 январда 0580 сонли гувоҳнома билан рўйхатга олинган.

2010 йил январь ойдан чиқа бошлаган.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин. Журналда чоп этилган материаллардан фойдаланилганда «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»дан олинди деб кўрсатилиши шарт. Таҳририят тақдим этилган мақолаларни тақриз қилиш ва қайтариш мажбуриятини олмаган.

Манзил:

100047, Тошкент шаҳри,
Тараққиёт кўчаси 59-уй

Саҳифаловчи:

Сарварбек Бобожонов

Буюртма №

Адади: 1000

Журнал «Мир полиграфии»
МЧЖ ҚК босмахонасида
чоп этилди.

Манзил: Тошкент шаҳри,
Авлиё ота кўчаси 7-уй

МУНДАРИЖА

- 1. М.Ражабова.** Либерал ислохотлар парламент фаолиятининг мезони **2**
- 2. Ҳ.Ҳалимов.** Ўзбекистонда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислохотлари, унинг истиқболлари **6**
- 3. А.Саидов.** Одил судлов соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳимояси — суд-ҳуқуқ ислохотларининг муҳим йўналиши **10**
- 4. З.Дусанов.** Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш — устувор вазифа **15**
- 5. И.Жасимов.** Прокуратуранинг инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги ўрни **18**
- 6. Р.Рузиев.** Значение и перспективы фундаментальных исследований в развитии юридических наук: опыт Узбекистана **21**
- 7. Х.Бобоев.** Авестонинг ҳуқуқий қарашлари ва унинг ҳозирги замон ҳуқуқ фалсафасига мос жиҳатлари **25**
- 8. Т.Умаров.** Бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг долзарб муаммолари **28**
- 9. К.Рашидов.** Халқаро хусусий ҳуқуқда қиёсий ҳуқуқшуносликдан фойдаланиш масалалари **31**
- 10. Б.Пўлатов.** Бола ҳуқуқлари ҳимоясига оид давлат сиёсати ва унинг истиқболлари **35**
- 11. Р.Хюпер.** Организация борьбы с коррупцией на примере федеральной земли ФРГ Шлезвиг-Гольштейн **39**
- 12. Юрген Ден.** Нормы международного права **43**
- 13. О.Набиев.** Амалиёт ва самарадорлик **47**
- 14. Т.Саитбаев, Д.Миразов.** Ички ишлар органлари учун мутахассис кадрлар тайёрлашнинг ўзига хос жиҳатлари **50**
- 15. А.Таджиев.** Правовое обеспечение образовательной функции государства **52**
- 16. Я.Чичерина.** Обеспечение прав людей с инвалидностью в Узбекистане: проблемы и решения **56**
- 17. Б.Самарходжаев.** Правовое регулирование инвестиционной деятельности в Республике Узбекистан **63**
- 18. А.Маннанов.** Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини прокуратура органлари фаолиятида жорий қилиш масалалари **68**
- 19. Б.Калонов.** Ўзбекистонда сув ресурсларини муҳофаза қилишнинг ҳуқуқий асослари **71**
- 20. В.Ўринов.** Хорижий корхоналарга нисбатан қўлланиладиган солиқ имтиёзларининг ўзига хос хусусиятлари **74**

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

09.04.2010 й.

Р.Ҳ.Қодировни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимига янги муддатга тайинлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 93-моддаси 12-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси "Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддасига мувофиқ:

Рашитжон Ҳамидович Қодиров Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимига янги муддатга тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

И. Каримов

Тошкент шаҳри, 2010йил 9 апрель

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРОРИ

ҚОДИРОВ РАШИТЖОН ХАМИДОВИЧ

1952 йилда Ўзбекистон Республикаси
Наманган вилоятида туғилган, миллати ўзбек.

1974 йилда Тошкент Давлат университети ҳуқуқшунослик факультетида ўқишни тамомлагандан сўнг, иш фаолиятини Андижон вилояти Андижон шаҳар прокуратураси терговчиси лавозимидан бошлаган.

1975 йилдан 1993 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси миллий хавфсизлик хизмати органларида масъул лавозимларда хизматни ўтаган.

1993 йилдан 2000 йилга қадар Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари лавозимида фаолият кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2000 йил 18 февралдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимига 5 йил муддатга тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 мартдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимига иккинчи муддатга тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 9 апрелдаги Фармони билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори лавозимига янги муддатга тайинланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 26 августдаги Фармони асосан "Жасорат" медали билан, 2003 йил 26 августдаги Фармони асосан II-даражали "Шон-шараф" ордени ҳамда 2006 йил 29 августдаги Фармони асосан "Фидокорона хизматлари учун" ордени билан мукофотланган.

1-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси даражали махсус унвонига эга.

Юридик фанлар номзоди.

Оилали, фарзандлари бор.



М.РАЖАБОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Сенати Раисининг ўринбосари,
юридик фанлар доктори

СЕНАТ ЛИБЕРАЛ ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

Юртимизда жамиятни янгилаш ва мамлакатни модернизация қилиш билан боғлиқ тизимли ҳамда изчил демократик ислоҳотларни амалга оширишдан кўзланган асосий мақсад жамиятда тинчлик ва осойишталик, миллатлараро тотувлик, сиёсий, ижтимоий барқарорликни таъминлаш, энг муҳими, ҳар бир инсоннинг эркин ва фаровон ҳаёт кечириши учун барча зарур шарт-шароитларни яратишдан иборатдир. Истиклолимизнинг ўтган даврида муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг бевосита ташаббуси ва қўллаб-қувватлашлари билан мамлакатни модернизация қилиш ҳамда жамиятни эркинлаштириш борасида изчил ва тизимли ислоҳотлар амалга оширилгани натижасида барқарор тараққиётга эришганимизни нафақат халқимиз, балки халқаро экспертлар ҳам эътироф этмоқда.

Хусусан, дунёда иқтисодий танглик, яъни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ҳукм сурган пайтда, давлатимиз раҳбари ташаббуслари билан ишлаб чиқилган, мазмун-моҳияти билан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимизга салбий таъсирини камайтиришига хизмат қилаётган Инқирозга қарши чораларнинг 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган дастури муваффақиятли амалга оширилаётгани натижасида ўтган йилда ҳамда шу йилнинг биринчи чорагида юртимиз иқтисодиётида барқарор ўсиш кузатилди.

Шу ўринда қайд этиш жоизки, дунёдаги иқтисодий жиҳатдан кучли давлатларнинг сиёсатдонлари томонидан, масалан, катта йигирмалик саммитида инқироздан эсон-омон қутулиш йўллари изланаётган бир пайтда, ўтган ойда, яъни 12-13 апрель кунлари Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган, дунёнинг 46 давлатидан 400 нафардан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, ишбилармон ҳамда экспертлар, шунингдек, БМТ ва унинг таркибига кирувчи тузилмалар, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, ЕврАзЭС каби йирик халқаро ташкилотлар ҳамда молия институтлари вакиллари иштирок этган “Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)” мавзuidaги халқаро илмий-амалий конференцияда барқарор иқтисо-

дий ривожланиш билан боғлиқ Ўзбекистон тажрибаси жаҳон миқёсида эътироф этилганига шохид бўлдик.

Президентимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов мазкур нуфузли халқаро анжуман иштирокчиларига йўллаган табригида инқироздан кейинги Ватанимиз ривожига хусусида куйидаги, яъни “иқтисодиётнинг хомашёга йўналтирилганидан бутунлай воз кечган ҳолда, таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш дастурларини амалга ошириш, экспорт таркибида юқори технологик ва рақобатбардош маҳсулотлар салмоғини кескин кўпайтириш назарда тутилаётгани” ҳақида аниқ хулоса билдирдилар.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш халқаро миқёсида эътироф этилганини шу йилнинг 3-4 май кунлари Ватанимиз пойтахтида ўз иштини муваффақиятли якунлаган халқаро анжуман, яъни Осиё тараққиёт банки бошқарувчилар Кенгашининг 43-йиллик мажлисида билдирилган аниқ ва лўнда фикрлар яна бир бор тасдиқлайди. Мазкур халқаро анжуман доирасида Осиё тараққиёт банкнинг “Стратегия – 2020” дастурини, шунингдек, глобал молиявий тизимни ислоҳ этиш, Осиё мамлакатларининг минтақавий ҳамкорлиги ва инқироздан кейинги ривожланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда иқлим ўзгариши билан боғлиқ долзарб масалалар муҳокама қилинди. Анжуман иштирокчилари томонидан Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ҳозирги ривожланиш даражаси глобал инқироз шароитида асосий иқтисодий кўрсаткичлар ва иқтисодий ўсиш суратларининг барқарорлиги билан кўплаб давлатларга ўрнак бўлиши мумкинлиги тўғрисида ягона фикр келинди.

Барчамизга аёнки, 2009 йилнинг 27 декабрида ва 2010 йилнинг 10 январидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига бўлиб ўтган сайловлар ўзининг очиқ-ошкоралиги, демократик хусусияти билан вакиллик органларига бўлиб ўтган илгариги қатор сайловлардан мулақо фарқ қилган ҳолда дунёнинг аксарият давлатларидаги сиёсий кучлар эътиборини ўзига тортди, десак янглишмаймиз. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, номзодларга овоз беришда жамиятни эр-

кинлаштириш жараёнининг фаол иштирокчисига айланган, ўзининг сиёсий ҳуқуқини амалга оширган сайловчилар, яъни электоратнинг 87,8 фоизи қатнашгани ривожланган давлатлар сиёсатшунослари томонидан юксак баҳоланди. Жумладан, Франция Сенати раисининг ўринбосари Моник Папон хонимнинг Ўзбекистондаги бундай ижобий тажриба чуқур ўрганилиб, ўз жамиятларидаги сайловларда самарали фойдаланилиши мумкинлиги хусусида билдирган фикрлари юртимизда вакиллик органларига ўтказилган сайловларнинг нақадар муҳим сиёсий аҳамиятга эга экани кўрсатиб турибди. Энг асосийси, жамиятни демократлаштиришдаги мазкур ижобий ҳолатга эришганимиз ҳар биримизнинг кўнглимизга ғурур ва ифтихор бағишлайди.

Айтиш мумкинки, миллий ва халқаро ҳуқуқий меъёрлар ҳамда талабларга тўлиқ жавоб берадиган қонунчилик базаси яратилгани боис, шунингдек, ўтган ўн йилликлар мобайнида ҳаётимизда рўй берган демократик ўзгаришлар ҳар қайси фуқаронинг сайлаш эркинлигини таъминлаш ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида том маънода улкан қадамлар қўйилганини сайловга оид қонунларимиздаги либерал нормалар яна бир бор тасдиқлади. Энг муҳими, сайловлар аҳолимизнинг юксак ижтимоий-сиёсий маданияти, сиёсий ва фуқаролик онг даражаси тобора ўсганини намоён этди.

Бўлиб ўтган сайловларнинг эътиборга молик яна бир муҳим жиҳати шундаки, сайлов жараёнида мавжуд сиёсий партияларимизнинг ҳар томонлама фаоллиги ҳам яққол кўзга ташланди. Бу уларнинг ўтган давр мобайнида етарлича тажриба тўлагани, ижтимоий-сиёсий жиҳатдан тобора мукамалликка эришаётганидан далолат беради. Айнан шу омил парламент палаталари фаолиятининг янада такомиллашувига, шубҳасиз, муҳим замин яратади.

Шу йилнинг 27 январь куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида давлатимиз раҳбари мамлакатимиз ҳаётида муҳим аҳамият касб этган сиёсий воқеалар, айниқса, бўлиб ўтган сайловлар натижалари, юртимиз парламентининг қонун ижодқорлигидаги роли, жумладан, иқтисодиёт ва суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, айниқса, кўп тармоқли бозор муносабатларининг асоси ҳисобланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатларини ривожлантириш, суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этишда суд ҳокимиятининг амалда мустақиллигини таъминлаш ҳамда бутун суд-ҳуқуқ тизимини демократлаштириш, шунингдек, фуқаролик жамияти институтларини, умуман олганда, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган тузилмалар фаолиятини янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш юзасидан қабул қилинган қонунларнинг амалиётдаги самарасига батафсил тўхталиб, Олий Мажлис палаталари, хусусан, Сенат фаолиятига доир камчилик ва нуқсонлар, фойдаланилмасдан қолинган имкониятлар, жумладан қабул қилинадиган қонунларда амалдаги қонун ҳужжатларидан фарқ

қиладиган тафовутларга, тақрорликларга йўл қўйилгани, бошқа ҳужжатларга ҳавола қилиш ҳолатларининг кўплиги, парламент сўрови, сенаторларнинг депутатлик округидаги фаолиятининг сустиги тўғрисида асосли ва ҳаққоний танқидий фикрлар билдирдилар.

Шу ўринда тан олиш керак, ўтган даврда назорат ваколатини амалга оширишда, айниқса, парламент сўрови, Сенат ёки унинг қўмиталарида тегишли давлат органлари раҳбарларининг ҳисоботларини эшитишда юзакичиликка йўл қўйдиқ, ижро ҳокимияти томонидан қонунлар ижросини таъминлаш борасида назоратни амалга оширганда оммавий ахборот воситалари, кенг жамоатчиликнинг фаол иштирокини етарли даражада ташкиллаштира олмадик. Ҳақиқатан ҳам, Сенат фаолиятининг дастлабки даврида, яъни 2005-2006 йилларда палаталар қўмиталари орасида тушунмовчилик ҳолатлари ҳам кузатилди. Лекин кейинчалик бу аста-секин барҳам топиб, бутун куч ва ғайратимиз ҳар томонлама мукамал қонунлар яратишга қаратилди ҳамда ишимиз сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарилди. Шу зайлда палаталар ўртасида соғлом рақобат муҳитининг яратилгани самарали фаолият олиб боришимизга имкон берди. Олий Мажлис палаталарининг ўзаро ҳамкорлигини янада кучайтириш, юксак парламент маданияти даражасида ишни ташкил этиш Сенат аъзоларининг бундан буёнги фаолиятдан асосий ўрин эгаллайди.

Юртбошимиз Ислом Каримов қайд этиб ўтганидек, Сенат мамлакатимиз тараққиётига муҳим таъсир кўрсатаётган масалаларни ҳал этишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. Зеро, Сенат ҳудудий вакиллик органи сифатида ўтган беш йил давомида қўйи палата томонидан қабул қилинган қонунлар сифати ва асосланишига эътиборни кучайтирган ҳолда, умумда давлат ҳамда минтақавий манфаатлар ўртасида мутаносиблик ва уйғунликни таъминлаш мақсадида ўзининг бўлиб ўтган йигирмата ялпи мажлисларида ваколатига тааллуқли 416 та масалани муҳокама қилган бўлса, шундан 250 дан ортигини қонунлар ташкил этди. Ўтган даврда Сенат томонидан жамиятимизнинг сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ҳаётига бевоқиф дахлдор бўлган қатор ҳуқуқий ҳужжатлар, жумладан, “Инқирозга қарши чораларнинг 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисида”ги ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 27 мартдаги “Инқирозга қарши чораларнинг 2009 – 2012 йилларга мўлжалланган дастурини сўзсиз бажариш борасида маҳаллий ҳокимият органларининг роли ва масъуллиги тўғрисидаги 624 – I-сонли Қарорининг ижро этилиши ҳақида”ги Қарорлари ва “Ҳокимиятнинг вакиллик органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Сенат Кенгашининг қарори қабул қилингани парламент юқори палатаси фаолиятида алоҳида ўрин эгал

лади. Шунингдек алоҳида таъкидлаш жоизки, мазкур иккита долзарб ва муҳим масалалар Сенатнинг ва сенаторларнинг истиқболдаги беш йиллик фаолиятининг устувор йўналишлари қаторидан ўрин эгаллайди.

Қонун ижодкорлиги жараёнида барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланиш Сенат фаолиятида асосий мезон бўлмоғи даркор. Чунки бу ўта мураккаб жараён бўлиб, бирон-бир қонунни яратиш учун шу соҳанинг кўплаб мутахассислари, эксперт ва олимларнинг фикрига таяниш, кенг жамоатчилик муносабатини ўрганишга тўғри келади. Қолаверса, маъқулланган қонуннинг ижро этилишини Сенат томонидан назорат қилишда сенаторлар четда қолмасликлари керак. Чунки шундагина қабул қилинаётган қонунлар ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиб, жамиятга тўлиқ сингиб кетади. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, «Агарки, биз иқтисодий ва социал соҳани ислоҳ этиш жараёнларини ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимини мунтазам янгиллаб бориш жараёнлари билан ўзаро аниқ ва чуқур, узвий боғлиқ ҳолда амалга оширишни таъминламас эканмиз, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида белгилаб олган юксак марраларимизга эриша олмаймиз».

Шунингдек алоҳида эслаш жоизки, Юртбошимизнинг маърузаларида кўтарилган устувор масалалардан бири Ўзбекистонимизнинг ташқи сиёсатида муҳим ўрин эгалловчи Афғон муаммосидир. Барчамизга аёнки, Марказий Осиё минтақасида ва бутун дунёда мураккаб геосиёсий шароит сақланиб қолмоқда, бинобарин мамлакатимиз парламенти минтақада тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга ўз хиссасини қўшмоғи керак. Мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, минтақада тинчлик ва барқарорликни сақлаш вазифаларини ҳал қилиш учун НАТО/СЕАПнинг 2008 йил апрель ойида Бухарест шаҳрида бўлиб ўтган саммитида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов томонидан илгари сурилган, Афғон муаммосини фақат ҳарбий йўл билан ҳал қилиб бўлмаслиги ва кўп миллатли ҳамда кўп конфессияли Афғонистон халқининг миллий урф-одатлари, маданияти ва диний қадриятлари ҳурмат қилинишини таъминлаш зарурлиги асослаб берилган ташаббусларни изчил амалга ошириш муҳим аҳамиятга эга. Мазкур саммитда “6+2” алоқа гуруҳини “6+3” алоқа гуруҳига айлантириш ташаббуси илгари сурилган эди. Шунингдек, мамлакатимиз раҳбари Афғон можаросини тинч йўл билан ҳал қилиш учун Афғонистонни иқтисодий жиҳатдан тиклашда кўмаклашиш жараёнида моддий қўллаб-қувватлаш ташаббусини илгари суриб келмоқдалар. Шунингдек, мамнуният билан айтиш жоизки, ҳозирги пайтда Ўзбекистон Афғонистоннинг пойтахти Қобул шаҳрини электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш ҳамда темир йўл қуришда Афғон халқига кўмаклашмоқда. Ўзбекистон раҳбарининг бундай тинчликпарвар одилона сиёсати кўпчилик давлатлар томонидан юқори баҳоланган ҳолда қўллаб-

қувватланмоқда. Шу сабабли Сенат минтақа ва бутун дунёда мамлакатимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва илгари суришда, айниқса, халқаро муносабатларнинг ҳуқуқий базасини янада мустаҳкамлашда, шунингдек, ҳозирги даврдаги долзарб халқаро масалаларни ижобий ҳал этишда парламентлараро мулоқотларни янада фаоллаштириш бўйича мавжуд имкониятларни тўла сафарбар этиши зарур.

Президентимиз Ислам Каримовнинг Парламент палаталари қўшма мажлисидаги маърузасида баён этилган танқидий фикрлардан тегишлича хулоса чиқарган ҳолда, шу йилнинг 7 май куни Сенатнинг бўлиб ўтган иккинчи ялпи мажлисида Президентимиз Ислам Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги “Мамлакатимизни модернизация қилиш ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш – устувор мақсадимиздир” деб номланган маърузасида баён этилган асосий қоидалари ва хулосаларини амалга ошириш бўйича Сенатнинг ҳаракат дастури қабул қилинди.

Ҳаракат дастурининг асосий мақсади мамлакатда олиб борилаётган ислохотларнинг қонунчилик, норматив-ҳуқуқий базасини минтақалар манфаатларини ҳисобга олган ҳолда янада такомиллаштириш, мамлакатни демократик янгиллаш ва модернизация қилиш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнларида парламент, унинг юқори палатаси — Сенатнинг ролини оширишга қаратилган. Мазкур ҳужжат олти бобдан иборат бўлиб, унда **биринчидан**, иқтисодиётни ҳамда ижтимоий соҳани ислоҳ қилиш жараёнларининг ижтимоий-сиёсий ва суд-ҳуқуқ тизимлари билан уйғун ҳолда доимий янгиллаб бориш; **иккинчидан**, марказда ижро этувчи ҳокимият, ҳукумат ва жойларда ҳокимликлар парламент томонидан қабул қилинган қонунларни қандай ижро этаётганлиги устидан қаттиқ парламент, депутатлик назоратини амалга ошириш; **учинчидан**, парламентни кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилган демократик янгиланишлар, либерал ислохотлар **амалга оширувчисига** айлантириш; **тўртинчидан**, фуқаролик жамияти институтлари, шу жумладан, фуқаролар ўзини-ўзи бошқариш органларининг жамият ва давлат қурилиши тизимидаги ҳуқуқлари, ваколатларини кенгайтиришга қаратилган қонунчиликни такомиллаштириш; **бешинчидан**, оммавий ахборот воситаларини янада либераллаштириш, нодавлат матбуот воситалари, радио, телевидение фаолиятини кучайтириш; **олтинчидан**, халқаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш, мамлакат хавфсизлиги, барқарорлигини таъминлаш соҳасида ҳуқуқий базани, ҳуқуқни қўллаш амалиётини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш каби йўналишларда амалга оширилиши мўлжалланган чора-тадбирлар назарда тутилган. Муҳим жиҳати шундан иборатки, мазкур ҳужжат асосида Сенат Кенгаши **тўртта комплекс дастурни** қабул қилади ва ижросини таъминлайди.

Ҳаракат Дастурининг яна бир ўзига хос муҳим

хусусияти шундан иборатки, давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 29 январда бўлиб ўтган 2009 йилнинг асосий яқунлари ва 2010 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида баён этилган асосий қоидалар ва ҳулосаларни бажаришнинг бориши Сенат қўмиталари мажлисларида, Сенатнинг ялпи мажлисларида муҳокама қилинади. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2009 йил 4 декабрдаги **«2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури тўғрисида»**ги Қарорининг, қишлоқда уй-жой қурилиши ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш дастурининг халқ депутатлари **Анджон ва Хоразм вилоятлари** Кенгашлари томонидан амалга оширилиши; халқ депутатлари **Бухоро ва Сирдарё** вилоятлари Кенгашлари, шунингдек, **Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим**, Маданият ва спорт ишлари вазирликлари томонидан **«Баркамол авлод йили»** Давлат дастурининг бажарилиши; **Жиззах ва Навоий вилоятлари** маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш, ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш соҳасидаги қонунларнинг, энг муҳим давлат дастурларининг ижро этилиши тўғрисидаги масалалар муҳокама қилинади.

Бундан буён Сенатнинг қонунлар ижросини назорат қилишдаги фаолиятини янада кучайтириш мақсадида Дастур доирасида олтита парламент эшитуви ўтказилади. Жумладан, тегишли вазирликлар ва идоралар вакиллари таклиф қилган ҳолда, **Тошкент шаҳрида ва Бухоро вилоятида «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, «Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида»ги** Қонунларнинг ижро этилиши, **Фарғона ва Навоий вилоятларида** жойлардаги энг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда, демократик янгиланишларни чуқурлаштиришда фуқаролик жамияти институтларининг ролини оширишга доир ишлар, **Сурхондарё ва Тошкент** вилоятларида **«Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги, «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги** Қонунларнинг, соғлиқни сақлаш, экология соҳасидаги давлат дастурларининг ижро этилиши Сенатнинг ялпи мажлисларида муҳокама қилинади.

Юқорида қайд этилганлар билан бирга, мазкур ҳуқуқий ҳужжатга биноан Сенатнинг тегишли қўмиталари томонидан марказ ва жойларда давлат ҳоки-

мияти ва бошқаруви органлари томонидан қонунлар ижроси ҳамда давлат дастурларининг бажарилиши юзасидан **14 та назорат-таҳлил фаолияти** амалга оширилади, шундан қўмиталарнинг **12 та мажлиси** маҳаллий вакиллик органлари билан биргаликда жойларда ўтказилади. Оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликни изчил давом эттириш ва қабул қилинаётган қонунларнинг моҳиятини аҳолига кенг тарғиб этиш ёки тушунтириш учун қатор конференция, давра суҳбати ва семинарлар ўтказиш, мамлакатни модернизация қилиш, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатида оид долзарб масалалар юзасидан оммавий ахборот воситаларида чиқишлар (газета, журнал, телевидение, радио, интернет тармоқлари) халқаро конференцияларни ташкил этиш ҳам ҳаракат Дастури доирасида амалга оширилади.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш жоизки, мазкур ҳужжатда белгиланган ҳар бир минтақанинг ижтимоий-иқтисодий ривожига тааллуқли у ёки бу масалалар юзасидан ҳисобот ёки парламент эшитувини тайёрлашда Сенат қўмиталари ҳамда Сенат комиссиялари жойларда қонунлар ижросини таъминлаш билан боғлиқ аҳволни танқидий нуқтаи назардан чуқур таҳлил этишига тўғри келади. Чунки Ҳаракат дастурида белгиланган ҳар бир тадбир замирида мамлакатимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтиришга дахлдор, яъни бозор ислохотларини чуқурлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни модернизация қилиш ва демократлаштириш, мамлакатни кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари ривожлантиришнинг стратегик вазифаларини амалга оширишдек ўта муҳим масалалар Сенатда муҳокама қилиниб, оқилона тўхтамга келинишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Шунинг учун Сенат Кенгаши, қўмиталари, комиссиялари ҳамда ҳар бир сенатор Дастурнинг ўз вақтида амалга оширилишига ташаббускорлик ва ўта масъулият билан ёндашадилар, деган умиддамиз.

Ҳулоса ўрнида қайд этиш лозимки, мазкур ҳуқуқий ҳужжатнинг қабул қилиниши Сенат олдида турган мураккаб ва масъулиятли вазифаларни ҳал этиш, айниқса, Сенат фаолиятининг асосий йўналишлари, жумладан, қонунларни кўриб чиқиш ва парламент назорати, парламент сўрови, парламент эшитуви ҳамда ижро ҳокимияти раҳбарларининг ахборот ёки ҳисоботини эшитиш, умуман олганда, фаолиятимиз самарадорлигини янада оширишда Конституция ва қонунларда назарда тутилган механизмлардан тўлиқ фойдаланишимизга ёрдам беради.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена либеральным реформам в Республике Узбекистан. Во вводной части данной статьи автор проводит обзор либеральных реформ в сфере законодательства и экономики. В основной части статьи осуществляется подробный научно-правовой анализ реформирования деятельности Сената и перспективы развития в данном направлении. В заключительной части автор указывает на важность принятых программ и нормативно-правовых актов регулирующих, данную сферу.

Ҳакимбой ҲАЛИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари,
3-даражали Давлат адлия маслаҳатчиси

ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН СУД-ҲУҚУҚ ИСЛОҲОТЛАРИ, УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш белгиланган. Ҳуқуқий демократик давлатни қуриш, ўз навбатида қонунийлик ва ҳуқуқий тартиботни амалга ошириш ва мустаҳкамлаш йўлида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш вазифасини олдинги ўринга қўяди. Мамлакатимизда истиқлол йилларида суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг ҳуқуқий асосларини шакллантиришда инсоннинг асосий, бузилмас ҳуқуқлари кафолатларини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Давлат органлари фаолиятида инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш бўйича, инсон ва давлат ўртасидаги муносабатларда инсон манфаатлари устувор бўлиши кераклиги, давлат ҳокимиятининг барча тармоқлари ўз фаолиятини инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва қўриқлаш ишига сафарбар қилгандагина ўз вазифасини тўғри адо этган ҳисобланиши, бу қондан ҳамма тан олиши, бу қонда ҳамма итоат қилиши шартлиги белгилаб қўйилди¹.

Мазкур қондага амал қилган ҳолда ўтказилаётган ислоҳотлар жараёнида давлат органларининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги фаолиятини белгиловчи ҳуқуқий асослар такомиллаштирилди ва уларнинг ҳуқуқий мақомига бир қатор ўзгартиришлар киритилиб, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг шахс, жамият ва давлатнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган фаолиятини такомиллаштириш биринчи даражали устувор вазифа сифатида белгиланди². Ҳатто жазоловчи орган ҳисобланиб келинган суд, милиция ва прокуратурани демократик институтларга айлантириш учун ҳуқуқий асослар яратилиб, бу йўналишда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасида қисқа давр ичида демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида салмоқли ишлар амалга оширилди. Мамлакат Президенти И.А.Каримов ғоялари ва бевосита ташаббуси асосида ҳамда

рахбарлигида босқичма-босқич амалга оширилаётган, давлат ва жамият ҳаётининг деярли барча жабҳаларини қамраб олган ислоҳотлар ва либераллаштириш жараёни мамлакатимизнинг тараққиёт йўлини белгилаб берди.

Суд-ҳуқуқ тизимининг либераллашуви, бу шунчаки қонун талабининг юмшатилиши ёки заифлашуви эмас. Балки, аксинча, бу қонунларга инсонийлик, адолат ва меҳр-мурувват ғоялари сингдирилишидир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, қонунларимизнинг демократик асосларининг мустаҳкамланишидир. Ўзбекистон Республикаси мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ дунёвий давлатлар йўлини танлаб, тараққий этган давлатлар тажрибасига таяниб ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва ҳуқуқий муносабатларни либераллаштириш йўлидан бормоқда.

Бу жараёнда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришларга, шу жумладан, суд ҳокимиятининг ҳақиқий мустақиллигини таъминлаш, унинг жамиятдаги мақомини ошириш, шунингдек, асосий вазифаси фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясини таъминлашдан иборат бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тизимни лебираллаштириш масалаларига алоҳида ўрин ажратилган³.

Жиноят қонунчилигини либераллаштириш, яъни уларга инсонийлик, меҳр-мурувват ва адолат ғоялари сингдирилиши жараёни 1995 йил 1 апрелдан кучга кирган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси ва Жиноят-процессуал кодексини қабул қилишдан бошланди. “Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги 2001 йил 29 августдаги Қонуннинг қабул қилиниши эса суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишнинг муҳим босқичи бўлди. Бу қонун билан Ўзбекистонда жиноятларнинг таснифланиши тўла ўзгартирилди, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар доираси кенгайтирил-

ди, вояга етмаганлар, аёллар ва олтмиш ёшдан ошган эркакларга жазо тайинлашдаги имтиёзлар жиноятларнинг сонини ошириб юбормади, аксинча, содир этилган оғир ва ўта оғир жиноятларнинг сони охириги беш йил давомида 42 фоизга, яъни 31 мингтага камайганини кўриш мумкин⁴.

Ярашганлик муносабати билан жинойи жавобгарликдан озод қилиш институтининг ҳаётга татбиқ қилиниши ҳам ижобий натижаларни бермоқда. Бу ҳуқуқий норма охириги беш йил мобайнида 57 минг нафардан ортиқ жиноят содир этган шахсларга татбиқ этилди, яъни улар ота-оналари, оиласи, болалари бағрида қолдирилди. 2009 йил 3 апрелда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-1-моддасига ўзгартириш киритиш тўғрисида”ги қонун билан ярашув доирасига кирувчи жиноят турларининг кўпайтирилиши бу институтнинг истиқболли эканидан далолат беради.

Қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳамда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш ҳоллари кескин камайди. 2000 йилда ҳар иккинчи айбланувчи эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинган ва судланганларнинг ярмига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, 2007 йил ҳар бешинчи айбланувчи қамоққа олинган ва судланганларнинг 70 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган. Қонунчиликка рағбатлантирувчи ҳуқуқий нормаларнинг киритилиши жиноят натижасида етказилган зарарнинг қопланиш даражасини жиддий ошириш имконини берди. Охириги беш йил давомида прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов давомида 435 млрд. сўмлик зарар ёки умумий аниқланган зарарнинг 78 фоизи айбдорлар томонидан қопланиши таъминланди⁵.

2009 йилда қамоққа олинган ва судланганларнинг 68 фоизига озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланган. Ушбу даврда прокуратура органлари томонидан дастлабки тергов давомида 276,7 млрд. сўм зарар ёки умумий аниқланган зарарнинг 86 фоизининг айбдорлардан ундирилиши таъминланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги “Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш” ва 8 августдаги “Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида”ги фармонлари ва улар асосида 2007 йил 11 июлда қабул қилинган қонунларнинг жамият ҳаётидаги аҳамияти беқиёсдир. Ўлим жазоси бекор қилиниши инсон ҳуқуқлари, айниқса табиий ҳуқуқ бўлмиш яшаш ҳуқуқини амалда таъминлашнинг кафолатларини кучайтирди ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши эса суд-ҳуқуқ тизими янада либераллашуви, айниқса тергов жараёнларида шахснинг эркинлигини чеклаш билан боғлиқ масалани ҳал қилишда судлар ваколати кенгайишининг сўзсиз тасдиғидир.

Ўлим жазосининг бекор қилиниши давлатимизнинг чинакам демократия сари яна бир дадил қадами бўлди. Бу қонуннинг қабул қилиниши билан суд хатоси туфайли бегуноҳ шахснинг ўлим жазосига маҳкум қилиниши ёки жиноят ҳолатлари ва жиноятчининг шахсига субъектив ва ноҳолис баҳо бериш натижасида оғирроқ жазо, яъни ўлим жазосини тайинлаш хавфи бартараф этилди.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олиш шахснинг эркинлигини чегараллайди. Шу муносабат билан қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши прокурор, химоячи, гумондор, айбланувчи ва бошқа шахслар (қонуний вакил, терговчи) иштирок этадиган суд муҳокамасида шахснинг эркинлигини чеклаш масаласини суд муҳокамаси иштирокчилари иштирокида ошқора ҳал қилиш, бу эса фуқароларнинг эркинлик ва дахлсизлик борасидаги конституциявий кафолатлари химоя қилиниши самарадорлигини сезиларли даражада ошириш имконини берди. Бу тартиб ўз навбатида жинойи таъқиб ҳамда қамоққа олиш масаласини ҳал қилиш босқичида тарафлар тортишуви асосида фуқароларнинг эркинлигини таъминловчи ҳуқуқий кафолатларни мустаҳкамлади.

2008 йилда судларда қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақидаги прокурорларнинг 16610 та илтимосномалари кўрилган, уларнинг 16338 таси судлар томонидан қаноатлантирилган, 248 таси рад этилган. Илтимосномаларнинг рад этилиши янги қонун нормалари самарадорлигининг тўғридан-тўғри далилидир. Бу ҳолат демократик давлатда мавжуд бўлиши зарур бўлган ҳол деб баҳоланиши лозим⁶.

Юқоридаги маълумотларга таяниб, қамоққа олиш ўрнига кишиларнинг ҳуқуқий онгини оширишнинг самараси юқори эканига, жинойи жазоларни эркинлаштириш нақадар тўғри ва истиқболли эканига ишонч ҳосил қилиш мумкин.

Вояга етмаганларга оид қонунчиликнинг либераллаштирилиши, уларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини химоя қилиш мақсадида кўрилаётган чоралар натижасида охириги йилларда мазкур тоифадаги шахслар ўртасида жиноятчилик камайиб бормоқда. 2008 йилнинг 24 сентябрида қабул қилинган Қонун билан Жиноят кодексининг вояга етмаганларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш масалаларини тартибга солувчи нормаларидаги қарама-қаршиликлар бартараф этилди.

Ўзбекистон Республикасининг жиноят-процессуал қонунчилигига киритилган бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар тергов ходимларининг масъулиятини, уларнинг мустақиллигини оширишга ҳамда жиноят ишларини сансалорликка солиш ҳоллари-

нинг олдини олишга қаратилган ўз вақтида кўрилган кескин чора бўлди ҳамда процессуал қонуннинг тўғри қўлланилишига замин яратди⁷.

2008 йил 22 сентябрда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига киритилган ўзгартиришларга мувофиқ прокуратура органларининг терговига тааллуқли, Жиноят кодексининг элликта моддасида назарда тутилган жиноятлар бўйича ишлар ички ишлар вазирлиги органларнинг терговига ўтказилди.

Мазкур қонун билан прокуратура ваколатидан Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органларининг бир тергов тармоғидаги битта терговчидан бошқа терговчига ишни ўтказиш ҳуқуқи чиқариб ташланди, терговга тегишлилигидан қатъи назар бир тергов органидан бошқа тергов органига ўтказиш ваколати эса, қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда фақат Бош прокурор ва унинг ўринбосарларида сақланиб қолди. Жиноят ишларини бирлаштиришда терговга тегишлилигини аниқлаш масалаларида ҳам қатъий қоидалар ўрнатилди.

Прокурорлар амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад этиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақидаги қарорларни тасдиқлаб келган бўлса, энди Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 22 декабрдаги қонуни билан, бундай ҳаракатларни амалга ошириш тўғрисида судга илтимоснома киритиши белгиланди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва кафолатлаш масаласи барча тинчликсевар мамлакатлар каби Ўзбекистонда олиб борилаётган ислохотларнинг туб мазмун-моҳиятини ташкил этади ва суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилган.

Таъкидлаш жоизки, ҳуқуқнинг маъмурий, фуқаролик, хўжалик ва бошқа соҳаларига қараганда жиноят процессида инсоннинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари доирасига кўпроқ таъсир ўтказилади. Чунки жиноят судлов ишларини юритиш орқали Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг VII бобида мустаҳкамланган шахсий ҳуқуқ ва эркинликларнинг чекланиши эҳтимоли юқоридир. Жиноят процессида инсон ҳуқуқларини мустаҳкам кафолатлаш борасидаги оқилона йўналишларидан бири жиноят судлов ишларини юритишда ҳимоячи — адвокат иштирокини сифат жиҳатдан яхшилашдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш фуқаролик жамияти институтларини ривожлантиришда ҳамда инсон

ҳуқуқлари ва эркинликларининг самарали ҳимоя қилинишини ҳар томонлама таъминлашга қаратилган суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги ислохотларнинг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси деб ҳисоблансин, деб қайд этилган.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 15 сентябрдаги Қонуни билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унга кўра ишда ҳимоячи сифатида фақат адвокатлар иштирок этишлари мумкинлиги ва гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакилларида бирининг адвокат билан бир қаторда ҳимоячи сифатида иштирок этишига гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг илтимосномаси бўйича суриштирувчининг, терговчининг қарори ёки суд ажримида биноан йўл қўйилиши белгиланиши фуқароларнинг тергов ва суд ишини юритишнинг ҳар қандай босқичида малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини мустаҳкамлайдиган конституциявий нормани амалга ошириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш имконини оширди.

“Адвокатура институтини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги 2008 йил 31 декабрдаги қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддаси 4-қисмига мувофиқ “Ҳимоячининг ишда иштирок этишига жиноят процессининг ҳар қандай босқичида, шахс ушланганида эса унинг ҳаракатланиш эркинлигига бўлган ҳуқуқи амалда чекланган пайтдан бошлаб рухсат этилади”.

Мазкур қонун билан гумон қилинувчи, айбланувчи ушлаб турилгани, қамоққа олингани ёки турар жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали қўнғироқ қилиш ёхуд хабар бериш, биринчи сўроқгача ҳимоячига эга бўлиш ҳамда давлат органларининг рухсатсиз учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда у билан ҳоли учрашиш, кўрсатув бериш ёхуд кўрсатув беришдан бош тортиш ва кўрсатувлардан жиноят ишига доир далил сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиш ҳуқуқларига эга бўлди. Гувоҳнинг ҳам адвокат орқали юридик ёрдам олиш кафолати мустаҳкамланди⁸.

Кўп йиллик суд амалиёти кўрсатишича, айрим тоифадаги жиноят ишлари бўйича қонунийлик, адолатлилик ва ҳолислик тамойилларига зарар етказмаган ҳолда суд тарафлар розилиги билан айрим формал характерга эга бўлган процессуал ҳаракатларни амалга оширмасдан, суд муҳокамасини ўтказмасдан яқуний қонуний қарорни қабул қилиш мумкин. Гап, айбланувчи айбига иқрор бўлиб, пушаймонлик билдириб жабрланувчига етказилган зарар қопланган ҳолда тарафларнинг ярашуви ҳақида эмас, содир этилган жиноят учун

жазонинг муқаррарлигини рўёбга чиқаришнинг анча кенг қўламли шакли ҳақида бормоқда, яъни англосаксон ҳуқуқ тизимидаги, ривожланган чет эл мамлакатлари, жумладан АҚШ ва қатор Европа давлатларида судлов ишларини юритишда амалда кенг қўлланилаётган жиноят процессининг прогрессив институти — айбни тан олиш тўғрисидаги битим тўғрисида кетмоқда.

Амалдаги Жиноят-процессуал кодекси жиноят қурбонларининг ҳимояси ҳақидаги БМТ Бош Ассамблеясининг 1985 йил 29 ноябрдаги Декларацияси талаб ва таклифларига асосан мос келади. Бироқ, жиноят судлови иш юритиши давомида жабрланувчи фақат унга етказилган мулкый зарар қопланишини талаб қилиш ҳуқуқига эга. Жиноят содир қилиниши муносабати билан етказилган маънавий зарарни қоплашга оид даъво эса фуқаролик судлови юритуви тартибида кўрилади. Жабрланувчи унга етказилган маънавий зарарни ундириш юзасидан судга даъво аризаси билан мурожаат қилиши учун эса жиноят иши бўйича ҳукм бўлиши зарур. Бундай ҳолда жиноят жараёнининг натижаси фуқаролик жараёнига нисбатан аҳамиятлироқ ва фуқаролик иш юритувидан устуворроқ кўринади.

Бу эса амалиётда жабрланувчилар учун қўшимча қийинчиликлар туғдирмоқда, яъни бундай қийинчилик туфайли кўпчилик жабрланувчилар ўзларига жиноят туфайли етказилган маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик судига мурожаат қилмаяпти. Судланувчи оқланганда ёки оқлов асосларисиз иш ҳаракатдан тугатилганда, жабрланувчида унга етказилган маънавий зарарни фуқаролик иш юритуви орқали қоплаш учун жуда кам имконият қолади. Фикримизча, етка-

зилган маънавий зарарни қоплаш масаласини Жиноят-процессуал кодексига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш орқали судда кўрилаётган жиноят иши доирасида ҳал қилиш мақсадга мувофиқ.

Бир қатор ривожланган давлатларнинг қонунчилиги жиноят натижасида етказилган зарар давлат томонидан қопланишини кўзда тутди. Бу, авваламбор, зарар қопланиши мажбуриятининг айбдорга юкланиши ҳамма вақт ҳам талаб қилинган натижага эришилмаётгани билан боғлиқ. Бунинг сабаби қуйидагиларда: биринчидан, айрим жиноятлар фаш этилмаётгани ва тааллуқлигича уни содир этган шахсларнинг аниқланмаётганида, иккинчидан, кўпчилик айбдорларнинг етказилган зарарни қоплаш учун етарли даражада молиявий ёки моддий маблағга эга эмасликларида намоён бўлмоқда.

Агар давлат фуқароларни жиноий тажовуздан ҳимоя қилишни таъминлашни ўз зиммасига олар экан, жиноят қурбонларига етказилган зарар давлат томонидан компенсация қилинишига эришиш шароитларини қонунчиликда кўзда тутиш лозим бўлади.

Жамиятда низоларни ҳал этишнинг янги, ноанъанавий шакллари пайдо бўлиши давр тақозосидир. Бизнинг вазифамиз бу шакллари янада ривожлантириб боришдан иборат. Бутун кучгайратимиз жиноят ва ҳуқуқбузарлик содир этилишининг олдини олишга, ҳуқуқий демократик давлат асослари барпо этила бориши билан вужудга келадиган бу каби янгиликлар аҳамиятига путур етказилишига йўл қўймазликка ва аксинча, уларнинг самарадорлигини оширишга қаратилмоғи лозим.



АННОТАЦИЯ

Вышеуказанная статья посвящена защите прав человека, в контексте правовых реформ проводимых в нашей стране. Во вводной части статьи автор указывает фундаментальные основы прав человека в Республике Узбекистан и подробно освещает достижения в данной сфере. В основной части статьи осуществляется тщательный научно-правовой анализ национального законодательства в сфере защиты прав человека, влияние правовых реформ на развитие данной сферы, приводятся точные статистические данные. В заключительной части автор предлагает конкретные меры и законодательные изменения по совершенствованию сферы защиты прав человека в Республики Узбекистан.

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. -Т.: Ўзбекистон, 1996. Б-10.

² Султонов О.С., Қодиров Х.М. Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ ислохотлари даврида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари. -Т.: 2008. Б-3.

³ Қодиров Р.Х. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади. -Т.:// Нуқуқ, 2008 йил 29 май, 22 (595)-сон.

⁴ Ўша ерда.

⁵ Ўша ерда.

⁶ Қодиров Р.Х. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш - суд-ҳуқуқ ислохотларининг бош мақсади. -Т.: Халқ сўзи, 2009 йил 6 март.

⁷ Ўша ерда.

⁸ "Адвокатура институтини такомиллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги 2008 йил 31 декабрдаги қонуни. -Т.: Халқ сўзи, 2009 йил 1 январь.

А.САИДОВ
 директор Национального центра
 Республики Узбекистан по правам
 человека, д.ю.н., профессор

ПОДДЕРЖКА, ОБЕСПЕЧЕНИЕ И ЗАЩИТА ГРАЖДАНСКИХ И ПОЛИТИЧЕСКИХ ПРАВ В УЗБЕКИСТАНЕ

С первых дней независимости Узбекистан выделил проблему защиты гражданских и политических прав человека в качестве приоритетной задачи государственной политики. В стране придается огромное значение вопросам обеспечения всех прав человека, независимо от их национальности, языка, религии, социального происхождения, убеждений, личного и общественного положения, а также места жительства.

Узбекистан поддерживает и одобряет все инициативы Организации Объединенных Наций, направленные на обеспечение гражданских и политических прав и свобод человека. Основными направлениями последовательной и системной политики по защите гражданских и политических прав и свобод человека в Узбекистане являются:

во-первых, обеспечение выполнения принятых законодательных актов в сфере защиты гражданских и политических прав и свобод человека, а также принятие мер по дальнейшему совершенствованию правовой базы;

во-вторых, постоянный и комплексный мониторинг состояния дел по защите гражданских и политических прав и свобод человека;

в-третьих, подготовка и реализация мероприятий, направленных на оказание содействия активному участию негосударственных некоммерческих организаций и средств массовой информации в общественной, политической жизни страны;

в-четвертых, дальнейшее совершенствование международного сотрудничества с органами и структурами ООН в сфере прав человека. В марте 2009 года Советом по правам человека был утвержден доклад Узбекистана в рамках Универсального периодического обзора.

11-12 марта 2010 г. на 98-ой сессии Комитета ООН по правам человека был рассмотрен Третий периодический доклад Республики Узбекистан по выполнению положений Международного пакта о гражданских и политических правах, в подготовке которого приняли активное участие 32 государственных органа и 18 неправительственных

организаций страны. В соответствии с рекомендациями Комитета процесс подготовки данного доклада проходил с широким участием государственных органов, институтов гражданского общества и освещением в средствах массовой информации.

Узбекистан принимает законодательные, административные, экономические и другие меры для реализации гражданских и политических прав и свобод человека. Можно выделить пять приоритетных направлений по выполнению основных положений Международного пакта о гражданских и политических правах.

Первое направление — совершенствование законодательной основы защиты гражданских и политических прав

За последние 4 года в целях имплементации положений Пакта, совершенствования правовой базы обеспечения и защиты прав человека в стране приняты **следующие законы:**

1. «О гарантиях деятельности негосударственных некоммерческих организаций»;
2. Конституционный Закон «Об усилении роли политических партий в обновлении и дальнейшей демократизации государственного управления и модернизации страны»;
3. «О благотворительности»;
4. «О средствах массовой информации» (новая редакция);
5. «О гарантиях прав ребенка»;
6. «О противодействии торговле людьми»;
7. «О социальной защищенности инвалидов в Республике Узбекистан» (новая редакция);
8. «О третейских судах»;
9. «Об обязательном государственном социальном страховании от несчастных случаев на производстве и профессиональных заболеваний»;
10. «Об обязательном страховании гражданской ответственности работодателя»;

внесены также изменения и дополнения в:

- ♦ избирательное законодательство;
- ♦ законодательство об адвокатуре;

- ◆ Трудовой кодекс;
- ◆ Семейный кодекс;
- ◆ Уголовный, Уголовно-процессуальный и Уголовно-исполнительные кодексы;
- ◆ Кодекс об административной ответственности Республики Узбекистан и ряд других законов.

Эти законы направлены на реализацию Заключением замечаний и Замечаний общего порядка Комитета, в частности, вопросам обеспечения и защиты гражданских и политических прав занятости, борьбы с торговлей людьми и насилием, усиления ответственности за нарушения прав детей и т.д.

Большое значение имеют принятие и реализация Государственных программ, принятых и реализуемых в связи с проведением:

- ◆ Года социальной защиты;
- ◆ Года молодежи;
- ◆ Года развития и благоустройства села;
- ◆ Года гармонично развитого поколения.

В этих целях были приняты **Постановления Президента Республики Узбекистан:**

1. «О мерах по повышению эффективности борьбы с торговлей людьми»;

2. «О дополнительных мерах по охране здоровья матери и ребенка, формированию здорового поколения»;

3. «О Программе мер по дальнейшему усилению и повышению эффективности проводимой работы по укреплению репродуктивного здоровья населения, рождению здорового ребенка, формированию физически и духовно развитого поколения на 2009-2013 гг.»;

4. «О Государственной программе раннего выявления врожденных и наследственных заболеваний для предупреждения рождения инвалидов с детства»;

Указы Президента Республики Узбекистан:

1. «О Программе мероприятий, посвященных 60-летию принятия Всеобщей декларации прав человека»;

2. «О мерах по дальнейшему реформированию института адвокатуры в Республики Узбекистан»;

3. «О мерах по дальнейшему совершенствованию и укреплению системы социальной защиты населения»;

4. «О дополнительных мерах по моральной и материальной поддержке молодых семей», ряд других нормативно-правовых актов.

В Узбекистане 2009 год характеризовался осуществлением существенных мер в сфере реализации гражданских и политических прав. Прошедший год был ознаменован важным событием в политической жизни Узбекистана — были проведены выборы в высшие и местные представительные органы власти, которые еще раз продемонстрировали демократический характер наци-

ональной выборной системы, точное и неукоснительное соблюдение норм законодательства и международных стандартов всеми участниками на всех этапах избирательного процесса.

Подробные и достаточно объективные оценки состоявшихся парламентских выборов уже даны, даны как со стороны соответствующих уполномоченных структур и наблюдателей как внутри страны, так и со стороны международных организаций и зарубежных наблюдателей.

Парламентские выборы продемонстрировали высокую политическую культуру населения, растущий уровень его политического и гражданского самосознания, его широкую поддержку продвижения по пути углубления демократизации и модернизации страны.

Отрадным является тот факт, что уже вторая избирательная кампания осуществляется с соблюдением 30% — квоты для женщин при выдвижении кандидатов в депутаты, как в местные представительные органы, так и в парламент. По итогам прошедших выборов в Законодательной палате Парламента представлены 33 женщины-депутата, что составляет 22% от общего количества, количество женщин-сенаторов составляет 15%. В представительных органах власти регионов количество женщин депутатов составляет — 15%.

В целях реализации рекомендаций Комитета по правам человека осуществлены следующие меры:

Во-первых, принят **Закон «О противодействии торговле людьми»**, который вносит значительный вклад в борьбу с торговлей людьми. Согласно закону созданы структуры координирующие данную работу — Республиканская Межведомственная комиссия по противодействию торговле людьми и территориальные комиссии на местах. Статья 135 Уголовного кодекса «Вербовка людей для эксплуатации» изменена на «Торговля людьми», в которой определены признаки состава преступления и виды наказания, установлены отягчающие вину признаки данного деяния.

Во-вторых, Постановлением Президента Республики Узбекистан утвержден **Национальный план действий по повышению эффективности борьбы с торговлей людьми на 2008-2010 годы**. В целях оказания помощи и предоставления защиты жертвам торговли людьми создаются специализированные учреждения по оказанию помощи и защите жертв торговли людьми.

В-третьих, Верховным судом Республики Узбекистан принято Постановление от 24 ноября 2009 г. **«О судебной практике по делам о торговле людьми»**, который полностью имплементирует в судебную практику положения Палермского протокола о предупреждении и пресечении торговли людьми, особенно женщинами и детьми, и наказании за нее.

Только в 2009 году по фактам торговли людьми

по ст. 135 Уголовного кодекса возбуждено более 1200 уголовных дел, в рамках которых признаны жертвами торговли людьми более 4600 лиц, из них около 14 % — женщины.

Второе направление — развитие институциональной основы защиты гражданских и политических прав

В течение 2006-2010 годов в Узбекистане приняты системные усилия по совершенствованию деятельности как государственной, так и неправительственной системы органов по защите прав человека.

Вопросы мониторинга соблюдения Пакта находятся в поле зрения обеих палат узбекского парламента. Комитетами Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса Республики Узбекистан проведены специальные заседания, посвященные итогам рассмотрения Комитетом Второго периодического доклада и реализации положений Международного пакта о гражданских и политических правах.

Опубликованы на узбекском языке пособия депутатам и сенаторам, изданные Межпарламентским Союзом:

- ◆ «Права человека для парламентариев»;
- ◆ «Защита прав ребёнка: пособие для парламентариев»;
- ◆ «Искоренение наихудших форм детского труда».

В целях реализации рекомендаций Комитета принято Постановление Кабинета Министров Республики Узбекистан от 30 сентября 2008 г. «О комплексе мер по государственной поддержке национальных институтов по правам человека», направленный на поддержку института Омбудсмена и Национального центра по правам человека для усиления их материально-финансового, кадрового обеспечения и ресурсного потенциала. Деятельных национальных институтов по правам человека полностью отвечает требованиям Парижских принципов.

В целях укрепления правовых гарантий деятельности Омбудсмена в апреле 2009 года парламент Узбекистана принял Закон, который расширил права Омбудсмена на встречи и беседы с задержанными лицами и осужденными, по осуществлению беспрепятственного посещения учреждений по исполнению наказания, а также ввел запрет на цензуру корреспонденции осужденных, направляемых в адрес Омбудсмена.

В Узбекистане создана и успешно функционирует система мониторинга за соблюдением прав человека, которая представлена органами всех трех ветвей власти, а именно:

- ◆ Институт мониторинга действующего законодательства при Президенте Республики Узбекистан;
- ◆ Центр по мониторингу реализации норма-

тивно-правовых актов при Министерстве юстиции Республики Узбекистан;

◆ Исследовательский Центр по демократизации и либерализации судебного законодательства и обеспечению независимости судов при Верховном суде Республики Узбекистан.

Кроме того, в структуре Министерства внутренних дел, Министерства юстиции, Генеральной прокуратуры созданы специальные подразделения по защите прав человека, в функции которых входят также вопросы обеспечения гражданских и политических прав человека в свете реализации законов Республики Узбекистан, Пакта и других международных документов.

Придается большое значение развитию общественного контроля (мониторинга) за соблюдением гражданских и политических прав человека. В целях поддержки деятельности институтов гражданского общества принят Закон «О гарантиях деятельности негосударственных некоммерческих организаций». Создан Общественный фонд по поддержке ННО и других институтов гражданского общества, а также Парламентская комиссия по управлению средствами фонда. Функционирует независимая, основанная на демократических принципах, система формирования источников финансирования деятельности ННО и других институтов гражданского общества.

В последние годы было принято около 10 актов законодательства, непосредственно направленных на дальнейшую демократизацию и либерализацию СМИ, повышение их активности в обеспечении гласности и открытости проводимых общественно-политических и социально-экономических реформ, внедрение передовых информационно-коммуникационных технологий в медиа-пространство.

Третье направление — углубление судебно-правовых реформ

В Узбекистане предприняты значительные меры стране по либерализации судебно-правовой системы, обеспечению на деле независимости судебной власти. За последние пять лет было принято 58 законов, в соответствии с которыми осуществлялось дальнейшее реформирование судебно-правовой системы. Осуществлена либерализация системы уголовного наказания. Реализуются меры по обеспечению законности в деятельности правоохранительных органов, усилению роли независимых судов в построении демократического правового государства и сильного гражданского общества.

Реформирован институт адвокатуры, усовершенствованы система исполнения судебных решений, деятельность прокуратуры, принят ряд других мер, направленных на последовательную демократизацию всей судебно-правовой системы. Значительно расширены права защитника. Даже

свидетель теперь вправе пользоваться услугами адвоката. Последовательно реализуются меры по обеспечению равенства процессуальных прав сторон обвинения и защиты в уголовном процессе, созданию действенной централизованной системы самоуправления адвокатуры, введению обязательного системного повышения профессиональной квалификации адвокатов.

Законодательно введено в практику демократический институт **«Правила Миранды»**, что способствовало усилению правового статуса задержанных, подозреваемых и осужденных. Кроме того, закон гарантирует, что защитник допускается к участию в деле на любой стадии уголовного процесса, а при задержании лица - с момента фактического ограничения его права на свободу передвижения.

В Узбекистане принимаются системные меры по эффективному противодействию угрозам, связанным с коррупцией, активному участию институтов гражданского общества в противодействии коррупции. Присоединение Узбекистана к **Конвенции ООН против коррупции** призвано повысить на качественно новый уровень противодействие коррупции, подразумевает дальнейшее совершенствование законодательства и реализацию дополнительных действенных мер по борьбе с этим преступлением.

Четвертое направление — проведение информационно-образовательных мероприятий

2009 год был отмечен в мире значительными событиями в области прав человека. Прежде всего, прошедший год был объявлен Генеральной Ассамблеей ООН **Международным годом обучения в области прав человека**.

В рамках Всемирной кампании ООН в области образования по правам человека в Узбекистане осуществлены комплексные меры по проведению информационно-образовательных мероприятий в сфере прав человека, как со стороны государственных органов, так и со стороны институтов гражданского общества, образовательных учреждений и академических центров.

В рамках празднования 60-летия Всеобщей декларации прав человека, Международного года обучения в области прав человека и юбилейных дат международных договоров все государственные органы, институты гражданского общества, средства массовой информации, образовательные учреждения были вовлечены в процесс распространения среди населения общечеловеческих идеалов и ценностей, принципов уважения и соблюдения прав человека.

Кроме того, в Узбекистане широко отмечалось празднование юбилейных дат, как:

20-летие принятия Конвенции о правах ребенка и 50-летие принятия Декларации о правах ребенка;

25-летие принятия Конвенции против пыток и других жестоких, бесчеловечных и унижающих достоинство видов обращения и наказания;

30-летие принятия Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин;

60-летие принятия Женевских конвенций о защите жертв вооруженных конфликтов;

90-летие со дня учреждения Международной организации труда.

Предприняты значительные меры по совершенствованию методологии и методики образовательного процесса и активизации с точки зрения охвата различных групп населения, особенно женщин, молодежи и детей. При содействии международных организаций изданы на узбекском, русском и каракалпакском языках пособия и сборники: юбилейные издания Всеобщей декларации прав человека, Конвенции о ликвидации всех форм дискриминации в отношении женщин, Конвенции о правах ребенка; Факультативные протоколы к Конвенции о правах ребенка, подготовлена электронная книга: «Права ребенка: сборник международных договоров».

Опубликован научный комментарий к Закону «О гарантиях прав ребенка». Издана книга «Всеобщая декларация прав человека и национальная система защиты прав человека в Узбекистане» (на узбекском, русском и английском языках), а также серия из 15 брошюр «Права человека в Узбекистане» (на узбекском и русском языках), посвященная имплементации Всеобщей декларации прав человека в законодательство и правоприменительную практику Узбекистана.

Издаются более 20 юридических газет и журналов с правозащитной тематикой. Все СМИ уделяют особое внимание вопросам защиты прав, свобод и законных интересов человека. Проводятся конкурсы для журналистов Узбекистана «Права человека глазами журналиста», «Равноправие женщин и мужчин в зеркале СМИ».

В Узбекистане принимаются меры по дальнейшему совершенствованию образования по вопросам прав человека. Изучение положений Пакта и национального законодательства включено в учебные программы дошкольных учреждений, образовательных учреждений общего среднего, среднего специального, профессионального и высшего образования, системы повышения квалификации педагогических, медицинских и социальных работников, журналистов, адвокатов, работников правоохранительной системы и судей.

Пятое направление — развитие международного сотрудничества в области прав человека

Узбекистан последовательно и твердо выполняет свои международные обязательства по основным международным договорам по правам человека. В этих целях осуществляется активный и конструктивный диалог с уставными и договор-

ными органами ООН, а также со специализированными учреждениями ООН. Придается большое значение своевременному представлению национальных докладов и реализации рекомендаций договорных комитетов.

11 декабря 2008 года в рамках Универсального периодического обзора состоялось рассмотрение Национального доклада Узбекистана. В ходе 10-й сессии Совета ООН по правам человека 20 марта 2009 года был утвержден доклад Узбекистана.

В рамках сложившейся практики, в 2009 году принят и реализуется **Национальный план действий по выполнению рекомендаций Совета ООН по правам человека по итогам рассмотрения Универсального периодического обзора Узбекистана**. Отдельный раздел Плана посвящен вопросам обеспечения и защиты гражданских и политических прав, в исполнение которого вовлечены более 50 государственных и негосударственных структур.

За последние два года Парламент ратифицировал 7 международных договоров по правам человека, в том числе:

- ◆ Второй факультативный протокол к Международному пакту о гражданских и политических правах, направленный на отмену смертной казни;
- ◆ Протокол о предупреждении и пресечении торговли людьми, особенно женщинами и детьми, и наказании за неё, дополняющий Конвенцию ООН против транснациональной организованной преступности;
- ◆ Факультативный протокол к Конвенции о правах ребёнка, касающийся торговли детьми, детской проституции и детской порнографии;
- ◆ Факультативный протокол к Конвенции о правах ребёнка, касающийся участия детей в вооружённых конфликтах;
- ◆ Конвенцию ООН против коррупции;
- ◆ Конвенцию МОТ о минимальном возрасте для приёма на работу;
- ◆ Конвенцию МОТ о запрещении и немедленных мерах по искоренению наихудших форм детского труда.

На основе рекомендаций договорных органов были разработаны и реализуются:

- ◆ Национальный план действий по выполнению рекомендаций Комитета против пыток;

- ◆ Национальный план действий по выполнению рекомендаций Комитета по правам человека;

- ◆ Национальный план действий по выполнению рекомендаций Комитета по экономическим, социальным и культурным правам;

- ◆ Национальный план действий по выполнению рекомендаций Комитета по правам ребенка;

- ◆ Национальный план действий по выполнению рекомендаций Комитета по ликвидации дискриминации в отношении женщин;

- ◆ Национальный план действий по выполнению рекомендаций Комитета по ликвидации расовой дискриминации.

Контроль за исполнением Национальных планов действий осуществляется Межведомственной рабочей группой по изучению состояния соблюдения правоохранительными органами прав человека во главе с Министром юстиции.

Реализуется также **Национальный план действий по реализации положений Конвенции МОТ № 138 и 182, касающиеся минимального возраста приема на работу и ликвидации наихудших форм детского труда**, в которых предусмотрены меры по совершенствованию законодательной базы и мониторингу выполнения международных обязательств.

В целом, обеспечение гражданских и политических прав человека зависит от дальнейшего укрепления организационно-правовых механизмов и процедур их реализации на практике, объединения усилий государственных органов и институтов гражданского общества в данной сфере, повышения уровня правовой культуры населения страны по вопросам защиты прав человека.

Узбекистан полностью разделяет усилия по укреплению деятельности Организации Объединенных Наций в области прав человека посредством поощрения международного сотрудничества, основанного на принципах неизбирательности, беспристрастности и объективности. Кроме того, поддерживает усилия Совета ООН по правам человека о реализации второго этапа Всемирной программы образования в области прав человека и принятие Декларации в области образования и подготовки по правам человека, а также инициативы ООН по всемирному мораторию на применение смертной казни.

АННОТАЦИЯ

Мақола Ўзбекистон Республикасида фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларнинг кафолатланиши ҳамда муҳофаза этилишига бағишланган. Мақоланинг кириш қисмида муаллиф Ўзбекистонда инсонларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини таъминловчи асосий йўналишларни баён қилган. Асосий қисмида эса ушбу тўрт йўналишда кишиларнинг фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқларини регламентация қилувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотларнинг натижалари таҳлил этилган. Хулоса қисмида муаллиф халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ва уни ривожлантириш истиқболларига тўхталиб ўтган.

Зоҳид ДУСАНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид
жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга
қарши курашиш департаменти бошлиғи, адлия маслаҳатчиси

ТАДБИРКОРЛИКНИ Қўллаб-қувватлаш – Устувор Вазифа

Мамлакатимизда муҳтарам Президентимиз бошчилигида тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни жадал ривожлантириш учун барча қулай шарт-шароитларни яратиш, аҳоли фаровонлигини янада юксалтириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда.

Ўз навбатида, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳайъат қарорларида Бош прокуроримизнинг буйруқ, кўрсатма, топшириқларида, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига асосиз аралашувларнинг олдини олиш, тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш ҳамда янги иш ўринлари яратилишига тўсқинлик қилиш ҳолатларига йўл қўймасликка қаратилган устувор вазифалар белгиланган.

Бош прокуроримиз барча тегишли мутасадди идоралар раҳбарларини жалб қилган ҳолда тадбиркорлар билан ўтказадиган доимий мулоқотларда, хусусан, Сирдарё вилоятидаги учрашувларида: «Бу борада қонунчилик талабларини бажармаган ёки бузган мансабдорларга нисбатан жиноий жавобгарликкача бўлган қатъий чоралар кўрилади, уларнинг лавозимидан қатъий назар жазонинг муқаррарлиги таъминланади.

...тадбиркорликка тўла шарт-шароит яратиб берилса, тўсиқлар бартараф этилса, тадбиркор нафақат ўз даромадини оширади, балки юртини, маҳалласини обод қилади. Бу билан ўз-ўзидан бюджет тушумлари, солиқ тўловлари кўпаяди», дея бу йўналишдаги вазифалар мазмун-моҳиятини яққол очиб берганлар.

Бинобарин, Бош прокуратура ҳузуридаги департамент органлари томонидан зиммасига юклатилган вазифалар хусусияти ҳамда Бош прокуратура раҳбарияти талабларидан келиб чиққан ҳолда бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Чунончи, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, юритиш, муайян фаолият турлари бўйича лицензия ҳамда рухсатномалар бериш жараёнидаги коррупция ҳолатлари, тамагирликларга қарши курашиш, «хуфёна» иқтисодиётга, тадбиркор ниқоби остида ноқонуний фаолият юритиб, соғлом рақобат муҳитини бузаётган шахсларнинг фаолиятига барҳам бериш орқали тадбиркорларнинг қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш юзасидан чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Аниқроқ айтганда, ҳеч қандай солиқ ва бошқа тўлов-

ларни қасддан тўламасдан, электр, газ тармоқларига ноқонуний уланиб, санитария-гигиена шароитларини яратмай, маҳсулот сифатини яхшилаш учун маблағ сарфламасдан, четдан ноқонуний, бож тўланмасдан киритилган ёки сифатсизлиги учун паст нархда бўлган хом ашёлардан фойдаланиб, таннархи сунъий арзонлаштирилган маҳсулотларни ишлаб чиқариш йўли билан қонунларга риоя этиб ишлаётган тадбиркорларни «синдирмоқчи» бўлган кимсалар фаолиятига чек қўйилиб, соғлом рақобат таъминлаяпти.

Ушбу масаланинг яна бир долзарб жиҳати шундан иборатки, «сохта» тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган ёхуд муомалага киритилган истеъмолга яроқсиз, сифатсиз маҳсулотлар аҳоли саломатлигига хавф туғдиради, истеъмолчилар ҳуқуқлари поймол этди.

Шунингдек, «сохта» тадбиркорлар томонидан ноқонуний ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотишда нуфузли корхоналарнинг номи ва фирма белгиларидан фойдаланиб, уларнинг тадбиркорлик обрўсига путур етказиш ҳолатларини фош этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бундан ташқари, қонунчиликда тақиқланмаган фаолият тури билан яширин шуғулланилган бўлса, ушбу хуфёна фаолиятга чек қўйиш, ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш билан чекланилмасдан, тегишли тартибда солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказишга, янги иш ўринларини яратишга қаратилган тарғибот тадбирлари кучайтирилди.

Бундан кўзланган мақсад тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашга қаратилган норматив ҳужжатларни бевосита тадбиркорлар ўртасида тарғиб қилиш йўли билан уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш, ҳақ-ҳуқуқларини танитишдир. Чунки, улар фаолиятига ноқонуний аралашувлар билан боғлиқ фош этилган жиноятлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, аксарият ҳолларда тадбиркорлар ўз ҳуқуқларини яхши билмасликлари, ҳуқуқий билимларининг етишмаслиги оқибатида, турли «текширувчи»лар ёки фирибгарлардан жабр кўришмоқда. Маълумки, ўз ҳуқуқларини яхши билган тадбиркорларнинг фаолиятига тамагирлик мақсадида ноқонуний аралашувчилар камдан-кам топилади.

Мазкур йўналишлар бўйича амалга оширилаётган ишлар натижаси тўғрисида батафсилроқ тўхталиб ўти-

шимиз мумкин.

Коррупцияга қарши курашишда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш устувор ва зифа ҳисобланиб, бу борада мунтазам тезкор-тахлилий тадбирлар амалга оширилмоқда. Айниқса, тадбиркорларнинг қонуний фаолият кўрсатишига, уларнинг ривожланишига тўсиқ бўлаётган суиистеъмолчиликлар, тамагирликларни фош этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бош прокуратура раҳбарияти топшириғи асосида, тадбиркорлик, ишлаб чиқариш билан шуғулланишга қарор қилган фуқароларнинг фаолият бошлашида вужудга келаётган тўсиқларни бартараф этиш, коррупция ҳолатларини фош этишга қаратилган ишлар босқичма-босқич олиб борилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятини, кичик ва ўрта бизнесни қўллаб-қувватлаш тўғрисидаги қонунлар ижросини таъминлаш юзасидан барча чоралар кўрилмоқда.

Тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини менсимасан, порахўрлик билан шуғулланган мутасадди идоралар ходимларига нисбатан бир қанча жиноят ишлари кўзғатилгани бунга мисол бўла олади.

Чунончи, «Микрокредитбанк»нинг Каттақўрғон шаҳар филиали бошқарувчиси Ш.Мўминов фаолиятини кенгайтирмоқчи бўлган «Турғунбой Эгамбердиевич» деҳқон хўжалигига парранда сотиб олиши учун **9,8 млн.** сўм кредит ажратиши эвазига кредит суммасининг 10 фоизи миқдорида пора талаб қилади. Аммо у ниятига ета олмади, — хўжалик раҳбари С.Бобоевдан талаб қилинган суммадан **300,0 минг** сўмини олганида ушланган.

Шунингдек, «Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорти агентлиги» Наманган ҳудудий бўлими бошлиғи Ғ.Ахмадалиев Наманган шаҳридаги «Мухиддин Мержиддин сарбонлари» МЧЖ раҳбари М.Инсоповдан транспорт хизмати кўрсатишга лицензия бериши эвазига **300 АҚШ** доллари ва **200,0 минг** сўм пора олганида ушланди.

Юқорида келтирилган мисоллардан ҳам кўриниб турибдики, тамагирлик ва порахўрлик иллатлари ҳақиқатан ҳам тадбиркорлар олдида ғов бўлиб турибди.

– Тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринларини яратиш ва солиқ базасини кенгайтиришга қаратилган муайян ишлар ҳам бесамар кетмаяпти.

Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент органлари томонидан «хуфёна» иқтисодиётга қарши курашишга қаратилган тадбирлар доирасида яна бир салбий ҳолат аниқланмоқда. Яъни қонунчиликда фаолият тури тақиқланмаган ишлаб чиқариш билан яширин, белгиланган тартибга зид равишда шуғулланаётган фуқароларимиз кўплаб учрамоқда. Ушбу ноқонуний ишлаб чиқариш билан шуғуллаётганларнинг фаолиятига чек қўйиш, ҳуқуқий таъсир чораларини кўриш билан чекланмасдан фуқароларни солиқ тўловчи сифатида рўйхатдан ўтказиш, фаолиятига қонуний тус бериш, стандарт талабларига мос, сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришини йўлга қўйиш, имкон бўлса, фаолиятини янада кенгайтириб, қўшимча ишчи ўринлари

яратиши учун лозим бўлган барча тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Мисол учун, олиб борилган ҳуқуқ-тарғибот ишлари, кўрсатилган амалий ёрдам натижасида Хива туманида ноқонуний кулолчилик билан шуғулланиб келган фуқаро Ў.Машарипов банкдан ссуда олиб, «Хива кулоллари» хусусий корхонасини ташкил этди. Бунинг натижасида корхонада қўшимча 10 та иш ўринлари яратилди. Газ ва электр тармоқлари корхоналари билан шартномалар тузилиб, тегишли тўловлар тўланиши таъминланди.

Бу борада 2009 йилда ўтказилган профилактик тадбирлар натижасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётган 136 та хўжалик юритувчи субъектларда 403 та қўшимча иш ўринлари яратилди, 260 нафар фуқаронинг давлат рўйхатидан ўтиб, қонуний фаолият юритишига ва бунинг натижасида бюджетга қўшимча маблағлар ҳисобланишига эришилди.

Департамент органлари томонидан «хуфёна» иқтисодиётга қарши курашиш, уларнинг раҳнамолари ҳамда манбаларини фош этиш, соғлом рақобат муҳитини ривожлантириш борасида самарали тадбирлар олиб борилмоқда.

2008 йил ва жорий йилнинг ўтган даврида 800 га яқин яширин ишлаб чиқариш цехлари фаолиятига барҳам берилди.

Ушбу йўналишда биргина 2009 йилда 684 та яширин ишлаб чиқариш ҳолатлари фош этилиб, 557 та жиноят иши кўзғатилди, 127 та маъмурий иш юритилди. Ҳуқуқбузарлардан 1,1 млрд. сўмдан зиёд сифатсиз товарлар олиб қўйилди.

Айниқса, муаллифлик ва турдош ҳуқуқларни поймол қилиш йўли билан йирик корхоналарнинг нуфузига жиддий зарар етказаётган яширин ишлаб чиқаришга барҳам бериш борасида таъсирчан чоралар кўрилди.

Чунончи, Миробод туманида яшовчи фуқаро С.Хайруллина ўз уйида яширин цех ташкил этиб, ноқонуний ишлаб чиқариш билан шуғулланган. У муаллифлик ҳуқуқини бузиб, санитария талабларига зид шароитда кўчалар ва ахлатхоналардан йиғиб олинган идишларга турли рангдаги кимёвий суюқликларни қўйиб, газлантириб, истеъмолга яроқсиз «Кока-кола» ва «Фанта» ичимликларини яширин равишда ишлаб чиқариб, Тошкент вилояти Чиноз тумани ва Янгийўл шаҳридаги бозорларда улгуржи тартибда сотиш билан шуғулланиб келганлиги аниқланди.

Яширин цехдан «Кока-кола», «Фанта» қўлбола ичимлиги, елим идишлар, қопқоқлар, кимёвий суюқлик, кислород баллонлари ашёвий далил сифатида олинди. Шу ўринда, юқоридаги каби «сохта тадбиркорлик» билан шуғулланиб, истеъмол бозорини сифатсиз, хатто инсон саломатлиги учун хавфли бўлган маҳсулотлар билан тўлдираётган «шоввоз»ларнинг ноқонуний хатти-ҳаракатига чек қўйилаётгани ҳақида яна бир неча мисол келтириш мумкин.

Шайхонтоҳур туманида яшовчи яшовчи фуқаро А.Хасанов ўз хонадонидида яширин цех ташкил этиб, Хитойда ишлаб чиқарилган арзон, нарҳдаги, сифати паст

кир ювиш кукунига вазнини кўпайтириш мақсадида ош тузи аралаштириб, кир ювиш воситаси тайёрлаган. Жами кир ювиш кукуни нуфузли «Procter & Gamble» компаниясининг «Миф» кутисига қадоклаб, унинг унинг нуфузига путур етказган.

Мутахассисларнинг фикрига кўра, ушбу қалбаки кир ювиш кукунларидан мунтазам фойдаланилса, инсоннинг нафас йўллари, терининг устки қаватига шикаст етади.

Шу ўринда мамлакатимизда текширишларни тартибга солиш, тадбиркорларнинг фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйиш бўйича бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинаётганини таъкидлаш керак. Афсуски, тадбиркорларнинг аксарияти қонун ҳужжатларида мустақамланган ўз ҳуқуқларини яхши билмаслиги оқибатида фирибгарларнинг тузоғига тушмоқдалар.

Чунончи, Тошкент шаҳрида яшовчи фуқаро У.Саматов «Мехрибону-голд» хусусий фирмасига қарашли «Чорсу» бозори ҳудудида жойлашган савдо дўконига бориб, фирма раҳбари М.Хаитова ва сотувчиси Г.Азимоваларга ўзини гўёки ҳуқуқ-тартибот идораси ходими деб таништириб, товламачилик йўли билан **6,0 минг** АҚШ долларини олганида қўлга олинди.

Оқдарё туманида яшовчи Н.Мусурмонов ҳам тадбиркорнинг ҳуқуқларини яхши билмаслигидан фойдаланиб қолмоқчи бўлди. У тадбиркор Х.Мардиевдан унга тегишли ошхонани буздирини ҳақида вилоят ҳокимига мурожаат қилмаслик эвазига товламачилик йўли билан **144,5 минг** сўмни олганида ушланди.

Афсуски, гуруч курмасиз бўлмайти, деганларидек, тадбиркорлар учун яратилган қулай имкониятлардан гараз мақсадларда фойдаланаётган, тадбиркор ниқоби остида жуда кўп миқдордаги маблағларни нақдлаштириб, солиқларни қасддан тўламасдан жиноий даромад олиш билан шуғулланувчилар ҳам бор.

Чунончи, Навоий шаҳрида яшовчи фуқаролар Ш.Тошев, Н.Хамдамов ва Ж.Жалоловлар бир нечта фирмаларни ташкил қилиб, 281,4 млн. сўмлик солиқларни қасддан тўламасдан, 1,2 млрд. сўмни нақдлаштирганлар. Жиноий даромадларини янги очган корхоналарига, яқин танишларининг фирмаларига гўёки низом жамғармасини шакллантириш ҳамда молиявий ёрдам сифатида киритиб, жами 151,4 млн. сўмни легаллаштирганлар.

Юқоридаги каби «сохта» тадбиркорларнинг ноқонуний фаолиятига айрим мутасадди идораларда хизмат қиладиган мансабдорлар ҳам аралашиб қолаёт-

гани, уларни ўз қаноти остига олиб, фаолиятларини рағбатлантираётгани ачинарли ҳолдир. Бу йўналишда ҳам белгиланган тартибда тегишли фаолият олиб борилмоқда.

Тезкор-таҳлилий тадбирлар натижасида ноқонуний тадбиркорлик фаолиятига «ҳомийлик» қилган айрим солиқ ходимларининг жиноий фаолиятларига ҳам чек қўйилди.

Хусусан, Ғузур туманида фуқаро Й.Давлатов ва бошқалар «Ғузур таъмир қурилиш сервис» МЧЖни ташкил қилиб, 1,0 млрд. сўм товар айланмасини амалга оширганлар, 757,5 млн. сўмлик кирим қилинмаган маҳсулотларни сотиб, 525,0 млн. сўмни нақдлаштириб, 25,1 млн. сўм солиқларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, жиноий даромад олганлар.

Сўнгра, жиноий даромадларидан бир қисмини, яъни 120,0 млн. сўмни янги ташкил этилган «Книко Матрос» ва «Ал-азиз Барокот плюс» МЧЖларнинг гўёки низом жамғармасини шакллантириш учун киритиб, легаллаштирганлар.

Ғузур туман ДСИ бош инспектори Б.Исмаилов «Ғузур таъмир қурилиш сервис» МЧЖ фаолияти юзасидан ўтказилган текширишда далолатномада 9,6 млн. сўмлик солиқларни қасддан камайитириб, кирим қилинмаган маҳсулотлар сотилганлиги ҳамда 525,0 млн. сўмнинг нақдлаштирилганлиги ҳолатларини акс эттирмаган.

Шубҳасиз, бундай қонунбузилишларга қарши курашишда салбий оқибатларнинг олдини олишга йўналтирилган чора-тадбирлар муҳим аҳамият касб этади.

Департамент органлари томонидан олиб борилган барча тезкор қидирув ва таҳлилий тадбирларда тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олиш бўйича қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга қаратилган кенг кўламли комплекс тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан биргаликда, фуқароларимиз, тадбиркорларимиз ўртасида ҳуқуқ-тарғибот тадбирлари кескин кучайтирилди. Хусусан, ўтган йилнинг ўзида 4 171 та ҳуқуқ тарғиботи тадбирлари ўтказилди. Бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланилиб, 2424 мартаба чиқишлар қилинди.

Умуман, Бош прокуратура ҳузуридаги Департамент органлари томонидан зиммасидаги вазифалар ҳусусиятидан келиб чиққан ҳолда, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ишлар давом эттирилмоқда.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена защите прав предпринимателей, как одной из важнейших задач правоохранительных органов. Во вводной части данной статьи автор проводит обзор правовых основ защиты прав и законных интересов предпринимателей, осуществляемый в нашей стране. В основной части статьи осуществляется подробный правовой анализ деятельности прокуратуры, и в частности, Департамента по борьбе с налоговыми, валютными преступлениями и легализацией преступных доходов при Генеральной прокуратуре Республики Узбекистан, эффективности деятельности данного органа в сфере защиты прав предпринимателей, приводятся статистические данные. В заключительной части автор указывает на важность осуществляемых мер и нормативно-правовых актов, регулирующих и реформирующих данную сферу.

Ислом ЖАСИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат
манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси бошлиғи

ПРОКУРАТУРАНИНГ ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИДАГИ ЎРНИ

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат қуриш ва эркин фуқаролик жамиятини шакллантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар жараёнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларида қонун устуворлигини таъминлаш ўта масъулиятли вазифа ҳисобланади.

Табиийки, бу жараёнда ҳар томонлама чуқур билимга эга, ахлоқан пок, маънавий етук инсонларга улкан эҳтиёж сезилади. Бу ҳақда Юртбошимизнинг шундай фикрлари бор: “Давлат қурилиши, иқтисодий ривожланиш жараёнлари маънавий камолот, юксак ахлоқийлик билан тўла уйғун бўлмоғи керак. Биз ўз сиёсатимизни шунга мослаб қурамиз ва уни изчиллик билан рўёбга чиқарамиз. Ишонч-эътиқод бўлмаган жойда ташаббускорлик ҳам, бунёдкорлик фаолияти ҳам бўлмайди”.

Шундай экан, ушбу жараённи, унинг тараққиётини ватанпарвар, жисмонан соғлом, меҳроқибатли, касбига содиқ, юксак маънавият ва маданият соҳиби бўлган инсонларсиз тасаввур этиш қийин. Эртанги кунимизнинг ана шундай бунёдкорларини тайёрлаш ва тарбиялашдек масъулиятли масаланинг ҳал этилишида прокуратура органлари зиммасига ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олиш, халқнинг ҳуқуқий онги билан маданиятини юксалтириш, таълим-тарбия ишларини такомиллаштириш каби бир қатор вазифалар юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов прокуратура органлари ҳақида гапирар экан, жумладан шундай дейди: “Такрор-такрор айтишга тўғри келади, бу соҳада хизмат қиладиган одамлар ўзининг профессионал ва фуқаролик бурчини, ўз вазифасини қанчалик ҳалол ва сидқидилдан ижро этиши, ҳеч муболағасиз, бутун ҳокимият обрўси ва кишиларимизнинг адолатга ишончи қай даражада бўлишини белгилайди”.

Шу аснода янги таҳрирда қабул қилинган “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда ҳам фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга қара-

тилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналиши этиб белгиланди. Шунингдек, Президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги 3406-сонли Фармони билан Бош прокуратуранинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, Ўзбекистон Ҳарбий ва Транспорт прокуратураларида фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўлимлари ҳамда ушбу бошқарма ва бўлимлар таркибида Қишлоқ хўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимлари ташкил этилди.

Ушбу Фармондан келиб чиқиб, Бош прокурорнинг 2004 йил 12 мартдаги 1-сонли буйруғи билан аввалги умумий назорат бошқармаси ўрнига Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш бошқармаси ташкил қилинди.

Бошқарма ҳамда унинг вилоятлардаги бўлимлари вилоят, туман ва уларга тенглаштирилган прокурорларнинг асосий вазифаларига фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, Республиканинг конституциявий тузуми, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини муҳофаза қилиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш кабилар киради.

Шу ўринда:

— Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши, вазирликлар, давлат кўмиталари, идоралар, давлат назорати идоралари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши ҳамда улар томонидан қабул қилинаётган ҳужжатларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқлиги устидан назоратни ташкил этиш;

— фуқароларнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва шахсий ҳуқуқлари ва эркинликларини му-

хофаза қилиш, уларнинг ҳимояланишини таъминлашга қаратилган қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат олиб бориш;

— иқтисодий муносабатлар, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва маъмурий жавобгарликка оид ҳамда бошқа қонунчиликка риоя қилиниши устидан назоратни амалга ошириш бу борадаги фаолиятнинг асосий йўналишларидир.

Шу маънода оладиган бўлсак, бошқарма томонидан “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ҳамда Бош прокурорнинг “Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан прокурорлик фаолияти самарадорлигини ошириш тўғрисида”ги 25-сонли буйруғи талаблари бўйича амалга оширилаётган ишлар натижасида фуқароларнинг прокуратура органларига бўлган ишончи тобора ортиб бормоқда.

Бунда асосий эътибор тадбиркорлик субъектлари ҳуқуқларининг ҳимояси, аҳолининг ижтимоий муҳофаза қилиниши, таълим, соғлиқни сақлаш, бандлик, иш ҳақи, пенсия ва нафақаларнинг ўз вақтида тўланиши, қишлоқ жойларда ичимлик суви, электр энергияси ҳамда табиий газ билан таъминлаш, аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш каби масалаларга қаратилган бўлиб, бошқарма томонидан ўтган йилда жами 23 та текшириш ўтказилди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича 35 та тақдимнома киритилиб, 142 нафар шахс интизомий жавобгарликка тортилган. 43 нафар мансабдор шахс қонунни бузмаслик хусусида огоҳлантирилиб, 1,5 млрд. сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундирилган бўлса, вазирликлар, банк муассасалари ва бошқа жамоат ташкилотларининг ноқонуний ҳужжатларига 131 та протест киритилди. Айбдор мутасаддиларга нисбатан 32 та жиноят ишлари кўзғатилди.

Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 сентябрдаги “Қишлоқ аҳоли яшаш жойларини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни янада яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 405-сонли қарори ҳамда аҳолига транспорт хизмати кўрсатиш ва электр энергияси билан таъминлаш тўғрисидаги қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган текширишда қарор талабларининг тўлиқ бажарилмаганлиги маълум бўлди. Масалан, 391 та қишлоқ ичимлик суви, 458 таси альтернатив сув манбааси билан таъминланмагани ҳолда, яроқсиз ҳолга келган 16 минг км. сув тармоқлари ўз ҳолига ташлаб қўйилган. 592 та қишлоқнинг 300 мингга яқин аҳолисини табиий газ, олисда жойлашгани сабабли бориш қийин бўлган 24 та қишлоқни эса суюлтирилган газ билан таъминлаш ишларига умуман аҳамият берилмаган.

Шунингдек, таълим тўғрисидаги қонунлар ижроси Давлат тест маркази ҳамда олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ўрганилганда, қатор

қонунбузилишлар аниқланди.

Биринчидан, Давлат тест марказида “Стандартлаштириш тўғрисида”ги ва “Таълим тўғрисида”ги қонунлар талабларига зид равишда “Ўзстандарт” агентлигида давлат рўйхатидан ўтмаган ўқув йўналишлари бўйича тест синовлари вариантлари тузилган. Натижада ўқувчи, абитуриент ва талабаларнинг билимлари таълим стандартларисиз, ноҳолис баҳоланган.

2006-2008 йилларда аттестациядан ўтказилиши лозим бўлган 496 та ўрта-махсус, касб-хунар таълими муассасаларидан биронтасида, шунингдек, 1666 та мактабгача таълим ва 2448 та умумий ўрта таълим муассасаларида аттестация ўтказилмаган. Бундан ташқари, хорижий давлатда таълим олганлик тўғрисидаги ҳужжатини нострификациялаш талабгори айрим ҳоллардагина синовдан ўтказилиши лозим бўлгани ҳолда, 7949 нафар талабгор ҳеч бир асоссиз тест синовидан ўтказилмаган.

Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида 1998 йилдан 2003 йилгача ўқув-педагогик фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилашга қаратилган, таълим даражаси ва мазмуни, шунингдек, мутахассисларни касбий тайёрлаш сифатига оид талабларни ўз ичига олган 43 та буйруқ чиқарилган бўлиб, шундан фақат 25 таси Адлия вазирлигида давлат экспертизаси ва давлат рўйхатидан ўтказилган, ҳолос.

Марказ ҳамда вазирликнинг қонунга зид ҳужжатларига нисбатан 15 та протест келтирилиб, аниқланган қонунбузилишларни бартараф этиш тўғрисида марказ директори ва вазир номига тақдимномалар киритилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, аynиқса, ногиронлар ва бошқа ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламнинг муҳофазасига оид қонунлар ижроси устидан назоратнинг таъминланиши бошқарма фаолиятининг асосий вазифаларидан бири ҳисобланишини юқорида қайд этган эдик. “Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонун ижроси текширилганда шу нарса маълум бўлдики, мутасадди идоралар томонидан соҳавий қонунлар ижроси етарли даражада бажарилмагани натижасида ногиронларни рўйхатга тўлиқ олиш ва уларнинг аниқ ҳисобининг юритилиши таъминланмаган. Бу-ку майли, аммо ногиронликни белгилаш жараёнида “жиғилдон”ни ўйлаб, мансаб ваколатини суиистеъмол қилишга, фирибгарлик ва пора олиш жиноятларини содир этилишига нима дейсиз? Сўнгги икки йилда шундай қилмишлар туфайли 33 нафар ходим жиноий жавобгарликка тортилган.

Соғлиқни сақлаш тизимидаги ҳолатни ҳам ижобий баҳолаб бўлмайди. Соҳа муассасаларида ногиронликни белгилашда 16 ёшгача бўлган болаларга ногиронликни тайинлаш тартибига амал қилинмаганлиги боис, 2008 ва 2009 йилларда

минглаб хулосалар ўзгартирилган ёки бекор қилинган. Ногиронларни аравача, қўлтиқтаёқ ва ҳасса каби техник реабилитация воситалари, эшитиш мосламаси ҳамда протез-ортопедия маҳсулотлари билан тўлиқ таъминлаш чоралари кўрилмаган.

Бундан ташқари, Халқ таълими вазирлиги тизимидаги муассасалар томонидан жисмоний ва руҳий ривожланишида нуқсони бўлган, узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларни уйда ўқитишга доир қонун талабларини ижро этишда ҳам суст-кашликларга йўл қўйилган.

Текширишлар жараёнида 61 нафар ногироннинг ногиронлик гуруҳи қонун доирасида ўзгартирилди. 65 нафарига ногиронлик гуруҳи белгилашиб, 27 нафариники бекор қилинди. 1685 нафар ногирон аравача, қўлтиқтаёқ, эшитиш мосламаси, протез-ортопедия маҳсулотлари, телефон алоқаси, озик-овқат маҳсулотлари, бепул дори-дармон ва кийим-кечак билан таъминланди. 1012 нафар ўзгалар парваришига муҳтож пенсионер, ногирон ва Чернобыль АЭСи ҳалокатини бартараф этишда иштирок этишда қатнашган фуқароларга пенсия ҳамда нафақаларнинг тайинланиши ҳал этилди. 4517 та прокурорлик назорати ҳужжатлари қўлланилиб, етказилган 97 млн. сўмлик зарар ихтиёрий равишда ундирилди. Шунингдек, болали оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга доир қонунчилик ҳужжатлари юзасидан ўтказилган текширишда ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан нафақа тўлаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги муурожаатларнинг 330 дан кўпроғини ноқонуний равишда рад этиш ҳақида ноқонуний қарорлар қабул қилинганлиги аниқланиб, улар прокурорларнинг протестлари асосида бекор қилинган ҳамда фуқароларга нафақа ва моддий ёрдам тайинланган. Текшириш якунларига кўра, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, Соғлиқни сақлаш ҳамда Халқ таълими вазирликларига тақдимномалар киритилди.

Яна бир масалага эътиборни қаратиш лозим деб топдик.

Назорат фаолиятини олиб бориш жараёнида прокуратура органларида қонун ва бошқа норматив-ҳуқуқий актларнинг ижроси чоғида амали-

ётда келиб чиқадиган муаммолар, қонун кучига салбий таъсир кўрсатадиган нуқсонларга оид талайгина маълумотлар мавжуд бўлади.

Ушбу материаллардан қонунчиликни такомиллаштиришда фойдаланиш прокурор назоратининг мантиқий давомидир. Шу боис, Конституциямизда Бош прокурорнинг қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи мустаҳкамлаб берилган.

Бошқарма томонидан долзарб масалалар юзасидан ўтказиладиган текширишлар ёки умумлаштиришлар деярли қонунчиликка ўзгартиришлар ёхуд қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифлар тайёрлаш билан якунланади.

Биргина 2009 йилда бошқарма томонидан тайёрланган таклифлар асосида Бош прокурор томонидан Олий Мажлисга киритилган қонунлар лойиҳаларидан 5 таси маъқулланиб, қабул қилинди.

Шулар қаторида, қалбакилаштирилган, сохта ёки сифатсиз дори-дармон ишлаб чиқариш, олиб келиш, сотиш, сақлаш каби ҳаракатларга нисбатан маъмурий ва жиноий жавобгарлик жорий қилиш тўғрисидаги қонунни мисол сифатида келтириш мумкин.

Бундан ташқари, қабристонлар аҳолини текширишлар якуни бўйича ишлаб чиқилган “Дафн этиш ва дафн ишлари тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси ҳозирда Олий Мажлис Қонунчилик палатасида муҳокама қилинмоқда.

Қонунчиликни такомиллаштириш жараёнида иштирок этиш ўз навбатида қонунлар ижроси устидан олиб борилаётган прокурорлик назоратининг моҳияти ва мазмунини бойитиш билан бирга, унинг сифати ва самарасини оширишга ҳам хизмат қилиши шубҳасиздир.

Хулоса ўрнида Юртбошимизнинг куйидаги фикрларини келтириш ўринли бўлса керак: “Энг муҳим масала — ижтимоий-иқтисодий ривожланиш борасида ўзимиз танлаган моделга асосланган ҳолда, халқ ҳаётини яқиндан билиб, одамларнинг ташвиш ва муаммоларини ҳар томонлама юрагимиздан ўтказиб, олдимизда турган мавжуд ғов-тўсиқларни бартараф этиш, замоннинг ўзи олдимизга қўяётган долзарб вазифаларни виждонан ва масъулият билан бажаришдан иборат”.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена роли органов прокуратуры в сфере защиты прав человека в нашей стране. Во вводной части данной статьи автор указывает основы и этапы развития защиты прав человека в Республики Узбекистан и роль прокуратуры в осуществлении защиты прав человека. В основной части статьи осуществляется подробный правовой анализ национальной нормативно-правовой базы в данной сфере, осуществление комплексных мер, проведенных органами прокуратуры, приводятся конкретные статистические данные, а так же подробно освещается правоприменительная практика. В заключительной части автор указывает важность продолжения реформ в сфере защиты прав человека проводимых в нашей стране.

Рустам РУЗИЕВ,
директор Института философии и права
им. И. Муминова Академии наук Республики Узбекистан,
доктор юридических наук, профессор

ЗНАЧЕНИЕ И ПЕРСПЕКТИВЫ ФУНДАМЕНТАЛЬНЫХ ИССЛЕДОВАНИЙ В РАЗВИТИИ ЮРИДИЧЕСКИХ НАУК: ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА

Узбекистан уверенно и поэтапно шагает по пути создания демократического правового государства и справедливого гражданского общества. За истекший период времени в стране достигнуты ощутимые результаты и ряд успехов не только в социально-политической сфере, но и культурной, духовно-просветительской, образовательной и научной сферах. Уместно также отметить, что в процессе проведения реформ и коренных преобразований важное внимание уделяется системному развитию юридических наук. В частности, Узбекистан разработал свои, отвечающие мировым стандартам принципы и системы развития в сферах государственного строительства и управления, внешней политики и правопорядка, которые сегодня признаны в мировом сообществе как узбекская модель развития. А на основе постоянного совершенствования этих систем сегодня формируется единая система, которая в гармонии с историей, мышлением, вечными ценностями и идеей национальной независимости нашего народа отображает в себе многотысячелетний опыт и знания человечества в различных областях, его высокую культуру и многогранную духовность.

В настоящее время изучение проблем демократизации и реформирования общества с точки зрения социальных наук, в частности юридических, является актуальной задачей. Идеи, которые выдвинул Президент Республики Узбекистан Ислам Каримов в своем докладе «Наша главная цель демократизация и обновление общества, модернизация и реформирование страны» на состоявшемся 28 января 2005 года совместном заседании Законодательной палаты и Сената Олий Мажлиса, ставят перед юридическими науками новые проблемы, которые необходимо исследовать и изучить. Очень трудно решать научно-теоретические и практические проблемы по приоритетным направлениям, поставленные в целях демократизации и обновления общества, модернизации и реформирования страны, не проводя теоретически организационных наблюдений, происходящих в жизни событий и процессов, не повышая престижа права в качестве гаранта порядка и дисциплины.

Здесь необходимо отметить, что фундаментальные научно-методологические основы именно юридических наук, независимо от их направления, занимают важное место в качестве конституционной силы, приводя-

щей в действие процесс демократизации и обновления общества. Юридические науки играют важную роль в конкретном и всесторонне глубоком осознании отношений, возникающих в процессе реформирования общества, определении его перспективы.

Главной задачей юридических наук в создании правового демократического государства и формировании гражданского общества считается изучение национального правового учения, закономерностей и правовых правил социальных отношений, их научная оценка и разработка для практики тщательно обоснованного теоретического заключения, предложений и рекомендаций. А это, в свою очередь, требует коренных изменений в осуществлении организационно-практических работ по правовым сферам, обеспечения их органической связи с практикой, освоения новых форм и методов, соответствующих мировым стандартам. Поэтому мудрые слова руководителя нашей страны о том, что мы — сторонники постепенных и эволюционно последовательных реформ и изменений, что такие обновления, социальные отношения и изменения образа жизни должны осуществляться в тесной связи с укреплением в сознании людей демократических ценностей, а также определенные главой государства приоритетные направления еще шире открывают новые грани узбекской модели развития.

Узбекская модель, имеющая конституционную основу и поднявшаяся на уровень учения, является не только истинным социально-экономическим направлением, но и своеобразной моделью, придающей культурную и духовную форму и правовой порядок происходящим в обществе событиям. С этой точки зрения можно утверждать, что в процессе демократизации и обновления нашего общества сущность и значение системы юридических и вообще социальных наук также имеют важное значение в нашей жизни. Значит, в процессе решения этого вопроса исследование уровня принятия правовых норм на основе социально-философского наблюдения юридических наук, а также проблем их соблюдения непосредственно связано с высоким и эффективным анализом полученных в результате эмпирических сведений.

Для того чтобы проблемы организационно-практического развития юридических наук нашли свое решение, необходимо развивать и совершенствовать следующие

главные направления. Первое — проблемы обеспечения взаимного равновесия между ролью парламента, законодательством, ветвями исполнительной и судебной власти; второе — правовые проблемы создания гражданского общества; третье — вопросы имплементации международных правовых норм в национальное законодательство; четвертое — вопросы совершенствования правовых основ обеспечения безопасности населения в чрезвычайных ситуациях; пятое — вопросы обеспечения прав населения на рациональное использование природных ресурсов и благоприятную окружающую среду; шестое — правовые вопросы совершенствования судебно-правовой системы и либерализации уголовной ответственности; седьмое — вопросы научно-теоретического анализа острой борьбы с терроризмом, религиозным экстремизмом и наркобизнесом; восьмое — либерализация экономической жизни в Республике Узбекистан и развитие правовых вопросов, в частности, приватизации и процессов поддержки предприятий после приватизации, вопросы совершенствования правовых механизмов деятельности рынков ценных бумаг, недвижимости и товаров; девятое — совершенствование экономической независимости и правового состояния малого и частного бизнеса, а также фермерских хозяйств, правовые основы эксплуатации земельных, водных и материально-технических ресурсов; десятое — вопросы осуществления гражданского права по отношению объектов массовой и частной собственности и полномочий субъектов, их совершенствование; одиннадцатое — вопросы формирования и осуществления государственной политики в сфере правовой защиты объектов интеллектуальной собственности; двенадцатое — анализ развития правового наследства и политически-правовых учений в Узбекистане.

Следовательно, юридические науки теоретически и практически анализируют концептуальные вопросы осуществления судебно-правовых реформ, доказывают «приемлемый» вывод и предложения по решению проблем. В первую очередь необходимо отметить, что судебно-правовые реформы проявляются в виде любой правовой политики, к примеру, такой как социальная реформа, и являются результатом сложной взаимной связи всех социальных сил, интересов и точек зрения в обществе. Юридические науки дают свой положительный результат при решении проблем определения теоретических и методологических основ судебно-правовых реформ путем выявления целей и задач правового упорядочения. При этом необходимо учитывать не только принцип «потребность — интерес — цель», но и осуществленную цель — совокупность новых потребностей, новых интересов или целей.

Надо отметить, закон, законодательство, его организационно-практическая основа - народное развитие судебно-правовой системы создают национальное узбекское правоведение в развитии юридических наук. Каждая наука по своему развитию имеет мировые стандарты, однако, вполне естественно, что каждый народ насыщает науку своим менталитетом, национальными чертами. С этой точки зрения надо отметить, что постепенно формируется и узбекское национальное правоведение.

В последние годы существуют различные взгляды и подходы к понятиям юридической науки и правоведения, которые превращаются в одно из самых прагматических вопросов в жизни общества и деятельности

людей. Так как поведение изначально возникло из социальных и биологических потребностей людей, и из формы, методов и средств упорядочения различных отношений в основе естественного права, основывающегося на привычке, впоследствии приобрело форму, гармонирующую социально-экономические, духовно-просветительские, религиозные и другие отношения людей, воплощающие в себе их материальные и национальные ценности. Значит, формирование права в правоведении нашей страны в качестве основы учения философского осознания с точки зрения социальной жизни, развитие исследований именно в этой основе правоведения послужит дальнейшему совершенствованию имеющейся правовой системы, его жизненной важности. И этот процесс продолжается в тесной связи с другими социальными науками.

Однако необходимо открыто признать, что в нашей стране проводится ряд ощутимых исследований и научных поисков в сфере общего права, изданы учебники и учебные пособия в этом направлении. Несмотря на это, наше национальное правоведение сегодня не дает достаточных знаний и эффективных механизмов в работе некоторых правовых норм, про деятельность его правовых институтов. Для повышения правового мышления, расширения уровня правовых знаний, повышения их престижа в формировании системы нашего общества и решения имеющихся в нашей жизни проблем необходимо не только осознать и анализировать проблемы, стоящие перед нашим национальным правоведением на основе социально-правового подхода, но и внедрять и широко использовать его результаты в правовую, организационно-практическую деятельность.

Сегодня, в период коренных поворотов, когда речь идет об углублении и обновлении реформ в стране, целесообразно было бы развивать основные направления юридических наук на основе следующих методов:

1. Исторический - при этом изучается последовательное, эволюционное развитие государства и права.
2. Рациональный - изучаются отношения, лежащие в основе умственных и естественных начинаний о государстве и праве.
3. Социологический - изучается проблема выявления соразмерных отношений между государством, обществом, личностью и правом.
4. Аксиологический - то есть ценность в праве, исследуется цель и понятие соответствия цели.
5. Нормативный - исследует отношение (связь) права с другими социальными нормами, природу и свойства правовой системы.
6. Феноменологическое направление - изучаются вопросы жизненной важности и справедливости (объективности) правовой системы.
7. Логический - изучается вопрос применения правил логики в правовом наблюдении.
8. Духовность — исследуются проблемы правовой культуры и культура поведения.
9. Методика - в логически общем виде изучаются объекты и субъекты методического обучения права.
10. Практика — обобщаются справедливые стороны точности и жизненного наблюдения.

Конечно, этот аспект точности лишь в определенной степени может выражаться в десяти способах. Ибо организационно-практические проблемы юридических наук требуют еще большего изучения и обобщения.

Прежде всего, в качестве главной задачи юридических наук необходимо полностью раскрыть понятие двухпалатного парламента в системе государственной власти, его роль, место и сущность.

В настоящее время особенно появляется необходимость всестороннего теоретического и практического изучения факторов усиления действенности парламента в общественной жизни. В формировании правового государства и гражданского общества важное значение имеет разработка критериев обеспечения пропорционального и стабильного равновесия между отраслями законодательства, исполнительной и судебной власти, базируясь на критерии деления власти. Необходимость анализа концептуально-теоретических основ системы государственной власти в условиях модернизации и реформирования страны выражается в том, что при этом появляется возможность внедрения еще более последовательных механизмов государственного строительства и управления. Важные задачи в этом направлении реформирования страны требуют анализа понятия полномочия президента и его сущности, разработки научно обоснованных заключений и предложений, направленных на повышение престижа верхней палаты сената и правительства в государственном правлении.

Вместе с тем необходимо проанализировать перспективы расширения научно-теоретических основ законодательной палаты, работающей на основе профессионализма и постоянства, и особенно расширить рамки его полномочий. Вместе с тем крайне важно с точки зрения теории юридических наук проанализировать принципы либерализации законодательства, исполнительной и судебной власти, принципы организации их деятельности, а также разработать механизмы выполнения ими своих обязанностей и повышения их ответственности.

Как известно, разработка теоретических основ формирования гражданского общества с точки зрения организационно-практических вопросов юридических наук имеет крайне большое значение. Формирование гражданского общества и создание его основ - перспективная стратегия в направлении от сильного государства к сильному обществу. Как отметил президент Ислам Каримов, для нас гражданское общество - социальное обиталище. Здесь верховенствует закон, который не препятствует, а наоборот способствует самосовершенствованию человека. Помогает полной реализации его интересов, прав и свобод. В то же время не будут умалены права и свободы других людей. Это означает, что одновременно будут действовать и свобода, и подчинение закону, которые всегда будут дополнять и опираться друг на друга. Юридические науки должны не только прогнозировать научно-теоретические и методологические основы создания прав и основ гражданского общества, но и исследовать и изучать приоритетные направления формирования общества на базе национальных правовых ценностей. Поэтому понятие, сущность, основные черты гражданского общества, основы деятельности демократических институтов, их роль в обеспечении социального развития государства, общества и человека, перспективы развития частного права, обеспечение верховенства закона в обществе, полное обеспечение защиты прав и свобод граждан, повышение роли судов в этом отношении - все это сегодня имеет крайне важное значение.

Приведение в единую систему нормативно-правовых документов, направленных на передачу определенной части полномочий государства из центра в местные органы власти, разработка предложений по совершенствованию документов закона, исходя из правового упорядочения, требует своевременного решения в организационно-практическом плане. Необходимо также обосновать выводы по изучению правового положения и расширению полномочий, являющихся важнейшим звеном гражданского общества органов самоуправления — махаллей, махаллинских комитетов и сельских сходов граждан. Вместе с тем объективной необходимостью является и анализ места, роли и значения политических партий и гражданских институтов в формировании гражданского общества, а также своеобразных свойств правового статуса. Здесь необходимо отметить, что несмотря на проведение некоторых научно-исследовательских работ по упорядочению деятельности отдельные сферы должны тщательно изучать, анализировать и сравнительно обобщать такие сокрушительные ситуации.

Следовательно, как подчеркнул наш президент Ислам Каримов, в основе метода и средства отношения к праву лежат ценности, стоящие в центре восточной философии и нашей священной исламской религии: духовность, нравственность и просветительство. Невозможно отрицать тот факт, что национальная правовая система и вообще фундамент всей нашей системы основывается на уважении и соблюдении этих аспектов и ценностей. Поэтому в настоящее время существование западной и восточной культуры, основывающихся на них менталитетов, таких как индивидуализм и коллективность, их своеобразные стороны, требует формирования и развития в каждом обществе своего фундамента, исходя из своих духовно-культурной, социально-экономической, политическо-правовой сфер, и конечно же отталкиваясь от общечеловеческих тенденций. Действительно, стоит лишь вспомнить, что такое положение имеет глубокие научные основы, и что оно твердо выражалось во взглядах крупных представителей престижных исторических школ институционального анализа. Следовательно, с точки зрения юридической науки освоение и обобщение философии восточного права образует факторы и средства нашей сегодняшней жизни.

Таким образом, уместно сказать, что по вышеперечисленным направлениям организационно-практическую работу юридических наук необходимо решать на основе научно-практического сотрудничества правоведов и представителей других гуманитарных сфер, в частности, экономистов, философов, историков, политиков и социологов.

В настоящее время фундаментальные, организационно-практические и инновационные исследования в сфере правоведения ведутся в ТГЮИ, УзНУ, Академии МВД, Институте философии и права Академии наук Республики Узбекистан, Налоговой академии, Таможенном военном институте и ряде других ведущих высших учебных заведений, а также колледжах и научных учреждениях по направлению права. Однако, несмотря на это, актуальным остается вопрос координации их деятельности и осуществления активных действий в этом направлении. В частности, серьезное внимание необходимо уделить соразмерному развитию научно-практических работ по юридическим наукам, подготовке квалифицированных специалистов по направлениям - социального обеспечения, гражд-

данского, трудового, административного и хозяйственно-го права, финансов, банковского дела, налоговой и таможенной служб и по другим правовым направлениям, необходимым требованиям сегодняшнего времени, а также активизации научно-исследовательской работы в рамках вышеперечисленных сфер. Так, уже десятый год, как в нашей стране успешно реализуется Национальная программа по подготовке кадров, на основе которой разработана концепция по подготовке бакалавров и магистров в высшем образовании. Хотелось бы думать, что подготовка юристов-магистров для дальнейшего развития юридических наук будет вестись при тесном сотрудничестве вузов страны и научно-исследовательских учреждений, Министерства юстиции, Прокуратуры, Верховного суда, Высшего хозяйственного суда, МВД и других центральных органов правопорядка. Правильное решение этих вопросов непременно повлияет на дальнейшее развитие правовых основ социально-политических и экономических реформ, повышение их организационно-практической эффективности. Здесь уместно привести следующие предложения:

1. В целях повышения правовой культуры населения страны, и особенно молодежи, удовлетворения потребностей в политически-правовых идеях при формировании идеи национальной независимости актуальным является вопрос подхода к работе анализа истории политически-правовых учений на уровне государственной политики, их всестороннее и глубокое изучение. В создании своеобразного, свойственного узбекскому народу общества важное значение имеет либерализация экономической жизни страны, теоретическое и практическое изучение правовых проблем социально направленных рыночных отношений.

Прежде всего необходимо отметить, что либерализация экономики и изучение правовых проблем рыночных отношений связаны с отраслями юридических наук. Как подчеркнул президент И.А. Каримов, правовое знание и его глубокое освоение остается важным фактором в реализации наших целей и задач по модернизации страны и созданию благоприятных жизненных условий для населения, осуществлению экономических реформ в условиях происходящих в мире изменений, сильной конкуренции.

2. В качестве самой актуальной проблемы юридических наук важное место занимает изучение развития правового наследия, политически-правовых учений, формирование фундамента правового демократического государства и гражданского общества на основе национальных ценностей. Хотя и с точки зрения этой науки внимание уделяется развитию правового наследия, политически-правовых учений, актуальным остается вопрос разработки последовательной Программы фундаментальных исследований в том направлении, создание узбекского национального правового учения. Поэтому повышение эффективности работ научных исследова-

ований в том направлении будет служить дальнейшему правовому совершенствованию.

3. Мудрые суждения руководителя страны об узбекской национальной государственности, и ее трехтысячелетней истории развития привлекли повышенное внимание не только ученых и исследователей нашей страны, но и всего мирового сообщества. Как сказал глава нашего государства, горький опыт прошлого еще раз убеждает нас в том, что формировать открытое демократическое и правовое государство можно лишь при одном условии. И это условие заключается в том, что люди непременно должны осознать немеркнущую ценность социально-политической стабильности и сохранения в стране закона и порядка. Каждый гражданин в определенной степени должен чувствовать себя причастным к происходящим в обществе изменениям.

По этой причине в образовательных и научно-исследовательских учреждениях республики глубоко изучаются и исследуются понятия и тенденции, глубоко раскрывающие и обогащающие сущность и значение нашей национальной государственности, и особенно взгляды президента Ислама Каримова на этот актуальный вопрос. Формирование в сознании граждан, и особенно молодого поколения, теории той проблемы о философских, правовых и исторических основ, их совершенствование и дальнейшее претворение в жизнь является одним из главных условий развития. В настоящее время работы в этой сфере налажены на уровне государственной политики. Следовательно, координация историко-правового наследия и политически-правовых учений, осуществление научных исследований являются важными задачами сегодняшнего дня.

Глубокое и полное освоение юридических наук связано и с его обучением и организацией на высоком уровне. То есть методика обучения юридической науки - один из самых актуальных вопросов сегодняшнего времени. Несмотря на то, что правовое образование сегодня преподается во всей системе образования, однако методика обучения еще не полностью отвечает требованиям времени. Следовательно, систематизация и дальнейшее совершенствование методики его обучения — одна из важнейших задач, стоящих перед педагогами-правоведами.

5. В целом же было бы целесообразно уделять серьезное внимание вопросам использования соответствующих программ при решении организационно-практических задач юридических наук, роли и научно-практическому потенциалу ученых и специалистов, образованию национальных правовых школ.

В заключение можно сказать, что в результате решения задач, стоящих перед юридическими науками, лежат демократизация и обновление нашего общества, реформирование страны, что в итоге, как сказал президент страны послужило тому, чтобы узбекский народ никому ни в чем не уступал.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ўзбекистон мисолида юриспруденция фани фундаментал тадқиқотининг аҳамияти ва ривожланиш истиқболларига бағишланган. Мақоланинг кириш қисмида мамлакатимизда ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини қуришда эришилган ютуқлар қисқача таҳлил қилинган. Асосий қисмида эса муаллиф Ўзбекистон шароитида юридик фанини риволантириш муаммолари, жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишда миллий ўзига хос хусусиялари батафсил ёритилган. Бундан ташқари, унда юридик фан назарияси ва амалиётининг ўзаро муносабатларига оид ғоялар кўрсатиб ўтилган. Хулоса қисмида муаллиф юриспруденция фани фундаментал тадқиқотининг аҳамияти ва ривожланишига оид муаммолар ҳал қилиниши натижасида жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, ислохотларни самарали амалга оширишга ижобий таъсири ҳақида қисқача мулоҳазалар юритган.

Ҳалимбой БОБОЕВ,
Юристар малакасини ошириш маркази кафедра мудирин,
Ўзбекистон Республикаси фан арбоби,
юридик фанлар доктори, профессор

«АВЕСТО»ДА ЖИНОЯТ ВА ЖАЗО МАСАЛАЛАРИ

“Авесто” китоби энг қадимий тарихий ёдгорлик бўлиб, Ўзбекистон ҳудудида уч минг йил аввал давлатчилик ва қонунчилик маданияти ривожланганлигини тасдиқловчи далилдир. Бу китоб Ўзбекистон ҳудудида яшаган қадимги туркий халқлар араб истилосига қадар ўзларининг юксак маданиятига эга эканлигини кўрсатади. Бизнинг Ватанимиз, нафақат Шарқ, балки умумжаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлганини бутун жаҳон тан олган. Бу ҳақда Президент 7-т Ислон Каримов шундай деган эди:

“Хоразм давлати тарихини биз 2700 йиллик тарих, деб биламиз. Энг мўтабар, қадимги қўлёзмамиз “Авесто”нинг яратилганига 3000 йил бўляпти. Бу нодир китоб бундан 30 аср муқаддам икки дарё оралигида, мана шу заминда умргузаронлик қилган аждодларимизнинг биз авлодларга қолдирган маънавий, тарихий меросидир. “Авесто» айни замонда бу қадим ўлкада буюк давлат, буюк маданият бўлганидан гувоҳлик берувчи тарихий ҳужжатдирки, уни ҳеч ким инкор этолмайди”.

“Авесто”нинг давлатчилик ва қонунчилик бобларида жиноят ва жазо масалаларига катта ўрин ажратилган. Жиноят содир этганларга нисбатан қаттиқ чора кўрилган. Суд жараёнлари очик, барча уруғ аъзоларининг иштирокида олиб борилган, амалга оширилган.

Зардўштилик таълимотига кўра, ёлгон гувоҳлик бериш, бировни алдаш гуноҳ, яъни жиноят ҳисобланган: “Ёлгон гапириб тирик қолгандан кўра, рост гапириб ўлган яхши”, дейилади “Авесто”да

Зардўштилик таълимотида ростлик ва ҳақиқат учта маънавий – ҳуқуқий таянчга асосланади: **эзгу фикр, эзгу калом (сўз), эзгу амал (иш)**. Зардўшт давлатни адолатли қонунлар асосида бошқариб, бу учликка амал қилган киши ёлгончилик ва адолатсизлик пешвоси Ахриман (Анхура – Ману)нинг мағлубиятга учрашига ишонса, қалби ҳаддан зиёда покиза бўлади, деб уқтиради: «Мен яхши фикр, яхши ишга шон – шавкат бахш этаман. Мен яхшиликдан иборат Ахура Мазда қонунига шон – шавкат бахш этаман” (“Ясна”, 14).

Демак, “Яхши фикр”, деганда яқин кишисига меҳрибон бўлиш, муҳтожларга кўмаклашиш, ёвузликка қарши курашишга доим тайёр туриш, кишиларнинг бахт – саодати учун ҳаракат қилиш, аҳиллик ва дўстлик, тотувликда яшашга интилиш каби ниятлар ва фикрлар мусаффолиги тушунилган. Яхши ниятли киши дарғазаб бўлмайди ва жаҳолатга берилмайди. Агар жаҳолатга берилса инсон яхши ниятини йўқотади, бурч ва адолат ҳақида ўйламай, жиноят содир этади.

Ахура Мазда яратган қонунларга кишилар каттиий амал қилсалар, ҳақиқат (адолат) ва эзгулик ёвузлик устидан тантана қилиб бораверади, дейилади. Мамлакат хавфсизлигини сақлаш учун, Ахура Мазда қонунларига садоқатли, адолатли, сўзи эзгулик бўлгани покдомонларга, хушхулқ ростгўйларга ҳомийлик қилиб, ёвузлик, ўғирлик ва ҳасад қилган кишиларни Олий Тангри қаҳрига гирифтор бўлишдан огоҳлантиради:

“Мадх этаман эзгу фикрат, эзгу калом, Эзгу амал ила эзгу фикрат, эзгу калом, Эзгу амални жамий эзгу фикрат, Эзгу калом, эзгу амалга бағишлайман, Жумла ёвуз фикрат, ёвуз калом ва ёвуз амаллардан юз бураман” (1 – Яшт, Хурмузд Яшт).

Агар уй эгаси, уруғ оқсоқоли, қабила бошлиғи ва мамлакат сардори ёлгончи бўлса, қазабланган Митра оилани, уруғни, қабилани, мамлакатни ва уларнинг бошлиқларини ҳам бутунлай йўқ қилади:

“Шафқатсиздир гар кимда – ким, Ёлгончидир, субутсиздир” (10 – Яшт, Меҳр Яшт, 26).

“Авесто”да жиноят содир қилган кимсаларга нисбатан ўз даврига хос чора – тадбир ва жазолар қўлланилган. Қадимги халқларимиз турмушида қасамёд қилиш яъни қасам ичиш орқали ваъда

бериш, ўз сўзининг устидан чиқиш, ваъдани ўз вақтида бажариш каби одат қоидалари амал қилган. Агар қасам ичиб аҳд қилган киши ўз аҳдини бажармаган ёки бузган бўлса, даъвогар ўз ҳақлигини исботлаш учун процессуал нормалардан, яъни Ордалия (синаш ва жазоланиш) дан фойдаланган. Адолатли суд қилиш учун Ордалиянинг 33 усули мавжуд бўлиб, агар сўз қасами бузилса, сув билан синаш, агар шартномага оид бўлса, ўт билан синаш жараёнида, айбдорга ўзининг ҳақлигини исботлашга имкон берилган.

Жазо синовлари ҳам турлича бўлган.

Ордалиянинг қайнаб турган суюқлик (ёғ ёки қайноқ сув) билан синаш, муз билан синаш, диний маросимларда қўлда тутиб туриладиган металл ёки саксовул дарахти новдаларидан ясалган хивичлар боғлами ва Барсман билан уриб синаш, доимо яшил бўлган бутасимон ўсимлик - эфедра ширасига сут қўшиб тайёрланган “хаома” ичимлигини ичириб (маст қиладиган даражада эмас) синаш каби бошқа усуллар ҳам мавжуд бўлган.

Ордалия суд жараёнлари натижасида Митра ва Варунанинг ўзлари қатл этиладиган ёки афв этиладиганлар тақдирини ҳал этганлар. Митра ва Варуна номидан ўтказиладиган Ордалияларда уруғ ва жамоа бошлиқлари қатнашганлар. Зардуштийлик қонун – қоидаларини яхши биладиган Олий қохин – **Заратуштроэма** эса суд жараёнларини олиб борган.

“Авесто”да жиноят ва жазо масалалари ҳар томонлама тартибга солинганлигини кўрамиз. Жиноятлар қуйидаги турларга бўлинган: динга қарши жиноят, шахсга қарши жиноят, ҳайвонларга қарши жиноят, мулккий жиноят, ахлоққа қарши жиноят, табиатга қарши жиноят ва ҳоказо.

“Авесто”да инсоннинг соғлигига, шаънига ва эътиқодига қарши қаратилган хатти-ҳаракатлар энг оғир жиноят ҳисобланади.

Динга қарши жиноятлар, қасддан қилинган жиноятлар ва такрорий жиноятлар учун айниқса қаттиқ жазо белгиланган: “Кимда – ким бировни урмоқ қасдида отланса – унинг гуноҳи **“оширимта”** дейилган, яъни бир кишини урмоқ қасдида қўлига қурол – аслаҳа олган шахс жинояти шундай деб юритилган (“Вандидод”, 4 – фаргард, 17 – банд). “Кимда ким бировнинг боши устига урмоқ қасдида бостириб кирса, унинг гуноҳи **“авауйрайшта”**, яъни жаҳл устида қўлга қурол олиб бировни урмоқчи бўлган шахснинг жинояти шундай юритилган. “Кимда – ким ғараз билан бировни урмоққа қасд қилса, унинг гуноҳи **“аридуш”** бўлиб, қасд қилган мазлум қўлидаги қурол билан урмайди, борди-ю, урган тақдирда унинг захми уч кун ичида тузалиши керак”. “Кимда-ким беш марта ушбу гуноҳга қўл урса, у **“пишавтану”**, яъни гуноҳлари эвазига ўлим жазосига маҳкум этилади: Агар

кимда-ким етти марта “оширимта” гуноҳи билан бўлганса, яъни қўлига қурол олиб бировни урмоқ қасдида “авауйрайшта” гуноҳи (жинояти)ни етти марта содир этса, бундай айбдор шахс тўқсон қамчин уриш билан жазоланган.

Бировни қасддан уриб, унинг қонини тўккан кимсани қамчин билан эллик мартадан тўқсон мартагача савалашган. Шунингдек, агар кимки бировни уриб суягини синдирса, жиноятчига нисбатан отнинг терисидан ясалган қамчин билан, етмишдан тўқсон қамчингача уриш жазоси белгиланган.

Агар бир шахс бировни қалтақлаб, уни хушидан кеткизса ёки ушбу жиноятни қайта содир этса, жиноятлар жами бўйича **“Аспаҳиҳ аштра”** яъни отнинг терисидан ясалган қамчин билан тўқсон марта ёки **“саравушу чарана”**, яъни буқа терисидан тўқилган қамчин билан олтмиш марта саваланади.

“Авесто”да ахлоққа қарши жиноятлар кечирилмайдиган жиноят деб тавсифланади. Жумладан, зинокорлик ва баччавозлик жиноятини содир этган шахсга ҳеч қандай далил – исботсиз ва гувоҳсиз ўлим жазоси белгиланганлигини кўрамиз. “Авесто”да шундай дейилади:

“Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Агар бир эр бошқа эр билан зўрлик қасдида баччавозлик қилса, жазоси қандай бўлади?

Аҳура Мазда жавоб берди:

- Бундай гуноҳ оқланмайди ва унга ҳеч қандай товон ҳам йўқ”.

“Авесто”да мулккий жиноятлар қаторига ўғирлик, босқинчилик, фирибгарлик киритилади. Бундай жиноятларни содир этганларга оловда қиздирилган темир қуроллар билан жазолаш ва ўлим жазоси ҳам қўлланилган. “Авесто”да одамни маст қилувчи ичимлик ва наркотик моддаларни истеъмол қилиш ҳам қатъиян ман этилган. Одамни маст қилувчи ичимлик (хаом) дейилади. Баъзида одамни маст қилувчи (хаом) ичимлигини ичириш орқали ёмон ишлар билан юрган бузғунчиларнинг афт-ангорини, дилидаги нопокликни фош этиш мумкин, деб ҳисоблаганлар: “Авесто”да атроф-мухитни муҳофаза қилишга қаттиқ эътибор қаратилган. Табиат унсурлари – **ер, олов, сув, ҳавони** ифлослантириш, ҳайвонлар ўлиги у ёқда турсин, одамлар жасадини ерга кўмиш, сувга оқизиш, оловда ёқиш оғир гуноҳлар қаторига киритилган. Бундай жиноятни содир этганлар 400-800 дарра уриб жазоланган. Қилган жинояти оғирроқ бўлса, яъни покиза сув, муқаддас олов қаршисида густоҳлик қилса, бу одамнинг жазоси дунёнинг жамики дарду-азобларидан мудҳиши-ўлим жазосидир. Ёхуд бундай жиноят қилганларни олий судья – Заратуштроэма оқсоқоллар кенгаши аъзолари билан бамаслаҳат адолатли қонунлар асосида қатта жарима эвазига авф этиш ёки қул сифатида улардан

жамоа ишларида фойдаланишга ҳукм қилган.

“Авесто”да жамиятнинг асосий бугини сифатида оилага катта аҳамият берилганлигини кўрамыз. Никоҳсиз оила қуриш эса энг оғир гуноҳ деб ҳисобланган. “Авесто”да таъкидланишича, эркак киши 15 ёшга тўлганда оила қуриш ҳуқуқига эга бўлган. Аммо эркак киши уйланиши учун аввало моддий ва маънавий томондан тўқ ва жисмонан бақувват бўлиши лозим. Бунинг учун у ўз вақтида тўйиб овқатланиши зарур, акс ҳолда эр киши ўзининг хизмат ва эркаклик бурчини адо этолмайди: “Ҳеч ким хўраксиз Ашаҳ қонунларига амал қилиш қудратига эга эмас. Омоч тортиш қудратига эга эмас. Фарзандлар дунёга келтириш қудратига эга эмас” (Ясна”, 33, 3 – банд).

Агар эркак зурриёт қолдириш қобилиятига эга бўлса-ю, аммо уйланмаса, унга темирни оловда қиздириб тамға босишар ёки белига оғир темир занжир камарни боғлаб юришга мажбур қилишарди. Ер юзида инсон зурриётнинг кўпайишига қарши чиқиб, турмуш қурмай юрган қиз қопга солиниб, унга 25 дарра урилган.

“Авесто”да таъкидланишича, қизларнинг турмушга чиқиши ҳақида ота – оналари ва васийлари қайғуришлари лозим. “Вандидод” китобида ота – оналар вояга етган ўз қизларининг оила қуриш истагини билгач, уларга сеп бериш мажбурияти баён этилган: “Унинг қалбини покиза эътиқод ва муқаддас қонунга мойил қилсин, яхши ёстиқдошга интиқ қилсин. Ёш қизалоқни қадди – қомати, ранги – рўйи ҳар жиҳатдан бенуқсон бўлсин. Ўн беш ёшли қиз яхши обрў – эътиборга, шаън ва олтин зиракка эга бўлиб, у яхши эътиқодли эрга турмушга берилсин” (“Вандидод”, XIV фаргард, 64-67).

“Авесто”да Зардушт томонидан ўзининг кенжа кизи Поурчистанинг донишманд Ямаспа (Жомасп) билан никоҳига бағишлаб тузилган “тўй гоҳлари”, шунингдек, бошқа никоҳланаётган жуфтларга мурожаати келтирилади (“Ясна”, 53). Зардуштийлик қонунларида талоқ қилиш қатъиян тақиқланган бўлиб, эр – хотин садоқатлилиги улуғланган.

“Авесто”да маздапарастларнинг яқин қариндошлар ва ўзга диндагилар билан оила қуриши зардуштийлик одат қонуни бўйича қатъиян ман этилганлиги қайд этилган. Кимки, бу қонунни бузса, ўлим жазосига маҳкум қилинган. Зардушт Ахура Маздадан “Серфарзанд хонадонга нима берасан?” деб сўраганда у: “Бундай одамларни ўз ҳимо-

ямга оламан”, деб жавоб беради. Шунинг учун ҳам сернуфуз оилалар ва ҳомиладор аёллар жамоа томонидан ижтимоий ҳимоя қилинган.

Кўп болали оилаларга давлат хазинасидан нафақа тайинланган ва бир йўла 2-3 тадан фарзанд туққан аёлларга имтиёзлар берилиб, сигир ёки сариқ туя билан мукофотланган. Айни пайтда, аёл ҳомиласини олдириш ва тушириш гуноҳ деб ҳисобланган. Зурриётни ҳосил қилган эркак ва жонли болани туширишга кўмаклашган доя – кампир ҳомиладор аёл билан бирга ўлим жазосига маҳкум этилган. Шунингдек, аёл ёки оила бошлиғи ҳисобланган эркак фарзандларини ўз ҳолига ташлаб қўйиб сарсон – саргардон қилса, зинога берилган аёл ёки эркак каби қамчин ва дарра билан калтакланган, ҳатто ўлим жазосига маҳкум қилинган.

Суд жараёни ҳақиқат ва поклик билан боғлиқ дуоларни ўқиш маросими билан бошланган. Судланаётган шахслар жиноят ишлари учун жазоланиши ва ўлимга маҳкум этилиши мумкин бўлган. Баъзида суд мажлисларида жиноят иши сифатида ҳақоратланган шахсни поклаш билан боғлиқ фуқаролик ишлари ҳам кўрилган. Судда ишни кўриш ва адолатли ҳал этишдан олдин, жиноятчи ёки қонунни бузувчининг айби, қасддан ёки эҳтиётсизлик туфайли, қаттиқ ҳаяжон ҳолатида, биринчи марта ёки такроран қонуннинг бузилганлиги, судланувчи ўз айбини тан олиши, унинг қайси динга мансублиги ва бошқа ҳолатлар аниқланган. Жиноятга сабаб бўлган ҳолатларни аниқлашда гувоҳлик кўрсатмаларидан фойдаланилган (“Вандидод”, IV фаргард, 164-168).

Хулоса шундан иборатки, албатта, «Авесто»да жиноят ва жазо масалаларида қўлланилган усуллар, тадбирлар, чоралар уч минг йил аввалги даврга хос бўлиб, бугунги кун учун энг муҳими Конституциямиз, қонунларимизда инсонпарварлик, демократик ғоялар, давлат томонидан амалга оширилаётган жиноят ва жазо соҳасидаги либераллаштириш сиёсати ва ниҳоят бугун суд, прокуратура, тергов органларида виждонан хизмат қилаётган минглаб ходимларимизнинг ҳолилик, ҳалоллик, адолатлилиги билан қонунга бинотан иш юритишларининг маънавий илдиэлари “Авесто” “Ҳамса”, “Зафарнома”, “Тузуқлар” каби маънавиятимизнинг тарихий ёдгорликларига бо-риб уланади.

АННОТАЦИЯ

Данная статья посвящена вопросам преступления и наказания, изложенных в “Авеста”. Во вводной части данной статьи автор указывает роль “Авеста” в истории нашей страны. В основной части данной статьи осуществляется подробный обзор преступлений, наказания за совершения преступлений, судебного процесса по “Авеста”, приводятся примеры с первоисточника. В заключительной части автор освещает влияние “Авеста” на сегодняшнюю правовую мысль.

Толибжон УМАРОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари бошлиғи,
юридик фанлар доктори, доцент

БОЛА ҲУҚУҚЛАРИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва давлатнинг барқарорлиги инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг ҳар томонлама таъминланишига боғлиқ. Мустақилликка эришганидан сўнг мамлакатимиз ҳуқуқий демократик давлатга асосланган кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлидан бормоқда.

Инсон ҳуқуқлари соҳасида унинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланган бола ҳуқуқлари марказий ўринда туради десак янглишмаймиз. Баркамол авлод тарбиясига устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келаётган Республика Президенти Ислам Каримов бу мақсадни миллатимизга хос юксак инсоний фазилат сифатида эътироф этган ҳолда “Бизнинг барча саяҳат-ҳаракатларимиз комил инсонни тарбиялашга йўналтирилган. Янги асрда дунё тараққиётини, инсониятнинг қай йўлдан боришини комил инсонлар белгилашига шубҳа йўқ. Чунки, XXI-аср — интеллектуал авлод асри бўлади”¹, — деган эдилар.

Албатта, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни комил инсон қилиб тарбиялаш алоҳида ёндашувни талаб қилади. Бола ҳуқуқларининг ҳимоясини таъминламасдан туриб инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасидаги ҳаракатлар истиқболсиздир.

Бугунги кунда мамлакат аҳолисининг тахминан 40 % фоизини 18 ёшгача бўлган болалар, 64 % фоизни эса 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси МДХ мамлакатлари орасида биринчилардан бўлиб, 1992 йил 9 декабрда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияни ратификация қилди ҳамда халқаро ҳамжамият олдида ушбу халқаро ҳужжатнинг барча қоидаларига риоя қилиш мажбуриятини олди. 2008 йилнинг 21 январдаги Ўзбекистон Республикасининг «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуни бола ҳуқуқларини муҳофазасига қаратилган қонунчилик базасини яхлит асосда таркиб топтириш имконини бериб:

1) болаларнинг асосий ҳуқуқлари ва уларни таъминлаш кафолатини белгиловчи ягона қонунчилик воситасини шакллантиради;

2) бола манфаатлари бўйича давлат сиёсатининг мақсадлари ва асосий йўналишларини белгилайди;

3) ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларнинг ижтимоий ҳимояси кафолатларини кучайтиради;

4) болалар ҳуқуқлари кафолатларининг қонунчилик билан тартибга солинишидаги мавжуд камчиликларни бартараф қилади;

5) фуқаролар, айниқса, ёшлар ва мансабдор шахсларнинг бола ҳуқуқлари соҳасидаги ҳуқуқий онгини ошишига хизмат қилади.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши миллий қонунчиликни бола ҳуқуқлари бўйича халқаро стандартлар билан мувофиқ келишига, бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини аниқлаштириш ва ишлаб чиқиш, тегишли дастурлар тузиш, шунингдек, давлат органлари ва нодавлат ташкилотларининг мазкур соҳадаги фаолиятини баҳолаш учун ҳуқуқий асос яратишга, давлат ва нодавлат органларининг бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича вазифалари, ваколатлари ва ўзаро фаолиятини аниқлаштиришга, бола ҳуқуқлари механизми равшанлиги ҳамда амалий натижа беришини таъминлашга, бола ҳуқуқлари бўйича қонунчиликнинг келгусидаги ривожини учун замин яратади.

Бола ҳуқуқларини ҳар томонлама таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасида бола ҳуқуқларини ҳимоясига оид халқаро-ҳуқуқий ҳужжатларга қўшилишга ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, Халқаро Меҳнат Ташкилоти томонидан 1973 йил 26 июнда қабул қилинган “Ишга қабул қилишнинг энг кичик ёши тўғрисида”ги Конвенция 2008 йил 4 апрелда, 1999 йил 17 июндаги “Болалар меҳнатининг оғир шакллари тақиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги Конвенция 2008 йил 8 апрелда, 2008 йил 8 июлда БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши Конвенциясини тўлдирувчи Одам савдосининг, айниқса, аёллар ва болалар савдосининг олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақида”ги протоколлар ратификация қилинди ҳамда 2008 йил 11 декабрда “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияга доир, “Болалар фоҳишабозлиги ва болалар порнографиясига тааллуқли Факультатив протокол”га шунингдек, юқоридаги Конвенцияга доир 2008 йил 12 декабрда “Болаларнинг қуролли можароларда иштирокига тааллуқли Факультатив протокол”га қўшилди.

Бола ҳуқуқларини таъминлашга доир қабул қилинган халқаро ҳужжатлар, миллий қонунлар ва меъёрий ҳужжатларнинг бажарилишини таъминлашда прокурорлик фаолиятининг асосий йўналишларидан бири бўлган вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат олиб бориш алоҳида аҳамиятга эга.

Бу соҳадаги прокурорлик назоратини ташкил этишда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенцияси, ҳалқаро ҳуқуқнинг умумэтироф этилган меъёрлари ҳамда миллий қонунчиликда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида болалар манфаатлари ва фаровонлигининг устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилганлиги назарда тутилиши, ушбу ҳужжатларнинг болаликни муҳофаза қилиш, ўсмирларни ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва уларни рўёбга чиқариш кафолатлари ҳақидаги талаблар барча қорхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан оғишмай бажарилиши таъминланиши лозим².

Қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати болаларни тўғри тарбияланиши ва етук инсонлар бўлиб ўсишига шароит яратиш билан бирга, вояга етмаганлар муҳитида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашишга қаратилган махсус чоралар тизимини ҳам қамраб олади.

Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат юритишда, қорхона, муассаса, ташкилотлар маъмурияти, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар, суриштирув, дастлабки тергов органлари, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари (ВЕИХЎКМ), махсус ўқув-тарбия муассасалари, тарбия колониялари ва мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши ҳамда ота-оналар ва бошқа фуқаролар томонидан бола тарбияси, уларга салбий таъсирларнинг олдини олишга оид қонун талабларининг бажарилишига алоҳида эътибор қаратилади.

Бу назоратнинг асоси, асосан икки гуруҳ, яъни, биринчиси — бола тарбияси ва уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва иккинчиси — вояга етмаганлар муҳитида қаровсизлик ва ҳуқуқбузарликка қарши курашга оид қонунчилик актлари билан белгиланади. Ҳар икки гуруҳнинг қонунчилик актлари бир-бири билан ўзаро боғлиқ бўлиб, уларда қайд қилинган меъёрлар болаларни тарбиялаш иши ва улар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадларига эришишга йўналтирилган.

Болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ўсмирлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш тизимини мустаҳкамлаш, ота-оналар ҳамда васийлик ва ҳомийлик органларининг ўсиб келаётган авлод учун масъулиятини ошириш юзасидан амалга оширилаётган комплекс чоралар натижасида болалар томонидан содир этилаётган жиноятчилик 2009 йилда 2,6 фоизга камайди.

Аммо вояга етмаганларнинг ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан, болаларнинг қаровсизлиги, ўқув муассасаларини ташлаб кетиш, ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳоллари учраб турибди.

Биргина 2009 йилда 55386 нафар ўсмир маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этганлиги учун ички ишлар идораларига келтирилган.

Болалар ўртасида бундай ҳуқуқбузарликларни олдини олишга доир ўтказилаётган тадбирларда асо-

сий эътибор айниқса, содир этилаётган жиноятларнинг сабабларини аниқлаш, уларнинг олдини олиш чораларини ишлаб чиқишга, болаларга оид норматив ҳужжатлар, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштиришга қаратилмоқда.

Норматив-ҳуқуқий базанинг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, болаларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш масалаларини ўзида акс эттирувчи ягона миллий қонун мавжуд эмас.

2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Баркамол авлод йили” Давлат дастури тўғрисидаги қарори қабул қилинди. Қарорнинг 1-бандида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунчилик ҳамда меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш вазифаси қўйилган.

Болаларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларини профилактика қилиш тизимидаги идоралар ва муассасаларнинг ўзларига юклатилган вазифаларни бажариш юзасидан масъулиятини ошириш, болаларнинг девиант хулқ-атворини эрта аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида “Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тўғрисида” Қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз.

Давлат дастурларида белгиланган вазифаларни амалга оширилиши натижасида болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш соҳасида қатор ижобий ютуқларга эришилмоқда. Шу билан бир қаторда, жисмоний ривожланишида нуқсонли бўлган ва ижтимоий хавфли гуруҳларга кирадиган болаларни аниқлаш, етим болаларнинг ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган ва ногирон болаларни ижтимоий ҳимоялаш, шунингдек, болалар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш, уларни олдини олиш борасида айрим масалаларни ҳал этишимиз лозим.

Бундан ташқари, етим, ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясининг ҳуқуқий асосларини янада такомиллаштириш чораларини кўриш лозим. Етим, ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимояга бўлган ҳуқуқларини ўзида акс эттирган, тизимлаштирилган ягона мажмуавий қонуннинг мавжуд эмаслиги, ушбу йўналишга оид ягона қонун қабул қилинишини тақозо этади. Бу эса, ўз навбатида, етим, ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болаларнинг ижтимоий ҳимоясини мустаҳкамловчи ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришга олиб келади.

Шунингдек, болаларга оид махсус адлия тизимида назарда тутилаётган болалар ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, уларни ҳар томонлама баркамол қилиб тарбиялаш, болалар ҳуқуқларини кафолатлаш ва бу борада олиб борилаётган фаолиятни монито-

ринг қилиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида “Бола ҳуқуқлари бўйича вакил — (болалар омбудсмани)” институтини жорий этишда вакилнинг асосий вазифалари қаторига болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, болаларга оид норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш ҳамда бола ҳуқуқларига оид қонунлар, ҳуқуқий меъёрларни аҳоли ўртасида ҳуқуқий-тарғибот қилиш ишларини киритиш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиладиган бўлсак, мамлакатимизда бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишга оид меъёрий-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, шунингдек, болалар томонидан содир этиладиган жиноятларнинг олдини олиш ва уларга қарши курашишда қуйидаги ташкилий-ҳуқуқий чораларни амалга оширишимиз лозим бўлади:

— ўзида болалар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлигининг олдини олишга масъул бўлган орган ва муассасалар, уларнинг асосий вазифалари, принциплари ва фаолиятларининг асосий йўналишлари ҳамда ваколатларини акс эттирган “Вояга етмаганларнинг назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш тўғрисида” Қонун қабул қилиш;

— болалар ижтимоий муҳофазасини кўшимча кафолатларини ўзида акс эттирувчи “Етим болалар ва ота-онасининг ёки бошқа қонуний вакилларининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун кўшимча ижтимоий-ҳуқуқий кафолатлар тўғрисида” Қонун қабул қилиш;

— болалар ҳуқуқларини ҳимоялашга ихтисослашган адвокатураларни жорий этиш лозим бўлади.

Бу вазифаларнинг амалга оширилиши Ўзбекистонда махсус адлия тизимини вужудга келишини ҳамда болалар ҳуқуқларини ҳимоялашга доир муаммоларни самарали ҳал этилишини таъминлайди.

Ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояга муҳтож аҳолига кўмак кўрсатиш устувор вазифаларимиз сирасига кирилади. Айтиш пайтда юртимизда 26 та меҳрибонлик уйи, 2 та болалар шаҳарчаси, 6 та оилавий болалар уйида 2847 та болалар тарбияланмоқда. Болалар тарбиясида муҳим ўрин тутадиган мазкур муассасалардаги шарт-шароит доимий равишда яхшилаб борилмоқда.

Мазкур муассасалар тарбияланувчиларининг 98 фоизи олий ва ўрта махсус ўқув юртлирида таҳсил олаётганининг ўзи ҳам олиб борилаётган чора-тадбирлар бесамара кетмаётганини кўрсатмоқда.

Яна шуни ҳам айтиш жоизки, вояга етмаганлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда жамоат ташкилотларининг ўрни катта. Бугунги кунда бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳамда жамоат

ташкилотлари ўртасида ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилган. Аниқ ҳаётини кузатишлар ва таҳлилларга таяниб айтиш мумкинки, вояга етмаганлар ўртасида жиноятчиликнинг олдини олиш, фарзандларимизнинг камолоти йўлида фуқаролик сектори вакиллари янада фаол ҳаракат қилишлари керак. Бу эса бугун амалга тадбиқ этилаётган оила-мактаб-маҳалла концепциясини ҳаётини эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда янада чуқурлаштиришни тақозо этади.

Келажак авлоднинг юксак ҳуқуқий онг ва тафаккур тарзига эга бўлмоғи одил фуқаролик жамияти, демократик давлат бунёд этишнинг асосий шартларидан бири саналади. Ушбу долзарб вазифага эришиш йўлида оммавий ахборот воситалари имкониётларидан ҳам самаралироқ фойдаланиш лозим.

Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, мамлакат куч-қудрати ва салоҳиятининг ўсишида ёшларнинг ўзига хос ўрни бўлиб, умуммиллий ва умумдавлат миқёсдаги вазифадир. Авлодлар давомийлиги, халқлар ва миллатларнинг ижтимоий бирлиги, эркин ва фаровон ҳаёт қуриш вазифаларини амалга ошириш ёшларнинг комил инсон сифатида шаклланишига боғлиқдир. Ёшлар миллатга ва мамлакатга ҳаётбахшлилик бағишлаб, давлатни куч-қувватга тўлдиради, айтиш пайтда ҳаракатга келтирувчи, янгилаб турувчи катта ижтимоий қатламдир.

Баркамол авлод тарбиясига ҳар доим ҳам устувор вазифа сифатида эътибор қаратиб келаётган муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов ёшларнинг давлат ва жамиятдаги ўрнини қуйидагича баҳолаган эди: “Бугунги кунда оддий бир ҳақиқат барчамиз учун аён бўлиши керак: олдимизда турган энг эзгу мақсадларимиз — мамлакатнинг буюк келажиги ҳам, эртанги кунимиз, эркин ва фаровон ҳаётимиз ҳам, Ўзбекистоннинг XXI асрда жаҳон ҳамжамиятидан қандай ўрин эгаллаши ҳам — буларнинг барча-барчаси авваламбор янги авлод, униб-ўсиб келаётган фарзандларимиз қандай инсонлар бўлиб вояга етишига боғлиқдир”.³

Дарҳақиқат, ўзбек заминида яшаётган ҳар бир фуқаро фарзандининг иқболи йўлида ҳатто ўз ҳаётини ҳам аямайди. Халқимизга хос ана шу олий қадрият ҳар доим бизларни ёшлар таълим-тарбиясига ҳаётмамот масаласи сифатида эътибор қаратишга ундаб турмоғи шарт. Зеро, ёш авлоднинг жисмонан соғлом, ақлан етук ва маънан баркамол бўлиб етишиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан бирга давлат ва жамоат ташкилотлари, она юрт келажигига бефарқ бўлмаган ҳар бир соғлом фикрли фуқаро масъулдир.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена важнейшим проблемам защиты прав несовершеннолетних в Узбекистане. Во вводной части данной статьи автор осуществляет обзор национального законодательства. В основной части статьи проводится подробный научно-правовой анализ национального и международного законодательства в сфере защиты прав ребёнка, подробно освещается роль прокурора, приводится статистика. В заключительной части автор предлагает конкретные меры и законодательные изменения, которые необходимы для совершенствования системы защиты прав несовершеннолетних.

¹ Каримов И.А. Ёшларимиз — халқимизнинг ишончи ва таянчи. — Т.: Маънавият, 2006. 21-б.

² Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокуратура буйруқлари тўплами. — Т.:2006. 337 б.

³ Каримов И.А. Камолот ёшларимизнинг чинакам суянчи ва таянчи бўлсин. — Т.: Ўзбекистон, 2001. 4-5 б.

ХАЛҚАРО ХУСУСИЙ ҲУҚУҚДА ҚИЁСИЙ ҲУҚУҚШУНОСЛИКНИНГ АҲАМИЯТИ

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг келиб чиқиши ва кейинги ривожланиши кўп жиҳатдан қиёсий ҳуқуқшунослик билан боғлиқ. Ҳуқуқ фанининг ҳеч бир бошқа соҳаси, ҳуқуқий нормаларининг ҳеч бир бошқа мажмуи унингдек қиёсий ҳуқуқ билан чуқур ва хилма-хил боғланишларга эга эмас.

А.Тилленинг фикрига кўра, қиёсий ҳуқуқшунослик икки хил хусусиятга эга: биринчидан, бу давлат ва ҳуқуқнинг тадқиқот методидир; иккинчидан, қиёсий методни давлат ва ҳуқуқ назарияси ва амалиётида қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганувчи методологик фандир.

Қиёсий метод, қиёсий ҳуқуқшунослик ва қиёсий ҳуқуқни биз бир хил маъноли тушунчалар сифатида қўллаймиз. Халқаро хусусий ҳуқуқ масаласига келганда эса, олдин ҳам бир неча бор таъкидланганидек, ҳозирги халқаро хусусий ҳуқуқни фақат коллизия ҳуқуқ сифатида қабул қилиш мумкин эмас, уни чет эл элементи билан биргаликда мураккаблашган фуқаровий-ҳуқуқий муносабатларни (сўзнинг кенг маъносига) тартибга солувчи нормалар мажмуи, ҳам моддий-ҳуқуқий, ҳам процессуал нормалар мажмуи сифатида тушуниш керак бўлади.

Ушбу барча жиҳатлар, шунингдек, халқаро хусусий ҳуқуқнинг халқаро оммавий ҳуқуқ билан чамбарчас боғлиқлиги қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ҳам халқаро хусусий ҳуқуқнинг ўзи учун, ҳам халқаро хусусий ҳуқуқ фани учун аҳамиятини олдиндан белгилаб қўяди, бунга П.Каленский тўғри эътибор қаратган эди.

Шу нуқтаи назардан Л.А.Лунцнинг қиёсий методни қўллашнинг ажойиб намунаси бўлган уч жилдли дарслигини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Қиёсий ҳуқуқшуносликнинг аҳамиятини тан олиш Европанинг бошқа мамлакатлари доктринаси учун ҳам хос. Ж.Сталев таъкидлаганидек, барча ҳуқуқий фанлар қиёсий методдан фойдаланади, аммо халқаро хусусий ҳуқуқ назарияси “қиёсан йўналтирилгандир”.

Кўпчилик муаллифлар қиёсий методдан фойдаланмоқда. Таъкидлаш жоизки, қиёсий метод билан баравар бошқа методлардан ҳам, айниқса таҳлил ва синтез, таснифлаш, индукция ва дедукция, тарихий методлар ва бошқалардан фойдаланиш зарур.

Қиёсий методдан халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини қўллаш жараёнида фаол фойдаланилади. У халқаро хусусий ҳуқуқнинг баъзан бевосита тартибга солиш нормалари сифатида белгиланадиган ҳам коллизия, ҳам моддий-ҳуқуқий нормаларини шакллантириш жараёнида қўлланилиши ҳам мумкин.

20-йилларда В.М.Корецкий хорижий давлатлардан ҳар бирининг ўзаро иқтисодий муносабатларини қиёсий-ҳуқуқий ўрганишнинг кучайишига эътибор қаратган. Ҳуқуқ назариясида тизимлараро қиёслаш доирасида “қайд қилувчи қиёслаш” биринчи ўринга олиб чиқилди. Х.Финке 1978 йилдаёқ, турли ижтимоий тузумга эга бўлган давлатлар ҳуқуқий тизимларини таққослаш мумкинлигига ижобий муносабат билдириб, “юридик фан ва амалиёт қиёсий методининг умумий тизимлараро илғор ечимлар топиш методи сифатида тан олинишига имкон бериш” учун яратилиши лозим бўлган шарт-шароитларни кўрсатиб ўтган эди.

Олдиндан аниқлаб олишни талаб қилувчи бошқа масала – чет давлат ҳуқуқининг мазмунини ўрганишда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг ўрни масаласидир. Ушбу ҳолатда чет давлат моддий ҳуқуқининг коллизия норма асосида қўлланилиши лозим бўлган нормасини аниқлаб олиш тўғрисида, яъни чет эл элементи билан мураккаблашган бирор муносабатга нисбатан қўлланиши лозим бўлган чет давлат ҳуқуқининг мазмуни ҳақида сўз бормоқда. Қиёсий ҳуқуқшуносликсиз ушбу масала муваффақиятли ҳал қилиниши мумкин эмас. Бундай ҳолатларда қиёсий методни қўллаш ҳуқуқни қўллашнинг зарур шартидир.

Ж.Сталев халқаро хусусий ҳуқуқни соф коллизия ҳуқуқ сифатида тушунишнинг классик назариясини асослаб уни фақат функционал тушунишни танқид қилади.

Модомики, халқаро хусусий ҳуқуқ таркибига кирувчи нормаларнинг ҳар икки – ҳам коллизия, ҳам моддий-ҳуқуқий тоифасига нисбатан қиёсий ҳуқуқшунослик бирор алоҳида мамлакатнинг фуқаролик, оила ёки меҳнат ҳуқуқи соҳасидагига қараганда анча катта роль ўйнашга сафарбар қилинган экан, бундай ёндашувга бизнингча, қўшилиш қийин. Халқаро хусусий ҳуқуқ моҳиятини тушунишга ҳар қандай ёндашув чоғида классик (одатий) умумий тушунчаларни (ҳуқуқий баҳо бериш, қарши томон ҳуқуқига ҳавола, оммавий тартиб) аниқлаб олишда қиёсий ҳуқуқшуносликнинг маъноси тўла сақланади.

Албатта, халқаро хусусий ҳуқуқ учун қиёсий ҳуқуқшуносликнинг аҳамиятини тушуниш бир хил бўлиши мумкин эмас. Кўп нарса халқаро хусусий ҳуқуқнинг у ёки бу мамлакатда қандай принциплардан келиб чиқишига боғлиқ. Масалан, англо-америка ҳуқуқи мамлакатларида *lex fori* (суд жойлашган мамлакат ҳуқуқи) устунлик қилиши қиёсий ҳуқуқшуносликнинг аҳамиятини муқаррар равишда пасайтиради.

Халқаро хусусий ҳуқуқ ва қиёсий ҳуқуқшунослик умумий асосга эга: улар ўзларининг пайдо бўлиши, мавжудлиги ва ривожланиши билан ҳуқуқий тизимлар плюрализмига таянади. Халқаро хусусий ҳуқуқ мавжудлигининг дастлабки шарт (у аввал фақат коллизия ҳуқуқ сифатида ривожланган эди) коллизияга киришган ҳуқуқий тизимларни таққослаш бўлганди. Ва компаративистларнинг, судья низолашаётган қонунлардан у фойдали ва яхши деб ҳисоблаган қонунни қўллаши лозим, деб айтган магистр Альдрикнинг (XII аср) кўпчиликка маълум нуқтаи назарини тез-тез далил қилиб келтириши бежиз эмас. Унификациялаштирилган нормалар мавжуд бўлганда, табиийки, бошқача вазият юзага келади. Аммо унификация муқаррар равишда чекланган хусусиятга эга. Унификация жараёнида қиёсий ҳуқуқшуносликни қўллашда асосий куч нормаларни яратишга қаратилади, қиёсий ҳуқуқшуносликнинг вазифаси ўзгаради, аммо у асло ўз аҳамиятини йўқотмайди.

Халқаро хусусий ҳуқуқ билан қиёсий ҳуқуқ ўртасида катта фарқ мавжуд. Даставвал, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқ тизимидаги ўрни тўғрисидаги баҳс-мунозараларни четга суриб, халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқий нормалар мажмуи, ҳар бир давлатнинг амалдаги ҳуқуқ нормалари мажмуи эканлигига асосланиш керак бўлади, ваҳоланки, қиёсий ҳуқуқшунослик бу ҳуқуқ фанининг тармоғи ёки ҳуқуқ фанининг алоҳида бўлимларида қўлланиладиган методдир, холос, ё бўлмаса бир вақтнинг ўзида ҳам униси, ҳам бунисидир.

Қиёсий ҳуқуқшунослик билан халқаро хусусий ҳуқуқ мақсадларининг фарқи шундан иборатки, биринчиси турли ҳуқуқий тизимларнинг ҳуқуқий нормаларини ўрганади, уларни ўзаро таққослайди ва бунинг асосида улар ўртасидаги фарқлар ва умумий томонларни аниқлайди, ҳолбуки, иккинчисининг мақсади ҳам коллизия метод, ҳам бевосита тартибга солишдан фойдаланиш воситасида чет давлат элементи билан ҳуқуқий муносабатларни тартибга солишдир.

Шундай қилиб, халқаро хусусий ҳуқуқдаги қиёсий метод албатта қўлланиладиган соҳалардан бири бу ҳуқуқни қўллаш соҳасидир. Ҳуқуқни танлаш зарурати билан боғлиқ ҳар қандай фаолият бу қиёсий метод қўлланиладиган фаолиятдир.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини шакллантиришда ҳам, шунингдек, уларни қўллаш жараёнида ҳам қиёсий методдан муваффақиятли фойдаланилмоқда.

Ж.Сталев қайд этганидек, улар ўртасидаги фарқ шундан иборатки, қиёсий ҳуқуқшунослик турли қарорларни таққослайди, халқаро хусусий ҳуқуқ эса улар ўртасидагини танлайди.

Қиёсий ҳуқуқшунослик ёрдамисиз халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини қўллашда ҳуқуқий баҳо бериш (квалификация), қарши томон ҳуқуқига ҳавола этиш, оммавий тартиб, ўзаролик, чет эл ҳуқуқ нормаларининг мазмунини аниқлаш каби халқаро хусусий ҳуқуқ учун хос бўлган масалаларнинг ҳал қилиниши мумкин эмас.

Қиёсий ҳуқуқшунослик халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларининг (ҳам ички қонунчилик нормаларининг, ҳам халқаро шартномалар нормаларининг) шаклланиши жараёнида, умуман ички қонунчиликни такомиллаштиришдаги қараганда анча катта ўрин тутди. Бу ерда

ундан фойдаланиш даражаси юқори. Бу бир қанча ҳолатлар билан изоҳланади.

Биринчидан, ҳар бир давлат, суверенитет принципа кўра, ўз ихтиёри бўйича унинг юрисдикцияси қўлланиладиган муносабатлар учун ўз ҳуқуқининг амал қилиш чегараларини белгилайди. А.Л.Маковский таъкиллаганидек, бу “юрисдикцияси “чет эл элементи” билан мураккаблашган муносабатларга нисбатан қўлланиши мумкин бўлган ҳар бир давлатнинг, умуман олганда, унинг суверенитетига асосланган ва бунинг натижасида бошқа давлатлардан мустақил бўлган ушбу муносабатларни тартибга солиш ваколатига эга бўлишини” англатади. Бошқача айтганда, давлат бевосита амал қилиш нормасини ёки коллизия нормани ўрнатиб, ўз ҳуқуқининг амал қилиш чегараларини белгилайди, баъзан эса ўз ҳудудида чет эл ҳуқуқ нормаларини қўллаш чегарасини белгилайди.

Иккинчидан, давлатларнинг ўзаро боғлиқлиги, иқтисодий муносабатларнинг халқаро миқёс касб этиши ва биз аввал ҳам тўхталиб ўтган бир қанча бошқа омиллар муносабати билан, давлат халқаро хусусий ҳуқуқни яратиш чоғида, гарчи бошқа давлатларнинг қонун чиқариш тажрибасидан фойдаланиш мажбурияти ҳеч нима билан ва ҳеч қаерда белгиланмаган ва белгиланиши мумкин бўлмаса ҳам, бошқа мамлакатларда худди шундай муносабатлар қандай тарзда тартибга солинишини ҳисобга олади. Бошқа давлатлар тажрибасини ҳисобга олишнинг мақбуллиги тартибга солинадиган муносабатларнинг ўзи билан белгиланади. Давлатларнинг ҳар бири ҳал қилиши лозим бўлган муаммолар бир хил бўлади: масалан, чет эллик билан никоҳдан ўтилганда қандай ҳуқуқни қўллаш лозимлигини аниқлаш; мерос бўлиб қолган мулк тўғрисидаги низолар бўйича судга тегишлиликни аниқлаш ва ҳоказо. Аммо бу ва шунга ўхшаш муаммоларни ҳал қилиш бир хил бўлмаслиги мумкин. Масалан, бир давлатда оилавий муносабатларни тартибга солишда фуқаролик мамлақати қонуни (*lex personalis*), бошқаларда эса фуқаро яшайдиган мамлакат қонуни (*lex domicilii*-доминилия) афзал кўрилади.

Халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги ички қонунчилик нормаларини яратишда бошқа мамлакатлар қонунчилик тажрибаси ва (биринчи навбатда ўша ҳуқуқий тизим мамлакатларининг) уни қўллаш амалиёти олдиндан ўрганилади.

Қиёсий метод универсал типдаги халқаро конвенцияларни тайёрлашда кенг қўлланилади. УНИДРУА ва ЮНСИНТРАЛ доирасида бундай конвенцияларнинг лойиҳаларини тайёрлаш амалиёти бундан яққол далолат беради. Қиёсий ҳуқуқшунослик Халқаро олди-сотди шарномалари тўғрисида 1980 йилдаги Вена конвенциясини тайёрлаш ва тузишда алоҳида ўрин тутди. Конвенциянинг турли иштирокчи мамлакатларида ташқи савдо битимларининг шакли ва уларни имзолаш усулининг қандай тартибга солиниши тўғрисидаги масалани, шунингдек, мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик ҳолларида жавобгарлик масаласини қиёсий ўрганишни мисоллардан бири сифатида келтириш мумкин.

Халқаро хусусий ҳуқуқ нормаларини амалга оши-

риш жараёнида қиёсий ҳуқуқшуносликдан фойдаланиш миқёси турли мамлакатларда турличадир. Кўп нарса тегишли тартибга солишнинг қанчалик муқаммал эканига, ҳуқуқий ва тарихий аънаналарга боғлиқ. Ушбу методни қўллаш тўғрисидаги масала, биринчи навбатда зарур коллизия нормани излаб топишда пайдо бўлади.

Кўпгина давлатларнинг коллизия нормалари тизимида камчиликлар мавжудлиги боис уларнинг ўрнини тўлдириш масаласи юзага келади. Шу мақсадда кўпинча миллий ҳуқуқ бошқа мамлакатларнинг коллизия ҳуқуқи билан таққосланиб қиёсий-ҳуқуқий методга мурожаат қилинади. Бундай таққослаш АҚШ, Бельгия, Буюк Британия, ГФР, Нидерландия, Франция, Скандинавия мамлакатларида, одатда, ўзга коллизия ҳуқуқдаги худди шундай ҳолатларни топиш мақсадида қўлланилади. Ўз давлатининг коллизия ҳуқуқдаги камчиликларни бартараф қилишнинг бундай усулига, томонларнинг мажбуриятларига нисбатан ҳуқуқни қўллаш масаласини ҳал қилиш керак бўлган вақтда айниқса кўп мурожаат қилинади, чунки айни мажбурият ҳуқуқда коллизия нормалар ва тегишли суд амалиёти мавжуд эмас, ҳолбуки худди шундай амалиёт ҳам коллизия, ҳам моддий-ҳуқуқий муаммоларни бир хилда ҳал қилишга муайян даражада имкон беради. Қарши томон ва учинчи мамлакат қонунига ҳавола этиш муаммоларини ҳал қилиш чоғида коллизия нормаларни қўллаш жараёнида қиёсий-ҳуқуқий методдан фойдаланилади. Бундай ҳолларда, маълумки, чет эл ҳуқуқига ҳаволани фақат чет эл моддий ҳуқуқига ҳавола сифатида ё бўлмаса, худди чет эл коллизия ҳуқуқига ҳавола каби тушуниш керакми, деган муаммо юзага келади. Ушбу муаммони ҳал қилишда икки ҳуқуқий тизимнинг коллизия нормаларини таққослаш зарур.

Қиёсий ҳуқуқшунослик халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳуқуқий баҳо бериш (ФКнинг 1159-моддаси) муаммоси каби мураккаб муаммони ҳал қилишда ўзига хос ўрин тутаяди. Ҳуқуқий баҳо бериш муаммоси ушбу коллизия норманинг ўзини (ҳам ҳажми, ҳам боғламани) ифодалашда фойдаланиладиган юридик тушунчаларни ҳуқуқий баҳо бериш зарур бўлган вақтда коллизия нормаларни қўллаш жараёнида юзага келади. Ушбу тушунчалар (домицилий, кўчар ва кўчмас мулк, даъво муддати ва ҳ.к.) турли давлатлар ҳуқуқда мазмун бўйича мос келмайди. Уларни суд ҳуқуқи (*lex fori*) бўйича ёки бирор бошқа ҳуқуқ бўйича аниқлашдан олдин уларни таҳлил қилиш, таққослаш зарур, бунга эса фақат қиёсий ҳуқуқшунослик ёрдамида амалга ошириш мумкин. Ҳуқуқий баҳо бериш тўғрисидаги масала судга тааллуқлиликини аниқлашда ҳам ва қатор бошқа ҳолларда ҳам юзага келади. Л.А.Лунц Россиянинг революциядан илгариги амалиётини намунали мисол (Чинизелли цирки тўғрисидаги иш) келтиради. Ушбу иш бир вақтнинг ўзиде Россия ва Италия судида кўриб чиқилгани, шу билан бирга улардан ҳар бири “кўчар мулкни” ўз нуқтаи назаридан тушунишга асосланган эди. Гап ўз вақтида Италия фуқароси Чинизеллига берилган Петербургдаги циркдан фойдаланиш концессия ҳуқуқи тўғрисида кетган эди. Италия фуқароларининг кўчар мулкни мерос қилиб олиши Италия

судларининг юрисдикциясига тегишли экани баён этилган 1875 йилдаги Россия-Италия битимидан келиб чиққан ҳолда ва циркдан фойдаланиш ҳуқуқини кўчар мулк ҳуқуқи сифатида қабул қилиб, Россия суди ўзини ваколатсиз деб тан олган эди. Италия суди эса концессия ҳуқуқини узок вақт давомида Россияда бўлган кўчмас мулкка эгаллик ҳуқуқи сифатида баҳолаб, худди шу Россия-Италия шартномасига асосан ишни моҳияти бўйича кўриб чиқишга рози бўлмаган эди.

Lex fori бўйича ҳуқуқий баҳо беришни аниқлашнинг асосчиларидан бири бўлган Ф.Кан гўё келгусидаги ривожланишнинг муқаррар эканини ҳис қилиб, Халқаро хусусий ҳуқуқ давлат ичидаги ҳуқуқ бўлгани ҳолда, фақат “халқаро метод” бўйича илмий жиҳатдан ишлаб чиқиши ва ривожланиши мумкинлигини кўрсатиб ўтган; уни талқин қилиш учун уни фақат ўзининг ички ҳуқуқи нуқтаи назаридан баҳолаш етарли эмас, уни, шундай тарзда зарур мувофиқликка эриши учун, ҳар доим чет мамлакат ҳуқуқий тартиблари билан таққослаш зарур. Дарҳақиқат, ҳуқуқий баҳо бериш жараёни ва ҳуқуқий баҳо бериш низосини ҳал қилиш чет эл ҳуқуқини билиш зарур бўлган қиёсий-ҳуқуқий методни қўллашдан иборатдир.

Lex causae (ФКнинг 1158- ва 1190-моддалари) бўйича ҳуқуқий баҳо бериш чоғида коллизия норма (меросга оид муносабатлар, муомалага лаёқатлилиги, оилавий муносабатлар ва ҳ.к.) билан миллий фуқаролик ёки оила ҳуқуқининг тегишли тушунчалари мос келишининг дастлабки шарт асос қилиб олинади. Ушбу ҳуқуқий баҳо бериш чоғида чет эл ва миллий ҳуқуқнинг норма ва институтларини таққослаш зарур.

“Муस्ताқил ҳуқуқий баҳо бериш” назариясида миллий коллизия нормада ишлатиладиган тушунчалар миллий фуқаролик (ёки оила) ҳуқуқи тушунчалари билан мос тушмайди, деб таҳмин қилинади.

Ушбу доктрина қиёсий-ҳуқуқий методдан фойдаланиш асосида Халқаро хусусий ҳуқуқда умумий тушунчалардан фойдаланиш зарурлигига қатъий ишонч ҳосил қилган Л.А.Лунц томонидан ривожлантирилди. У фуқаролик қонунчилигида қўлланиладиган “мулк” тушунчаси, масалан, Франция ҳуқуқдаги худди шу тушунча билан мос тушмаслигига эътибор қаратди. Коллизия нормада эса, уларга нисбатан қўлланиладиган муайян ҳуқуқий тизим ҳуқуқий институтининг мулк тўғрисида эмас, мулкнинг умумий тушунчаси тўғрисида сўз боради.

Коллизия нормада чет эл ҳуқуқини қўллаш кўрсатилган ёки бундай ҳуқуқ томонлар танлаган (масалан, ташқи савдо битимида) ҳуқуққа кўра қўлланиши лозим бўлган ҳолларда, қўлланиши лозим бўлган чет эл ҳуқуқининг мазмунини аниқлаш масаласи юзага келади. Чет эл ҳуқуқининг мазмунини аниқлаш масаласи, аввал айтиб ўтилганидек, ҳам умумий судлар, ҳам ҳакамлик судлари амалиётида юзага келади.

ФКнинг 1159-моддасига биноан “агар юридик тушунчалар низо кўриб чиқилаётган мамлакат сифатида Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқига номаълум бўлса ёки бошқа ном ёхуд бошқа мазмун билан маълум бўлса ва Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқи бўйича талқин этиш орқали аниқланиши мумкин бўлма-

са, уларга ҳуқуқий баҳо беришда чет давлат ҳуқуқи ҳам қўлланиши мумкин”.

Чет эл қонунининг мазмунини аниқлашда қиёсий метод катта аҳамиятга эга. Барча давлатлар, шу жумладан, бир турдаги иқтисодий тизимга эга бўлган давлатларнинг ҳам ҳуқуқидаги фарқларни аниқлаш зарур. Бизнинг ҳуқуқ фанимиз, бунда иқтисодий базиснинг бир хиллиги ушбу мамлакатларда ҳуқуқий уст-қурманинг айнан ўхшаш бўлишига ва айрим масалаларнинг бир хил тартибда белгиланган олиб келмайди. Ҳуқуқ турли-туман ўзига хос хусусиятлар, анъаналар ва бир қанча бошқа омиллар таъсирида шаклланади. Ҳуқуқни қўллашнинг ҳар бир муайян ҳолатида муайян ҳуқуқий норманинг мазмунини аниқлаш зарур, чунки бу биринчи навбатда бундай нормани ўз мамлакатининг нормаси билан таққослаш орқали юз беради.

Умуман, халқаро хусусий ҳуқуқ соҳасидаги низони кўриб чиқаётган судья коллизия норма асосида қўлланиши лозим бўлган моддий ҳуқуқни излаш чоғида ҳам, чет эл ҳуқуқини қўллаш чоғида ҳам турли давлатлар ҳуқуқ нормаларини таққослаш зарурлигига ишонч ҳосил қилади, деб айтиш мумкин. Бундай таққослашда, кўп ҳолларда, чет эл ҳуқуқини суд мансуб бўлган мамлакат ҳуқуқи (*lex fori*) билан таққослаш тўғрисида сўз боради. Масалан, Чехия қонунчилигида таққослаш фаолиятининг муҳим жиҳатига эътибор қаратилади. Халқаро хусусий ҳуқуқ тўғрисидаги қонуннинг бир қанча моддаларида судларга нафақат чет эл ҳуқуқини қўллаш, балки уни қўллашдан олдин бундай қўллашнинг қилиши мумкин бўлган оқибатларини ҳам ўрганиш тўғрисида кўрсатма берилади.

Қиёсий методни қўллашнинг бошқа ҳолати оммавий тартиб тўғрисидаги шартни қўллашдир. Бошқа мамлакатларда бўлгани каби, бизда ҳам чет эл ҳуқуқини қўллаш, агар бу ҳуқуқ-тартиботимиз асосларига зид келадиган бўлса, чекланиши мумкин (ФКнинг 1164-моддаси).

Бу ерда гап чет эл қонунининг ўзи ҳуқуқ-тартибот асосларига зид келиши ҳоллари ҳақида эмас, балки мамлакатимизда чет эл қонунини қўллаш натижаларининг ушбу асосларга зид келиши (масалан, эркак ва аёлнинг тенглиги принципига, бир никоҳлилик, тенг ҳуқуқий лаёқат принципига зид келиш ҳоллари ва ҳ.к.) ҳақида бормоқда. Давлатларнинг қонунлари ўртасидаги фарқнинг ўзи оммавий тартиб тўғрисидаги шартни қўллаш учун асос бўла олмайди.

Бизнингча, ушбу соҳада қиёсий методни қўллашнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганиш ҳам халқаро

хусусий ҳуқуқ фанининг, ҳам қиёсий ҳуқуқшуносликнинг муҳим вазифаси бўлиб хизмат қилади. Ҳам ички қонунчиликнинг, ҳам халқаро шартномаларнинг коллизия нормаларини шакллантиришда фойдаланиш мумкин бўлган умумий ҳуқуқий тушунчаларни ишлаб чиқиш назарий ва амалий аҳамиятга эга.

Халқаро хусусий ҳуқуқнинг ҳозирги ҳолати учун, ҳуқуқнинг ушбу соҳасида миллий тизимларнинг амалда мавжуд бўлиши туфайли, қиёсий халқаро хусусий ҳуқуқнинг ривожланиши хосдир. Асли келиб чиқиш немис бўлган таниқли америкалик коллизиячи Эрнст Рабель ушбу йўналишнинг ташаббускорларидан бири эди. Франция, Буюк Британия ва бошқа мамлакатларда ушбу соҳадаги бир қанча ишлар нашр этилди. Қиёсий ўрганишнинг икки томонлама қиёсий тадқиқотларни ўтказишда (АҚШ – Нидерландия, АҚШ – Греция ва ҳ.к.) самарали экани маълум бўлди.

Таниқли венгр олими академик Саси Иштван томонидан ҳам халқаро хусусий ҳуқуқнинг коллизия нормалари, ҳам халқаро фуқаролик ҳуқуқининг нормалари қиёсий тадқиқ қилинди. Афсуски, Ўзбекистоннинг халқаро хусусий ҳуқуқ фанида компаративистика, гарчи профессор А.Х.Саидов ва бошқа олимларнинг ишларида ушбу йўналиш бўйича дастлабки ҳаракатлар амалга оширилган бўлса ҳам, ҳали етарли даражада ривожлангани йўқ.

Шундай қилиб, қиёсий методдан фойдаланиш ҳозирги Халқаро хусусий ҳуқуқ фани учун хос, бунда нафақат коллизия ечимларнинг ўхшашлигини аниқлаш, балки унинг сабабларини ҳам тушунтириб бериш муҳимдир. Бундай ечимларнинг муайян давлатлар манфаатлари билан боғлиқлигини очиб бериш, кўпгина давлатларда Халқаро хусусий ҳуқуқнинг бир қанча нормаларининг мос келишига олиб борувчи миллий ҳуқуқий тизимлар ўзаро таъсирининг сабабларини кўрсатиш зарур, буни фақат қиёсий-ҳуқуқий методдан фойдаланган ҳолдагина бажариш мумкин. Ушбу метод, бир томондан, Халқаро хусусий ҳуқуқ ҳодисаларини уларнинг тўлалигича билиш, иккинчи томондан, алоҳида миллий тизимларнинг ривожланиши ва яқинлашишига ёрдам кўрсатади.

Компаративистика бизга, биринчи навбатда, халқаро хусусий ҳуқуқнинг моҳияти ҳақида вазифасини тушунишга ёрдам беради, “у умумий билимлар ва тушунчалар синтезини топишга имкон яратади”. Бундай ёндашув алоҳида давлат ички халқаро хусусий ҳуқуқ тизимлари нафақат миллий, балки айниқса халқаро ҳаёт талабларига хизмат қилиши лозимлиги ҳолатидан келиб чиқади.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам значения сравнительного правоведения в международном частном праве. Во вводной части статьи автор указывает фундаментальные основы и этапы развития компаративистики в данной сфере. В основной части данной статьи осуществляется подробный научно-правовой анализ национального опыта и международной практики в сфере сравнительного правоведения в международном частном праве, влияние компаративистики на развития данной сферы, приводится информация о состоянии дел в зарубежных странах. В заключительной части автор указывает важность сравнительного правоведения в сфере международного частного права.

Бахтиёр ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари кафедра бошлиғи,
юридик фанлар доктори, профессор

БОЛА ХУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯСИГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ ВА УНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси — ёшлар юрти. Вояга етмаганлар ва ёшлар тарбиясига давлат томонидан жуда катта эътибор бериб келинмоқда. Мамлакатимизда бола ҳуқуқларининг кафолатларини таъминлаш, уларнинг қонуний манфаатларини муҳофаза этиш, энг муҳими, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Ўзбекистон Республикасида 1991 йилда “Ёшларга оид давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари тўғрисида”ги, 1992 йилда “Таълим тўғрисида”ги Қонунлар қабул қилиниб, 1992 йилнинг ўзида ёшларнинг ҳуқуқлари бўйича халқаро ҳуқуқнинг инсонпарвар нормаларини ўзида тўплаган “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция ратификация қилинди.

Юртимизда 1998 йил — Оила йили, 2000 йил — Соғлом авлод йили, 2001 йил — Она ва бола йили, 2004 йил — Меҳр ва мурувват йили, 2005 йил — Сихат-саломатлик йили, 2006 йил — Ҳомийлар ва шифокорлар йили ва 2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили, деб номланди. Ҳар бир йил бўйича қабул қилинган махсус давлат дастурлари доирасида болаларнинг ҳар томонлама қонуний манфаатлари таъминланишини назарда тутувчи кенг қамровли чора-тадбирлар комплекси ҳаётга изчил татбиқ этилди¹.

Бугунги кунда мамлакатимиз умумий аҳолисининг тахминан 40 фоизини 18 ёшгача бўлган ёшлар, 64 фоизини 30 ёшгача бўлганлар ташкил этади. Аҳолимизнинг аксарият қисмини ташкил этадиган ёшларнинг ҳали-бери ечилмаган муаммоларига эътиборни жалб этиш, уларни ҳаётимизда ҳақиқатан ҳал қилувчи кучга айлантириш мақсадида 2008 йил мамлакатимизда — Ёшлар йили², 2010 йил эса — Баркамол авлод йили, деб эълон қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 7 январдаги «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунида: боланинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш; боланинг ҳаёти ва соғлигини муҳофаза қилиш; боланинг камситилишига йўл қўймаслик; боланинг шаъни ва кадр-

қимматини ҳимоя қилиш; болалар ҳуқуқлари ва имкониятларининг тенглигини таъминлаш; бола ҳуқуқлари кафолатларининг ҳуқуқий асосларини тақомиллаштириш; бола ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича давлат органлари ва мансабдор шахслар фаолиятининг очиклиги ҳамда ошқоралигини таъминлаш; болаларнинг жисмоний, интеллектуал, маънавий ва ахлоқий камол топишига кўмаклашиш; бола ҳуқуқларини таъминлаш мақсадида давлат органлари, нодавлат, нотижорат, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ва ҳамкорликни ривожлантириш; болаларнинг ижтимоий кўникмасига, вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтиришга кўмаклашиш ва бошқалар бола ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналишлари сифатида белгиланди.

Мустақил Ўзбекистонда вояга етмаганлар муаммосига у ёки бу даражада алоқадор бўлмаган бирорта ташкилот ёки шахснинг ўзи йўқ. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида»ги Конвенцияси, халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этган нормалари ҳамда миллий қонунчиликда давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида болалар манфаатлари ва фаровонлигининг устуворлиги мустаҳкамлаб қўйилганлиги назарда тутилиши, ушбу ҳужжатларнинг болаликни муҳофаза қилиш, ўсмирларни ҳимоя қилиш, вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва уларни рўёбга чиқариш кафолатлари ҳақидаги талаблари барча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан оғишмай бажарилиши таъминланиши лозим.

Амалдаги қонунчиликка кўра, фуқаролар болалар тарбияси ҳақида ғамхўрлик қилишлари, уларни жамият учун фойдали меҳнат қилишга тайёрлашлари ва жамиятнинг муносиб аъзоси сифатида ўстиришлари шарт. Фарзандларини вояга етгунга қадар боқиш ва тарбиялаш ота-онанинг конституциявий мажбуриятидир. Давлат ва жамият етим болаларни ҳамда ота-оналарининг васийлигидан

маҳрум бўлган болаларни боқиш, тарбиялаш ва ўқитишни таъминлайди, болаларга бағишланган хайрия фаолиятларни рағбатлантиради.

Конституция асосида қабул қилинган бир қатор қонунлар ёшлар тарбиясига тааллуқли масалаларни энг юқори даражада ҳал этишни таъминлайди. Ҳозирги кунда ёшлар тарбиясига оид ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш каби ўта муҳим вазифани бажариш ота-оналар, барча давлат, нодавлат ташкилотлардан, маҳаллий ҳокимликлар, тегишли муассасалар ҳамда жамоатчиликдан улкан масъулият ва фидойиликни талаб этади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 21 сентябрдаги «Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида»ги 360-сонли Қарори қабул қилиниши муносабати билан ёш авлод таълим-тарбиясига, уларни ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилди. Айниқса, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаш ва бартараф этиш, Халқ таълими вазирлиги тасарруфидаги ихтисослашган таълим муассасалари фаолиятини такомиллаштириш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш борасидаги улкан ва масъулиятли вазифаларни амалга оширишда вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан барча алоқадор вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилотлари фаолиятларининг мувофиқлаштирилиши катта аҳамиятга эга бўлди.

Дастурли тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида ижтимоий ва ҳуқуқий ёрдамга муҳтож болаларни қўллаб-қувватлаш бўйича тадбирларнинг миқёси кенгайди, ижтимоий муҳофазага муҳтож болалар тарбияланадиган «Меҳрибонлик уйлари» ва махсус мактаб-интернатларининг фаолияти яхшиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 21 майда қабул қилинган «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармони ижросини таъминлаш ҳам мактабдан ва синфдан ташқари таълим мазмунини янада такомиллаштиришни тақозо этади. Фармон ўқувчиларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказиш бўйича шароитлар яратиш, маънавий ва маърифий тарбия ишларини кенг қўламда ташкил этиш, умумтаълим мактабларида синфдан ва мактабдан ташқари таълим-тарбия жараёнини ривожлантириш ва мактабдан ташқари таълим муассасаларининг фаолият самарадорлигини оширишни талаб этади.

Дастур доирасида биргина ўтган 2009 йилнинг ўзида юртимиз бўйича жами 1 минг 957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси қишлоқ жойларида. Шулар қаторида ўтган йилда барпо этилган 214 академик лицей ва касб-хунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларимизда бунёд этилган ва реконструкция

қилинган. Бу эса барча ёшларимиз қатори қишлоқ болаларининг замонавий билим ва касб-хунарларга эга бўлиши, энг муҳими, уларнинг мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига кириб таълим олишига муносиб шароит туғдириб бермоқда³.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқларига катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Бундай эътибор, аввало, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, шунингдек, “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенциядан келиб чиқади⁴. Чунончи, Конституциянинг 45-моддасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқи давлат ҳимоясида, 41-моддасида эса мактаб ишлари давлат назоратида эканлиги белгилаб қўйилган.

Мамлакатдаги деярли барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш, маҳаллий ҳокимият ва ўзини-ўзи бошқариш органлари таркибида ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг турли жинсий оқим ва гоёлар таъсирига тушиб қолишларининг олдини олиш, болалар ҳуқуқ ва манфаатларини муҳофаза этиш, жиноятчиликнинг олдини олишда яқиндан ёрдам кўрсатиш фаолиятига асос солинган.

Ёшларни фуқаролик жамиятнинг ҳақиқий аъзоси сифатида шаклланишини такомиллаштиришга ҳуқуқий таъсир қилиш имкониятлари ошмоқда. Бу вазифаларнинг бажарилишида прокуратура органларининг ҳам роли катта. Прокуратура мамлакатдаги ҳуқуқни ҳимоялаш механизмнинг муҳим бўғини сифатида, мамлакат Президенти Ислон Қаримов ибораси билан айтганда, “демократик жамият, ҳуқуқий давлат қуришда, ҳуқуқий ислохотларни амалга оширишда ҳал қилувчи роль ўйнайди”.

Чунки Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунга асосан Республика ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсинувчи прокурорларга юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 27-сонли буйруғига мувофиқ, прокуратура органларининг вазифаси, қонунларни аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш юзасидан юклатилган ваколатлардан фойдаланиб, вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва қонун билан белгиланган манфаатлари кафолатини таъминлаш, улар ўртасидаги жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни яхшилаш, уларнинг сабаблари, содир этилиши учун яратилган шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этиш, йўлдан адашган ҳар бир ёшни тўғри йўлга солиш ва ҳалол меҳнатга қайтишига эришишдан иборатдир.

Ёшлар тарбияси учун зарур бўлган шароитлар юқорида қайд қилинган қонунлар, халқаро-ҳуқуқ ҳужжатларидан ташқари, уларнинг таълим олишини, бандлигини, ижтимоий муҳофазасини таъминлаш, соғлигини сақлаш, турар жой ва мулк

ҳуқуқларини рўёбга чиқариш, бўш вақтини мазмунли ташкил этиш ёшларга оид бошқа қонунлар ва норматив ҳужжатларда акс эттирилган.

Прокурорлар қонун билан берилган ваколатлар доирасида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қиладилар. Уларнинг ҳимояси қонунлар ижроси устидан назорат, фуқаровий-ҳуқуқий ва жиноий-ҳуқуқий воситалар орқали қонун бузилишларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш йўли билан амалга оширилади.

Вояга етмаганлар томонидан йўл қўйилаётган қонунбузарликлар ичида энг хавфлиси жиноят содир қилиш ҳисобланади. Вояга етмаганлар жиноятчилигига қарши курашнинг тўғри ва аниқ ташкил қилиниши долзарб вазибалардан бири ҳисобланади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 22 июндаги «Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурорлик назорати фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида»ги 27-сонли буйруғида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчилиқни, айниқса экстремистик кўринишдаги диний оқимлар таъсирига тушиб қолишнинг олдини олиш, ёшларнинг онгини, тафаккурини шакллантириш, дунёқараши кенгайтириш ҳамда ҳуқуқий саводхонлигини ошириш мақсадига суҳбат, савол-жавоб кечалари, тушунтириш ишлари, тарғибот ва ташвиқотнинг бошқа шакллари билан самарали фойдаланиш, бу борада оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилишга алоҳида эътибор қаратиш ҳақида кўрсатма берилган.

Ўзбекистонда бу ишга катта эътибор қаратилаётганлигини эътиборга олган ҳолда вояга етмаганлар ва ёшларнинг ҳуқуқларига амал қилиниши устидан назоратни прокурорлик назоратининг мустақил соҳаси деб ҳисоблаш мумкин ва бу соҳа прокуратура органларининг асосий йўналишларидан бири сифатида тан олинган.

Мамлакатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, бошқа давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳамкорликда амалга оширилаётган тадбирлари ижобий натижалар бермоқда, жумладан ўтган 2009 йилда вояга етмаганлар жиноятчилиги 2,6 фоизга камайган. Лекин бундай вазият сиз билан бизни тинчлантиришга асос бўла олмайди. Чунки вояга етмаган томонидан содир қилинган битта жиноят ҳам жамият олдидаги муаммо, ҳар хил қонун бузарликлари учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга келтирилган ўсмирларнинг сони олдинги йилларга нисбатан бир ярим мингдан зиёдга кўпайгани эса, бу муаммони яна ҳам кескинлаштиради.

Бу эса ёшлар муаммолари билан мунтазам равишда ишлар олиб борилишини, сусткашлиқка йўл қўйилмаслигини, қонунчилик такомиллаштирилишини, амалиёт ходимларини жамоатчилик билан ҳамкорликда масъулият билан ишлашларини талаб

қилади.

Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганнинг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида, 2010 йилга “Баркамол авлод йили” деб ном бериши муносабати билан махсус Давлат дастурини тайёрлашда “Мавжуд ҳуқуқий ва юридик базани танқидий кўз билан қараб, уларга бугун замон талаб қиладиган тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, керак бўлса, олдимишга қўйган мақсадларга жавоб берадиган янги ҳуқуқий нормаларни ишлаб чиқиш” лозимлиги ҳақида фикр билдирилган.

Агар вояга етмаганлар жиноятлари билан боғлиқ жиноят ишлари ихтисослаштирилган судлар томонидан кўриб чиқиладиган бўлса, прокурор фаолиятининг самарадорлиги янада юқори бўлиши мумкин. Бу ўринда бир қатор хориж давлатларида ишлаб турган ювенал адлия тизимини ташкил этиш мақсадга мувофиқлиги назарда тутилмоқда.

Бундай суд дастлаб 1899 йилда АҚШнинг Иллинойс штатида ташкил этилган бўлса, 1924 йилдан барча штатларда, Буюк Британияда эса 1908 йилдан, Франция ва Бельгияда 1912 йилдан, Испанияда 1918 йилдан, Нидерландияда 1921 йилдан, Германияда 1922 йилдан ва Австрияда 1923 йилдан иш бошлади. Ҳозирги вақтга келиб бундай судлар 30 та ортиқ давлатларда фаолият кўрсатмоқда⁵.

Вояга етмаганларнинг жиноятлари ўсмирлар психологияси каби ўзига хос хусусиятлари билан ажралиб туради. Умумий судларда судьялар ихтисослашуви ҳақида ҳар қанча гапирилмасин, лекин барибир улар вояга етмаганларнинг жиноятлари билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда зарур бўладиган барча ҳолатларни ҳисобга олишларининг иложи йўқ. Бу ишни фақат ювенал адлия амалга оширишга қодир⁶.

Чунки ювенал адлия фақат ихтисослашган судларни жорий қилиш билан чегараланмайди, балки ҳуқуқбузарлик содир этган ёки ички ишлар органларида профилактик ҳисобда турувчи вояга етмаганларнинг тарбияси ва юриш-туриши устидан назоратни амалга оширувчи адлия органларидаги махсус давлат хизматчиси, ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасалари, вояга етмаганлар учун тарбия колониялари, ички ишлар органларида вояга етмаганлар учун ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш Марказлари ва бошқа муассасаларни жорий қилишни кўзда тутди.

Вояга етмаганлар жиноят ишларини ва улар билан боғлиқ бошқа муаммоларни ҳал қилувчи бундай ювенал адлия бизда ҳам ташкил этилмоғи лозим, деб ўйлаймиз. Бу мақсадга эришилса прокуратура ва бошқа тегишли органлари ўз ишларини у билан ҳамкорликда яна ҳам самарали олиб боришлари мумкин бўлади ва вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлиги, жиноятчилигига қарши курашишда ҳамда улар билан боғлиқ бошқа муаммоларни

ҳал қилишда самара беради.

Бу фаолиятнинг самарадорлиги ошишини яна “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳамда “Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида”ги Қонун ҳамда бошқа қонун ва норматив ҳужжатларида белгиланган боланинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилувчи, шунингдек, барча давлат органлари, жисмоний ва юридик шахслар томонидан бола ҳуқуқларига риоя қилинишининг мониторингини амалга оширувчи орган фаолиятида кўриш мумкин.

Бундай орган Ўзбекистонда Болалар Омбудсмани бўлиши мумкин. Болалар Омбудсмани нафақат болалар ҳуқуқлари бузилиши тўғрисида фуқароларнинг ариза ва шикоятларини кўриб чиқиши, балки уларни ўрганиб чиқиш, умумлаштириш, таҳлил қилиш асосида болаларнинг жисмоний, интеллектуал, руҳий ва маънавий-ахлоқий ривожланишига салбий таъсир этувчи шароитларни аниқлаши зарур. Айнан шу орган Ўзбекистон Республикасида “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги Конвенция қоидаларини бажарилиш стратегиясини ишлаб чиқиши ва ушбу Конвенцияни амалга ошириш бўйича Миллий ҳаракат дастурини бажарилишини мувофиқлаштириши, Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва давлат органлари фаолиятига бола ҳуқуқлари бўйича халқаро андозаларни имплементация қили-

нишига ҳар томонлама кўмаклашиши зарур.

Ижро ҳокимияти органлари фаолиятида амалга оширилиши лозим бўлган масалалардан бири — бу республикамиздаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятининг такомиллашувидир. Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияларнинг номини “Ёшлар ишлари бўйича комиссиялар” деб номлаш ҳамда уларнинг фаолият доирасига вояга етмаганлардан ташқари 18-25 ёш ўртасидаги ёш авлод вакиллари қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ҳам юклатилса, ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича муҳим қадам қўйилган бўлар эди. Чунки, 25 ёшида инсон муаян касб бўйича билим ва тажрибани тўлиқ эгаллаб, ҳаётда ўз ҳуқуқ ва эркинликларини ижобий англаган ҳолда, уларни амалга ошира олади.

Давлат ва жамоат ташкилотлари фаолиятида ёшларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлаш бўйича асосий устувор йўналишлар — ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларнинг замонавий билим ва касбга эга бўлишини, бугунги, ўта мураккаб ва таҳликали замонда мавжуд бўлган ҳар қандай хатарларга, зарарли таъсир ва оқимларга нисбатан огоҳ, сезгир ва ҳушёр бўлиб яшашини ва жамиятимиз ҳаётида муносиб ўрин эгаллашини таъминлашдан иборат бўлиши лозим⁷.



АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам анализа государственной молодежной политики проводимой в Узбекистане. В статье анализируется состояние национального законодательства в данной сфере и приводятся сравнения отечественного законодательства с международным. Следовательно, в ней затрагиваются проблемы, связанные с правильным воспитанием молодежи, регламентацией прав, свобод и законных интересов несовершеннолетних. Кроме того, освещаются результаты, достигнутые посредством реформирования и модернизации законодательства по обеспечению прав несовершеннолетних.

¹ Болаларни ҳимоя қилиш. Парламент аъзолари учун қўлланма. Unicef, 2006 йил, 5-6 бетлар.

² Каримов И.А. Асосий мақсадимиз — юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттирамиз. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маъруза. -Т.: Ўзбекистон. 2007. Б.42.

³ Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси — биз учун демократик тараққиёт йўлида ва фуқаролик жамиятини барпо этишда мустаҳкам пойдевордир. Президент И.А. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. — Т.: Халқ сўзи, 237 (4900)-сон.

⁴ Ўзбекистон Республикаси ва инсон ҳуқуқлари бўйича халқаро шартномалар. Т., 2003, 117-бет

⁵ Абдумалик Жаббор. Суд ва муқобил жазо чоралари. Инсон ва қонун. 2002, 2 апрел. Ведерникова О. Ювенальная юстиция: исторический опыт и перспектива. Российская юстиция, 2000, № 7, с. 51-52; Зарипов З. С. Ювенал юстиция ва вояга етмаганлар ишларига доир муқобил чоралар. Ҳуқуқ -право -Law, 2001, № 12, 59 — 61 бетлар.

⁶ Хисматулин Р. Особенности судебного следствия по делам несовершеннолетних. Российская юстиция, 1999, № 12, с. 39-40. Ткачев В. В. Ростовской области создаются региональная модель ювенальной юстиции. Российская юстиция, 2002, № 2, -С. 25 - 27

⁷ Каримов И.А. Асосий мақсадимиз-юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт барпо этиш йўлини қатъият билан давом эттиришдир. ЎзР Президенти И.А.Каримовнинг ЎзР Конституцияси қабул қилинганининг 15 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси.-Т.: Ўзбекистон.-2007.-Б.44.

**Райнер ХЮПЕР,
старший прокурор в отставке,
Федеративная Республика Германии**

ОРГАНИЗАЦИЯ БОРЬБЫ С КОРРУПЦИЕЙ НА ПРИМЕРЕ ФЕДЕРАЛЬНОЙ ЗЕМЛИ ФРГ ШЛЕЗВИГ-ГОЛЬШТЕЙН

Шлезвиг-Гольштейн, федеральная земля между двумя морями, Северным и Балтийским, является самой северной и при площади около 15.799 км² и количестве населения 282 млн. второй с конца по размерам и населению землей ФРГ. Город Киль является столицей земли. На севере Шлезвиг-Гольштейн граничит с Данией. Шлезвиг-Гольштейн является не только популярным туристическим центром, но и центром транзитных перевозок пассажиров и грузов в Скандинавию и в Восточную Европу по суше, через Кильский канал и порты Любек и Киль. С этим связаны важные контрольные функции полиции, таможи и административных органов на основании законодательства ЕС и других международных договоров, например, в рамках Международной морской организации (ИМО). К обязанностям в рамках ИМО относятся, регулирование в отношении безопасности судов (контроль государства порта — Port State Control) и контроль соблюдения положений международного права по борьбе с загрязнением моря судами.

Шлезвиг-Гольштейн разделен на четыре судебных округа. Земельные суды находятся в городах Фленсбург, Итцехо, Киль и Любек. Местные прокуратуры также находятся в этих городах. Ведомство Генерального земельного прокурора находится при Высшем земельном суде Шлезвиг-Гольштейна в Шлезвиге. С округами прокуратуры совпадают также округа земельных полицейских управлений. Земельное ведомство криминальной полиции находится в Киле и осуществляет центральные функции. К его компетенции относятся, например, техническая криминалистика, преследование преступлений против государства, борьба с организованной преступностью и розыск.

Прежде чем перейти к обзору деятельности междисциплинарной следственной группы по борьбе с коррупцией, стоит коротко рассказать о принципах немецкого уголовного процесса, существующих уже более ста лет:

Прокуратура не имеет собственных сотрудников, занимающихся расследованием. Она является головой без рук. Как правило, она поручает расследование сотрудникам земельных полицейских ведомств, но по уголовным делам, связанным с нарушениями налогового законодательства, таможенного законода-

тельства и нелегальными поставками оружия, компетентными ведомствами являются налоговые или таможенные следственные органы федерации. Расследование не поручается другим органам, если расследование только сотрудниками прокуратуры представляется целесообразным или если предпочтительно, чтобы допросы проводил судья. В этом случае прокуратура обращается в суд по подведомственности и подсудности, который должен принять решение по такому ходатайству. Прокуратуры подчиняются министру юстиции, который уполномочен давать указания Генеральному прокурору.

Если прокуратура поручает полиции провести расследование, полиция проводит расследование как компетентный орган. Другой широкой сферой деятельности полиции является предотвращение совершения преступлений. По завершению расследования полицией прокуратура устанавливает, выполнены ли предпосылки для предъявления обвинения. Если прокуратура предъявляет обвинение, суд проверяет только факты, указанные в обвинительном заключении; содержание обвинительного заключения является для суда обязательным.

«Постоянная следовательская группа «Коррупция», существует с 1 июня 1999 года и в течении испытательного срока до 31 июля 2002 отвечала только за округ города Киль. С 1 августа 2002 года сфера деятельности «Совместной следовательской группы «Коррупция» прокуратуры города Киль и Земельного ведомства криминальной полиции федеральной земли Шлезвиг-Гольштейн» распространяется на всю территорию федеральной земли. Эта группа создана на основании общей концепции Генерального прокурора и руководителя Земельного ведомства криминальной полиции земли Шлезвиг-Гольштейн. Концепция основана на анализе опыта борьбы с коррупцией. На 1 августа 2002 года в группу входили следующие сотрудники:

Руководство — старший прокурор и начальник отдела Земельного ведомства криминальной полиции;

Сотрудники — 8 прокуроров, 21 полицейский, из них 6 сотрудников криминальной полиции по борьбе с экономической преступностью, 3 бухгалтера, 1 аудитор, командированный в следственную группу ад-

министративным отделом, 1 инженер, командированный в прокуратуру земельным Министерством экономики, 1 «помощник судьи» (Rechtspfleger).

К компетенции следственной группы относятся следующие виды деликтов:

- ◆ деликты, связанные с коррупцией, включая сопутствующие деяния, относящиеся к структурированной и организованной преступности;
- ◆ дела в отношении должностных лиц;
- ◆ дела по отмыванию денег.

К деликтам, связанным с коррупцией, относятся следующие уголовные деяния, совершаемые при исполнении служебных обязанностей:

- ◆ § 331 Уголовного уложения ФРГ (УУ) — получение или требование выгоды должностным лицом;
- ◆ § 332 УУ — получение взятки;
- ◆ § 333 УУ — обещание, предложение или предоставление выгоды должностному лицу в качестве вознаграждения за совершения служебного действия в пользу обещавшего или третьего лица
- ◆ § 334 УУ — дача взятки
- ◆ § 299 УУ — получение или дача взятки в рамках коммерческой деятельности, а также дача взятки иностранным должностным лицам в рамках международной коммерческой деятельности (Закон о борьбе с взяточничеством на международном уровне);
- ◆ § 108 e УУ — подкуп депутатов.

К компетенции следственной группы относятся также сопутствующие деяния, например:

- ◆ Мошенничество (§ 263 УУ);
- ◆ Злоупотребление полномочиями (§ 266 УУ);
- ◆ Служебный подлог (§ 348 УУ);
- ◆ Укрывательство преступлений должностным лицом (§ 258 a УУ) и;
- ◆ Укрывательство преступлений с целью обеспечения сохранения выгоды от совершения преступления (§ 257 StGB).

Кроме того, типичными сопутствующими деликтами являются, в частности:

- ◆ § 264 УУ (мошенничество, связанное с получением субсидий); и
- ◆ § 298 УУ (сговоры, ограничивающие конкуренцию в рамках тендера).

Что явилось основной причиной создания междисциплинарной следственной группы? При расследовании, а также при предъявлении государством исков о возмещении ущерба и при конфискации преступных доходов, как правило, возникали сходные проблемы, замедлявшие производство. Преступники также приспособились к определенной практике ведения расследования. Эти сложности следовало преодолеть при помощи междисциплинарной следственной группы. Таким образом, целью является повышение эффективности борьбы с коррупцией. Эту цель преследует и Европейский союз. Например, в Сообщении Европейской комиссии о всеобъемлющей борьбе с коррупцией 28 мая 2003 года говорится:

«... Ведомства, уполномоченные бороться с коррупцией, должны быть независимыми и специальными

и обладать эффективными возможностями по сбору доказательств с целью защиты лиц, поддерживающих эти ведомства в борьбе с коррупцией. Сотрудничество между ведомствами и возможности проведения совместных расследований должны быть расширены...»

История создания следственной группы была следующей:

До 1995 года за расследования, связанные с коррупцией, отвечали специальные подразделения криминальной полиции по борьбе с экономической преступностью при окружных криминальных инспекциях и отдел Земельного ведомства криминальной полиции земли Шлезвиг-Гольштейн по нетипичным делам. В прокуратуре эти дела относились к компетенции специализированных прокуратур г. Киля и Любека, но только в том случае, когда были необходимы специальные экономические знания. Остальные дела относились к компетенции прокуратуры по подсудности. На практике дела, связанные с коррупцией, играли незначительную роль. В 1994 году по статистике земли Шлезвиг-Гольштейн было возбуждено только восемь дел. Они преимущественно были связаны с т. н. ситуативной коррупцией. Весной 1995 года Генеральный прокурор земли Шлезвиг-Гольштейн дал прокурорам земли указание назначить уполномоченных по борьбе с коррупцией. Поводом послужила информация из прокуратуры г. Мюнхена о том, что ведомственные инженеры по очистным сооружениям в рамках тендеров отдавали предпочтения определенным фирмам. За эти услуги инженеры получали взятки в размере до 1 млн. марок ФРГ (500.000 евро). Кроме того, были установлены коррупционные структуры при распределении государственных заказов в строительных ведомствах, а также в мясоперерабатывающей промышленности. В частности, земельная Счетная палата установила нарушения при распределении государственных заказов Земельным строительным ведомством и муниципальными строительными ведомствами. На основании отчета о проверке прокуратура г. Киля возбудила дела против многочисленных руководящих сотрудников этих ведомств и руководства строительных фирм в связи с подозрением о даче и получении взяток, а также о злоупотреблении полномочиями и мошенничестве. Ходатайства о 50 ордерах на обыск были направлены прокуратурой в районный суд г. Киля, и все они были одобрены судом. Следственные действия проводились прокуратурой совместно с окружной криминальной инспекцией, которая в то время отвечала за борьбу с коррупцией. Обыски были произведены в муниципальных административных органах, земельных ведомствах, инженерных бюро и на очистных сооружениях. Кроме того, внимание общественности привлекло возбуждение дела о даче взятки, нарушении Закона о продуктах питания, злоупотреблении полномочиями и мошенничестве против владельца многочисленных скотобоен с годовым оборотом 1, 3 млрд. немецких марок. В 1995 году было, в целом, возбуждено 45 дел, связанных с коррупцией, каждое против нескольких должно-

стных лиц и предпринимателей. Это послужило поводом создания межведомственной рабочей группы по борьбе с коррупцией под руководством Генерального прокурора земельным правительством 18 июля 1995 года.

Поскольку в окружной криминальной инспекции г. Киля, отвечавшей за такие дела, не было достаточно количества сотрудников для проведения этих обширных и сложных расследований, в 1996 году была создана следственная группа (EG 2/96). В ее состав вошли сотрудники полиции, командированные из разных регионов федеральной земли. Изначально к компетенции следственной группы относились только дела, основанные на данных земельной Счетной палаты.

7 мая 1996 года был представлен заключительный отчет межведомственной рабочей группы по коррупции. В отчете был сделан вывод о том, что на тот момент создание независимого и самостоятельного подразделения по борьбе с коррупцией не представлялось необходимым. В нем рекомендовались следующие превентивные меры: усиление правосознания;

- ◆ соблюдение принципа двойного контроля;
- ◆ усиление внутриведомственного контроля;
- ◆ коренное изменение системы распределения государственных заказов;

◆ контроль соблюдения положений о распределении государственных заказов;

◆ создание основы для сотрудничества между органами уголовного преследования и административными органами.

На основании отчета земельное правительство 10 сентября 1996 года издало указ о сотрудничестве между органами уголовного преследования и административными органами в рамках борьбы с коррупцией. Этот указ регулирует, в частности, предоставление информации административным органом прокуратуре при наличии подозрения о коррупции. Кроме того, должны регулярно проводиться совместные совещания административных органов, прокуратуры, полиции, министерств и земельной Счетной палаты для обмена опытом.

Следственная группа EG 2/96 впоследствии постоянно увеличивалась. Сфера расследований расширилась и изначально касалась земельного строительного ведомства и многочисленных региональных частных фирм. Помимо этого, Земельное ведомство криминальной полиции начало новые расследования, в частности, против бывшего спикера земельного правительства о получении взяток, злоупотреблении полномочиями и других преступных деяниях, а также против судьи ювенального уголовного суда о преднамеренном вынесении неправомερных приговоров, получении взяток, злоупотреблении полномочиями, мошенничестве и других преступных деяниях. В отношении судьи ювенального уголовного суда и спикера правительства были вынесены приговоры о лишении свободы на несколько лет.

Генеральная прокуратура создала в своем ведомстве к 1 января 1997 года центральное управление

по борьбе с коррупцией. Количество работы для следственной группы EG 2/96 постоянно увеличивалось. В результате расследований были выявлены новые факты, по которым следовало возбуждать новые уголовные дела. Например, в 1996 году было возбуждено 97 новых дел в сфере структурированной и организованной преступности, а в 1997 — 67 новых дел, в 1998 — 151 дело, в 1999 — 166 новых дел.

7 июня 1998 земельное правительство приняло решение о создании специального подразделения для более эффективного преследования преступлений, связанных с коррупцией, с привлечением сотрудников-специалистов из строительных ведомств и финансовых органов для поддержки органов уголовного преследования. 1 июня 1999 года была создана совместная следственная группа «Коррупция» из сотрудников следственной группы EG 2/96 и отдела Земельного ведомства криминальной полиции по борьбе с экономической преступностью. Эта следственная группа EG 9/99 изначально должна была работать в течении 18 месяцев. Однако новые дела, возбужденные впоследствии, привели к тому, что была создана постоянная следственная группа.

В следующих сферах проводилось большинство расследований, связанных с коррупцией: распределение государственных заказов, управление строительством, предоставление государственных средств (субсидий), выдача концессий, разрешения на строительство, выдача виз и разрешений на работу иностранцам.

Следующие виды конкретного и морального ущерба были установлены:

– ущерб частным лицам, экономике и государству за счет завышенных сумм в счетах, нарушений антимонопольного законодательства, неуплаты налогов, утраты доверия к административным органам.

Лицам, участвовавшим в коррупционных сделках, были предоставлены денежные средства и имущественные ценности в крупном размере.

Кроме того, типичными для этой категории дел были следующие признаки: участники не подавали заявлений в правоохранительные органы, административные органы неохотно подавали заявления и участвовали в раскрытии преступлений, свидетели совершения деяния отсутствовали, в процессе совершения деяния и после него предпринимались меры по сокрытию преступления, совершение преступлений было связано со сложными техническими данными.

Особенно часто преступники использовали технические возможности для сокрытия преступлений. В решении Высшего земельного суда о продлении предварительного заключения на срок более шести месяцев об опасности сокрытия преступления говорится следующее:

«... В отношении обвиняемого существует серьезное подозрение о том, что он с несколькими соучастниками создал систему согласованных мер, которая была направлена на предотвращение установления преступной деятельности при проведении проверок и сокрытие истинного положения дел. В частности, об-

виняемый подозревается в том, что он организовал выплаты на основании фиктивных счетов, которые предъявляли соучастники. Эта высокая степень координации мер по сокрытию преступлений позволяет предположить, что если ордер на арест будет отменен или обвиняемый будет освобожден из-под ареста, он совместно с соучастниками опять сделает все возможное, чтобы скрыть совершенные преступления, особенно при помощи согласования содержания показаний...».

В результате расследований было установлено, что тесное взаимодействие между должностными лицами и предпринимателями привело к фактической невозможности конкуренции в сфере государственных заказов. В частности, предприниматели могли в ущерб государству заключить негласную договоренность о ценообразовании и получить неправомерные доходы за счет завышения цен в счетах.

В пользу создания междисциплинарной следственной группы говорят следующие соображения. Борьба с коррупцией является задачей всего государства, а не только органов уголовного преследования. Она может привести к позитивным результатам, только если преступники не смогут извлечь выгоду из своих преступлений. Это возможно только в том случае, если помимо наказания в результате эффективного уголовного преследования преступника лишат всех преимуществ, приобретенных в связи с совершением преступлений, и преступнику предъявят требования о возмещении ущерба. Конкретно речь идет о следующих мерах:

- ◆ эффективное осуществление уголовного преследования;
- ◆ предъявление требований об уплате неуплаченных налогов;
- ◆ калькуляция и предъявление требований о возмещении ущерба;
- ◆ конфискация всех неправомерных доходов как у взяточника, так и у взяткодателя.

Таким образом, раскрытие преступлений, связанных с коррупцией, является общей задачей всех компетентных ведомств. Межведомственный подход следует из принципа взаимной поддержки. В частности, прокуратура нуждается в специальных знаниях сотрудников административных органов. С другой стороны, административные и финансовые органы нуждаются в доказательствах, собранных прокуратурой, для осуществления своих требований; прокуратура может обеспечить такие доказательства в рамках про-

цедуры оказания ведомственной помощи.

Повышение эффективности борьбы с коррупцией может быть достигнуто за счет концентрации человеческих ресурсов из органов прокуратуры, криминальной полиции и налоговой инспекции и привлечения специалистов из административных органов. В результате создания межведомственной следственной группы были установлены следующие положительные эффекты: синергетические эффекты, облегчение доказывания, непосредственный обмен специальными знаниями, квалифицированный сбор и оценка необходимой документации при подготовке уголовного процесса, краткосрочное установление коррупционных действий и сетей, ускорение делопроизводства, экономия времени и труда во всех органах, предоставление информации для лучшего понимания других релевантных сфер деятельности, эффективное установление и обоснование требований и преступных доходов, превентивное действие за счет раннего распознавания недостатков административной системы, адаптация системы превентивных мер административных органов на основании данных, полученных в результате расследования, непосредственное применение мер, основанных на законодательстве о статусе чиновника и трудовом законодательстве, к коррумпированным государственным служащим, улучшение возможностей для возмещения ущерба административным органам.

В целом, следует отметить, что при межведомственном подходе борьба с коррупцией становится более эффективной.

В заключении следует отметить, что следующие меры для совершенствования борьбы с коррупцией в Германии должны быть приняты.

- ◆ Закрепление в законодательстве обязанности административных органов подавать заявление в правоохранительные органы при подозрении в коррупции;
- ◆ Закрепление в законодательстве защиты информантов (проблематика «предателя в наших рядах»);
- ◆ Конституционная защита прокуратуры от политического давления.

Для защиты информантов правительство земли Шлезвиг-Гольштейн в 2008 году ввело должность омбудсмена, к которому могут обращаться информанты. Омбудсман направляет информацию в органы уголовного преследования, не указывая личность информанта.



АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола ГФРнинг Шлезвиг-Гольштейн ўлкаси мисолида коррупцияга қарши курашишни ташкил этишга бағишланган. Мақоланинг кириш қисмида муаллиф ГФРнинг Шлезвиг-Гольштейн ўлкаси ҳақида қисқача маълумот бериб ўтган. Асосий қисмда эса ушбу ҳудудда коррупцияга қарши курашишни ташкил этиш, давлат органлари ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлиги, шу соҳада ГФР норматив базаси таҳлил қилинган. Хулоса қисмида муаллиф ГФР да коррупцияга қарши курашишни ривожлантириш чоралари тўғрисида гап юритган.

Юрген ДЕН,
Генеральный прокурор в отставке,
Федеративная Республика Германии

БОРЬБА С КОРРУПЦИЕЙ: НОРМЫ МЕЖДУНАРОДНОГО ПРАВА

Борьба с коррупцией является одним из приоритетов международных организаций и, в особенности, ЕС в сфере юстиции и внутренних дел. Терракты в Нью-Йорке, Мадриде и Лондоне оказали большое влияние на представление о важности борьбы с коррупцией. Теперь она рассматривается не как отдельное явление, а как часть общей проблемы политики безопасности, например, как аспект экономической преступности, организованной преступности, отмывания доходов, торговли людьми, оружием и наркотиками, а также терроризма. Терроризм, транснациональная преступность и глобализация финансовых рынков свидетельствуют о том, что борьба с коррупцией только на национальном уровне неэффективна и не имеет большого смысла. Поэтому важным элементом борьбы с коррупцией является международное сотрудничество органов уголовного преследования, а также обмен опытом не только на национальном, но и на международном уровне.

Трансграничное сотрудничество существенно облегчается, если существуют общие международные стандарты. В области борьбы с коррупцией уже нет недостатка в таких стандартах, основанных на нормах международного права.

Международно-правовые рамки определяются конвенциями и инструментами Организации экономического сотрудничества и развития (ОЭСР), Совета Европы и Организации объединенных наций (ООН). В рамках Всемирной торговой организации (ВТО) пока не удалось вынести тему коррупции на повестку дня. С точки зрения ЕС международное сотрудничество стало бы более эффективным при регулировании в рамках ВТО, поскольку государства-члены ЕС передали ЕС большинство своих полномочий по взаимодействию с ВТО. Таким образом, было бы достаточно сотрудничества между ВТО и ЕС. Однако особенно развивающиеся страны выступают против включения темы коррупции в систему ВТО.

В рамках ОЭСР в 1997 году был создан основной правовой инструмент по борьбе с коррупцией. Речь идет о Конвенции по борьбе с дачей взяток иностранным государственным должностным лицам. К сфере действия Конвенции относится активное взяточничество и, соответственно, уголовное пресле-

дование «дающего». Она не регулирует пассивное взяточничество, т. е. уголовное преследование «берущего». В тексте Конвенции не встречается выражение «активное взяточничество», поскольку у читателя-неспециалиста не должно возникнуть впечатление, что инициатива всегда исходит от «дающего», а «берущий» всегда является пассивной жертвой. На практике «берущий» нередко инициирует дачу взятки или даже вынуждает к этому «дающего», т. е. является более активной стороной.

Конвенция вступила в силу в феврале 1999 года и на данный момент ратифицирована 38 странами. Поскольку доля этих стран в мировой торговле составляет более 75%, страны ОЭСР потенциально могут оказать существенное влияние на дачу взяток иностранным должностным лицам. Насколько мне известно, все государства-члены ЕС, кроме Литвы, подписали и ратифицировали эту Конвенцию. Конвенция является первой попыткой борьбы с коррупцией на международном уровне. Она не следует распространенному заблуждению о том, что коррупция является исключительно проблемой развивающихся стран. Согласно Конвенции фирмам, находящимся в государствах-членах Конвенции, запрещено давать взятки иностранным должностным лицам в связи с тендерами. Таким образом, Конвенция ОЭСР знаменует новый этап развития, который существенно отличается от ситуации, существовавшей ранее, когда фирмы могли даже вычитать взятки из налогооблагаемой базы. Конвенция ОЭСР требует не только, чтобы государства-члены устанавливали в своем национальном законодательстве санкции за дачу взяток иностранным должностным лицам, но и систематического контроля эффективности имплементации.

Следует отметить, что ФРГ трансформировала Конвенцию в национальное право в форме Закона о борьбе с дачей взяток на международном уровне (ЗБВМ) от 10.9.1998.

Так, процедура контроля имплементации основана на жестком механизме т. н. коллегиального обзора (Peer Review), т. е. регулярной оценки имплементации и применения соответствующего национального законодательства и политических мер определенного государства всеми государствами-чле-

нами совместно. При этом процедура контроля подразделяется на две фазы. В рамках первой фазы оценки определенной страны анализируется законодательство. Нередко в результате законодательство должно быть адаптировано.

В рамках второй фазы контролируется практическая имплементация и применения Конвенции компетентными органами соответствующего государства. Контролируемые страны должны предоставить в качестве ответа на результаты проверки в течение года устное заключение и в течение двух лет письменное заключение в отношении результатов проверки и внести предложения по необходимым изменениям. Цель заключается в том, чтобы в будущем проводить от шести до восьми проверок второй фазы в год, чтобы охватить все 38 государств-членов в ближайшие годы.

Совет Европы (Council of Europe) был создан 5 мая 1949 года и сегодня включает в себя 47 государств.

Он является форумом для дискуссий по общеевропейским вопросам. Его устав предусматривает сотрудничество между государствами-членами с целью поддержки экономического и социального прогресса.

Основными инструментами антикоррупционной политики Совета Европы являются две конвенции: Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию и Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию; обе конвенции были заключены в 1999 году. Конвенция об уголовной ответственности за коррупцию от 27.1.1999 с дополнительным протоколом от 15.5.1999 предусматривает, в отличие от Конвенции ОЭСР, уголовное преследование пассивного взяточничества иностранных должностных лиц, а также взяточничества в частном секторе. В этой связи следует отметить следующее: применение национального уголовного права к иностранным должностным лицам не окажет должного воздействия, если нормы международного права, связанные с применением уголовного права, не соответствуют принципам национального уголовного права. Этот аргумент всегда приводится ФРГ на международных переговорах.

В ФРГ сфера действия уголовного права уже сегодня достаточно широка. Уголовные деяния, совершаемые немецкими гражданами за границей, подлежат, как правило, уголовному преследованию в Германии. В частности, это правило распространяется на преступления, связанные с коррупцией. Существует общий принцип, согласно которому для уголовного преследования в ФРГ необходимо, чтобы деяние было уголовно наказуемым по законодательству государства, в котором оно было совершено; однако этот принцип на данный момент уже не распространяется на большинство случаев коррупции. В будущем мы хотим полностью отменить это ограничение. Немецкое уголовное право долж-

но распространяться на все преступления, связанные с коррупцией, если существует связь с ФРГ, причем независимо от оценки на основании иностранного законодательства.

Ратификация Конвенции означает также обязанность осуществлять меры по борьбе с коррупцией в административных органах, частном секторе и в общественной жизни.

Конвенция о гражданско-правовой ответственности за коррупцию регулирует компенсацию (государством) за ущерб, нанесенный лицу в результате коррупционных действий государственного служащего. Эта Конвенция является первым инструментом международного права, который регулирует этот аспект борьбы с коррупцией. Однако она до сих пор подписана только Финляндией, Грецией и Швецией, а также всеми новыми членами ЕС и странами-кандидатами.

Группа государств по борьбе с коррупцией (ГРЕКО) была создана в 1998 году как инструмент Совета Европы по борьбе с коррупцией. Австрия и Италия – единственные государства-члены ЕС, которые не входят в ГРЕКО. В задачи ГРЕКО входит контроль за имплементацией обеих конвенций Совета Европы, кодексов поведения государственных служащих и 20 принципов Совета Европы по борьбе с коррупцией. Государства-члены ГРЕКО оценивают в форме коллегиального обзора, насколько государства-члены соблюдают свои обязанности и какие проблемы и недостатки имеют место.

Между ЕС и Советом Европы существует тесное техническое сотрудничество в сфере борьбы с коррупцией. ЕС предоставляет крупные средства для финансирования совместных проектов по борьбе с экономической преступностью. В 1996 году Европейская комиссия и Совет Европы начали совместный проект ОКТОПУС (ОСТОПУС), целью которого является борьба с коррупцией в странах Восточной Европы. Совет Европы на данный момент продолжает проект в форме ежегодных конференций. Также финансируются отдельные мероприятия в России, на Украине и на южном Кавказе в рамках совместных программ.

В 1999 году **Управление ООН по наркотикам и преступности** (УНПООН) ввело Глобальную программу против коррупции. В рамках дискуссий о Конвенции ООН против транснациональной организованной преступности было достигнуто соглашение о том, что создание эффективного правового инструмента для борьбы с коррупцией целесообразно, необходимо и желательно. Генеральная Ассамблея ООН подготовила резолюцией 55/61 от 4.12.2000 создание Конвенции ООН против коррупции (UNCAC), принятой Генеральной Ассамблеей 31.10.2003. Конвенция обязывает договаривающиеся стороны подвергать уголовному преследованию определенные формы коррупции в отношении должностных лиц и развивать международное сотруд-

ничество. 14.12.2005 Конвенция вступила в силу. На сегодняшний день 131 государство ратифицировало Конвенцию.

Конвенция ООН является на данный момент «самым глобальным» антикоррупционным инструментом и единственным императивным международным договором.

Она регулирует превентивные меры, расследование и уголовное преследование коррупции, а также замораживание, арест и конфискацию преступных доходов.

Ратифицируя Конвенцию, государства принимают на себя обязательства по борьбе с коррупцией в государственных и частных структурах. Таким образом, сфера действия Конвенции ООН значительно шире, чем сфера действия Конвенции ОЭСР, поскольку оно распространяется и на уголовное преследование коррумпированных чиновников и предпринимателей и на возвращение доходов от коррупционных сделок изначальным владельцам. Кроме того, Конвенция ООН содержит положения о том, что политики должны сообщать о своем финансовом и имущественном положении. Правительства договаривающихся сторон обязаны бороться с коррупцией при помощи эффективного законодательства и сотрудничества с органами юстиции. Согласно Конвенции ООН государствам-членам рекомендуется создать специальные антикоррупционные ведомства, которые обладают необходимой независимостью.

В ст. 5-14 Конвенции содержатся следующие превентивные меры:

- кодексы поведения чиновников, а также меры, обеспечивающие независимость органов юстиции;
- объективные критерии при приеме на работу и повышении по службе чиновников и при распределении государственных заказов;
- прозрачность и отчетность в деятельности ведомств, распоряжающихся государственными финансами, и в частном секторе,
- участие гражданского общества.

Ст. 15-52 регулируют обязанности государств-членов подвергать определенные деяния, связанные с коррупцией, уголовному преследованию.

В ст. 43-50 описывается международное сотрудничество в сфере борьбы с коррупцией, основой которого является взаимная ведомственная помощь. На сегодняшний день производство по многим антикоррупционным делам прекращается, поскольку вследствие недостаточного сотрудничества между государствами невозможно установить финансовые потоки. Особенно важным является введение международного сотрудничества для возвращения похищенных имущественных ценностей. Меры, направленные на возвращение имущественных ценностей, регулируются в ст. 51-59. Эти положения должны распространяться и на возвращение имущественных ценностей, приобретенных в связи с коррупци-

ей и вывезенных за рубеж крупными политиками.

Конвенция также содержит положения об отмене денежных средств и о требованиях о возмещении ущерба в связи с коррупцией, предъявляемых потерпевшими.

Наконец, создается конференция договаривающихся сторон, чтобы способствовать развитию возможностей отдельных государств и международно-го сотрудничества для достижения целей Конвенции и для совершенствования применения и контроля.

В отличие от Узбекистана, ФРГ до сих пор не ратифицировала Конвенцию. Это связано с проблемой уголовного преследования в связи с дачей взятки депутату. Конвенция содержит определенные требования, которым не полностью соответствует § 108 УУ ФРГ. Дача взятки депутату и получение взятки депутатом в ФРГ уголовно наказуемы только в связи с куплей и продажей голосов при голосовании в парламенте. Однако если депутат, например, получает деньги от экономического объединения, предприятия или частного лица за то, что он на заседании фракции добьется того, чтобы не вносился определенный законопроект или чтобы он произнес речь в парламенте, эти действия не являются уголовно наказуемыми. В этом немецкое право отстает от требований ООН. Поэтому необходима трансформация. Но, в остальном, немецкое уголовное право в отношении коррупции, в целом, соответствует стандартам международных договоров. Требуется изменения только по нескольким незначительным пунктам.

Следует особо подчеркнуть, что для борьбы с коррупцией на всех уровнях ЕС принял ряд правовых актов:

- в ст. 29 Договора о ЕС превентивные меры и борьба с коррупцией упоминаются в качестве целей, которые необходимо достигнуть для достижения и обеспечения единого европейского пространства свободы, безопасности и законности;
- новая ст. 280 Договора о ЕС содержит положения об эффективной и равной защите финансовых интересов на всей территории ЕС. Она предусматривает обязанность государств-членов ЕС обеспечивать совместно с Европейской комиссией тесное сотрудничество на регулярной основе между ведомствами для достижения этой цели. Кроме того, в этой статье впервые регулируются полномочия Европейского парламента и Совета принимать решения о необходимых мерах для предотвращения и борьбы с мошенничеством, вредящему финансовым интересам ЕС;
- план действий по борьбе с организованной преступностью 1997 года содержал требования о комплексной политике по борьбе с коррупцией, основанной на превентивных мерах;
- в первом сообщении о политике ЕС по борьбе с коррупцией были предложены такие меры, как запрет учета расходов на взятки в качестве налогового

вычета, положения о публичных тендерах, стандарты бухгалтерии и аудита, а также меры в отношении программ внешней помощи и поддержки;

– в Плане действий Европейского совета 1998 года, принятом в Вене, и в материалах его заседания в 1999 году в Тампере борьба с коррупцией также была выделена как сфера особого значения, в которой необходимо принять меры;

– в стратегии предотвращения и борьбы с организованной преступностью 2000 года на начало нового тысячелетия было подтверждено, что гармонизация национальных норм и развитие междисциплинарной стратегии по борьбе с коррупцией необходимы, а также в ней содержалась рекомендация ратифицировать международные договоры ЕС и Совета Европы по борьбе с коррупцией.

Кроме того, ЕС создал собственные инструменты по борьбе с коррупцией:

– Конвенции о защите финансовых интересов ЕС и о борьбе против коррупции должностных лиц Европейских Сообществ или должностных лиц государств-членов Европейского союза;

– европейское полицейское ведомство Европол было создано в 1995 году. С 2001 года оно обладает оперативными полномочиями, может обращаться к национальным полицейским органам с ходатайством о проведении расследования и участвовать в совместных расследованиях. После расширения полномочий преступления, связанные с коррупцией, прямо отнесены к ведению Европола;

– Европейское бюро по борьбе с мошенничеством (OLAF) создано в 1999 году и обладает полномочиями по проведению межведомственных проверок;

– Европейское подразделение по сотрудничеству в сфере юстиции Евроюст объединяет с 2002 года судей и полицейских в борьбе против организованной преступности, в частности, трансграничной коррупции. Евроюст дополняет Европол, поскольку он дает юридические консультации по вопросам юстиции и координирует деятельность национальных органов уголовного преследования.

На национальном уровне ФРГ 10.9.1998 приняла Закон о коррупции в ЕС (ЗКЕС) согласно протоколу от 27.9.1996 к Конвенции о защите финансовых интересов ЕС, согласно которому должностные лица ЕС были приравнены к должностным лицам

ФРГ.

Подход ЕС к борьбе с коррупцией можно описать следующим образом:

– отсутствие толерантности в отношении коррупции в органах ЕС;

– гармонизация уголовного законодательства в государствах-членах ЕС;

– поддержка развития единой глобальной стратегии предотвращения совершения преступлений.

Антикоррупционная политика ЕС, таким образом, делится на глобальную стратегию предотвращения и репрессивные меры против коррупции внутри ЕС. Обе сферы следует развивать и адаптировать к изменениям на практике. В ЕС существует достаточное количество ведомств, таких как OLAF, Европол и Евроюст, которые могут применять репрессивные меры в борьбе с коррупцией в органах ЕС, но за неимением собственной прокуратуры ЕС не может ни самостоятельно заниматься уголовным преследованием, ни контролировать развитие в государствах-членах ЕС. Во внешних сношениях ЕС обладает определенным влиянием, когда выделяет средства странам-кандидатам, сопредельным или третьим государствам. Поэтому он может не только требовать введения превентивных мер, но и рекомендовать проведение реформ для совершенствования уголовного преследования. На страны-кандидаты распространяются как внешняя, так и внутренняя политика ЕС, поскольку они станут его членами. Таким образом, разделение антикоррупционной политики ЕС на внешнюю и внутреннюю не является однозначным.

Поскольку существуют вышеуказанные нормы международного права и другие меры, никто не может утверждать, что борьба с коррупцией не играет роли на международном уровне. Однако недостаточно установить международные стандарты. Их необходимо применять на практике. Трансформация норм международного права в национальное право иногда связана с проблемами, поскольку необходимо удовлетворить многочисленным требованиям. В свою очередь, это связано с разными функциями и целями различных международных организаций. Эти различия повторяются в конвенциях, и их не всегда легко совмещать. Безусловно, лучшая координация работы международных организаций желательна.

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола коррупцияга қарши курашишнинг халқаро нормалари таҳлиliga бағишланган. Мақоланинг кириш қисмида коррупцияга қарши курашишнинг халқаро аҳволи ҳақида гап юритилган. Асосий қисмида эса коррупцияга қарши курашишнинг халқаро нормалари батафсил таҳлил қилинган. Бундан ташқари, унда коррупцияга қарши курашишнинг Европа Иттифоқи қонунчилиги ҳам таҳлил қилинмоқда. Хулоса қисмида муаллиф коррупцияга қарши курашишнинг халқаро нормаларини ривожлантириш воситалари ҳақида мулоҳаза юритган.

Олимхўжа НАБИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
Прокуратура органларида терговни
назорат қилиш бошқармаси бошлиғи

СУД-ХУҚУҚ ТИЗИМИ ИСЛОҲОТИ: АМАЛИЁТ ВА САМАРАДОРЛИК

Ўтган йиллар давомида барча соҳаларда бўлганидек, суд-ҳуқуқ тизимида ҳам туб ислохотлар амалга оширилди. Пировардида, фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, судлар мустақиллигини таъминлаш, улар фаолиятини босқичма-босқич демократлаштириш, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида қонун устуворлигини таъминлашга қаратилган қонунлар ҳаёта татбиқ этилди ва этилмоқда.

Мамлакатда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотлар олдимишга қўйилган демократик давлат қуриш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги муҳим омил ҳисобланади.

Президент Ислон Каримовнинг бевосита раҳбарлиги ва ташаббуси билан мана бир неча йилдирки, давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш ва либераллаштиришга, амалдаги қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган чоралар изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирганидан буён икки йилдан ортиқ вақт ўтди. Уни амалиётда қўллашнинг дастлабки натижалари давлатимиз раҳбарининг қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судларга ўтказилиши лозимлиги ҳақидаги фикрининг нақадар тўғрилигини тасдиқламоқда.

Хусусан, 2009 йилда прокурорлар томонидан судларга айбланувчилар ва гумон қилинувчиларга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш ҳақида 20919 та илтимоснома киритилган. Ушбу илтимосномаларнинг 20707 таси қаноатлантирилган, 219 таси эса рад этилган.

Судлар томонидан мазкур илтимосномаларни қаноатлантиришнинг рад этилиши, шунингдек, баъзи ҳолатларда судларнинг асоссиз ажримлари бекор қилиниши ҳоллари янги қонун нормалари самарадорлигининг тўғридан-тўғри далилидир. Бу ҳолатлар қандайдир фавқулодда ҳодиса сифатида эмас, балки ҳақиқий демократик давлатда мавжуд бўлиши керак бўлган оддий ҳол сифатида баҳоланиши лозим.

Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишнинг пировард мақсади ҳам шахснинг Конституциямишда белгиланган эркинлик ва дахлсизлик ҳуқуқла-

рини чеклаш борасида айнан холислик ва беғаразликни таъминлашдан иборатдир.

Шахсни қамоққа олиш масаласининг ҳал қилиниши уч босқичда амалга оширилади. Дастлаб прокурор терговчининг айбланувчини қамоққа олиш лозимлиги ҳақидаги фикрини қонунийлиги ва асослигини текшириб, унга қўшилган тақдирда судга тегишли илтимоснома киритади. Шу босқичнинг ўзидаёқ бир қатор шахсларга нисбатан озодликни чеклаш билан боғлиқ бўлмаган эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин.

Шундан сўнг суд илтимоснома билан тақдим қилинган материалларни шахсга нисбатан қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш учун асослар мавжуд ёки мавжуд эмаслигини аниқлаш мақсадида ўрганиб, прокурор илтимосномасини қаноатлантириш ёки уни рад этиш хусусида қарор қабул қилади.

Ўз навбатида, апелляция инстанцияси суди, апелляция шикоят ёки протест келтирилган тақдирда, суднинг қарорига тегишли баҳо беради ва уни ўз кучида қолдириш ёки бекор қилиш ҳақида қарор қабул қилади.

Бундай тизим шахсларни қонунга зид равишда қамоққа олиш ҳолларига барҳам берилишига, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларининг ҳақиқий таъминланишига олиб келади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги «Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони билан белгилаб берилган суд-ҳуқуқ ислохотларининг бугунги кундаги энг муҳим вазифаси фуқароларнинг юқори малакали юридик ёрдамга бўлган талабини қондириш учун зарур шарт-шароитларни яратишдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, фуқароларнинг мазкур конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш мақсадида мамлакатимизда қарийб 7 минг нафар адвокатни бирлаштирувчи мингга яқин адвокатлик бюrolари, адвокатлик ҳайъатлари ва фирмалари фаолият кўрсатмоқда.

Шу билан бирга, ишда гумон қилинувчи, айбланувчи ва судланувчининг ҳимоячиси сифатида ҳар қандай шахс, шу жумладан, юридик маълумотга ва юридик хизмат кўрсатиш учун лицензияга эга бўлмаган шахс ҳам иштирок этишига йўл қўйган меъёрнинг жинойт-процессуал қонунчилигида мавжудлиги фуқароларни малакали юридик ёрдам билан таъминлаш механизмидаги камчиликлардан бири эди.

Мазкур меъёр фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари рўёбга чиқарилишини ҳар доим ҳам таъминламас эди, адвокатуранинг айрим ҳолларда сохта юридик хизмат кўрсатувчи турли тузилмалар билан алмаштирилиши учун замин яратар эди. Бунинг устига ушбу ҳуқуқдан муқаддам адвокат бўлиб ишлаган, лекин ғайриҳуқуқий ёки ножўя хатти-ҳаракат содир этганлиги учун адвокатлик лицензиясидан маҳрум қилинган шахслар ўзларининг ғараз мақсадларида фойдаланар эдилар.

2008 йил 15 сентябрдаги Қонун билан Жиноят-процессуал кодексининг 49-моддасига киритилган ўзгартишлар жиноят процессида ҳимоячи сифатида фақат адвокат иштирок этиши, у билан бир қаторда эса бундай вазифани гумон қилинувчининг, айбланувчининг, судланувчининг яқин қариндошлари ёки қонуний вакиллари билан бири амалга ошириши мумкинлигини мустаҳкамлаб қўйди. Натижада фуқароларнинг малакали юридик ёрдам олишга бўлган конституциявий ҳуқуқлари кафолатининг мустаҳкамлиги таъминланди.

Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрдаги «Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни кучга кирган вақтдан бошлаб шахснинг ҳимоя ҳуқуқини кафолатлаш соҳасида муҳим ижобий ўзгаришлар юз берди.

Мазкур Қонун билан Жиноят, Жиноят-процессуал, Жиноят-ижроия, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига, шунингдек, «Адвокатура тўғрисида»ги ва «Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Хусусан, жиноят процессида ўз манфаатларини ҳимоя қиладиган шахслар ва уларнинг ҳимоячилари ҳуқуқлари сезиларли даражада кенгайтирилди.

Эндиликда ҳар бир гумон қилинувчи ва айбланувчи қонунчиликда муқаддам назарда тутилган ҳуқуқлари билан бир қаторда: ушлаб турилганлиги ёки қамоққа олинганлиги ва турган жойи тўғрисида адвокатга ёки яқин қариндошига телефон орқали кўнгироқ қилиш ёхуд хабар бериши; кўрсатувларидан жиноят ишига доир далиллар сифатида унинг ўзига қарши фойдаланилиши мумкинлиги ҳақида хабардор бўлиши; учрашувларнинг сони ва давом этиш вақти чекланмаган ҳолда ҳимоячиси билан холи учрашиши; жиноят иши материалларидан техника воситалари ёрдамида кўчирма нусхалар олиши мумкин.

Гувоҳга адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланиш ва ўзига қарши кўрсатув бермаслик ҳуқуқлари берилганлиги, шунингдек, жиноят процессига гувоҳ суриштирув, дастлабки тергов органига ёки судга чақирилган пайтдан эътиборан иштирок этишга ҳақли бўлган янги иштирокчи - гувоҳнинг адвокати киритилганлиги алоҳида эътиборга сазовор.

Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш учун маъмурий жавобгарликни белгиловчи 197¹-моддаси билан тўлдирилганлиги адвокатлик фаолиятининг яна бир кафолати бўлди.

Амнистия актларини қўллашнинг процессуал тарти-

бини белгилаш масаласига ҳам батафсил тўхталиш лозим.

Барчага маълумки, 2008 йилнинг 28 августида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан «Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилинганлигининг ўн етти йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида»ги Қарори эълон қилинди. Ушбу амнистия акти қабул қилиниши ва уни қўллаш тартиби ҳақидаги Низом тасдиқланиши билан республикамизда мазкур актни судга қадар иш юритиш ва суд қарорларини ижро этиш босқичларида татбиқ этиш масалаларини судлар ихтиёрига ўтказиш бўйича янги тартиб жорий қилинди.

Айтиш керакки, мазкур қарор эълон қилингунгача амнистия актлари судга қадар иш юритиш ва суд қарорларини ижро этиш босқичларида тегишли прокурорларнинг розилиги билан бевосита суриштирув ва дастлабки тергов органлари ҳамда жиноий жазоларни ижро этишга масъул бўлган органлар томонидан қўлланилар эди.

2008 йил 22 декабрда эса Ўзбекистон Республикасининг «Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонуни қабул қилинди.

Хусусан, Жиноят-процессуал кодекси суриштирувчи, терговчи томонидан материал ёки жиноят ишини прокурорга юбориш, прокурор томонидан судга амнистия акти асосида жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёки жиноят ишини тугатиш ҳақида илтимоснома қўзғатиш, материал, жиноят ишини судда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш тартибини белгиловчи боб билан тўлдирилди. Терговда текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида шахсни амнистия акти асосида жавобгарликдан озод қилиш учун қонуний асослар мавжуд бўлган тақдирда, суриштирувчи, терговчи материал ёки жиноят ишини мазкур шахснинг аризаси ва амнистия актига асосан жиноят ишини қўзғатишни рад қилиш ёхуд жиноят ишини тугатиш тўғрисида судга илтимоснома киритиш ҳақидаги тақдимнома билан прокурорга юборади.

Прокурор, ўз навбатида, суриштирувчи ёки терговчининг тақдимномасига рози бўлган тақдирда, материал, жиноят ишини тегишли илтимоснома билан судга ўтказди.

Мазкур илтимоснома жиноят содир қилинган ёхуд дастлабки тергов юритилаётган жойдаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг, округ, ҳудудий ҳарбий суднинг судьяси томонидан яқка тартибда, прокурорнинг иштирокида кўриб чиқилади. Бундан ташқари, суд мажлисида амнистия актини қўллаш тўғрисидаги масаласи қўйилаётган шахс, шунингдек, унинг қонуний вакили ва ҳимоячиси қатнашади.

Суд муҳокамаси натижалари бўйича ажрим чиқарилиб, унга манфаатдор шахслар томонидан шикоят, прокурор томонидан эса протест келтирилиши мумкин.

Шунингдек, ЖПКга жиноий жазони ўтаётган шахсларга нисбатан амнистия акти прокурорнинг илтимосномасига асосан маҳкумнинг жазони ўташ жойидаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан қўлланилиши тўғрисидаги меъёр киритилган. Бунда, Жиноят-ижроия кодексининг 166-моддасига киритилган қўшимчага мувофиқ, тегишли муассаса маъму-

рияги етарли асослар бўлган тақдирда, маҳкумга нисбатан амнистия актини қўллаш тўғрисидаги илтимосномани киритиш ҳақида прокурорга тақдимнома юбориши шарт.

Амнистия актини қўллаш масаласи судларнинг ваколатига киритилиши суд тизимини ислоҳ қилишнинг мантқий давоми бўлиб, шахсни жиноий жавобгарликдан озод этиш масаласини ҳал қилиш борасида одиллик, холислик ва беғаразлик принципларини таъминлашга ҳамда суд ҳокимиятининг нуфузини оширишга қаратилгандир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш ва либераллаштириш жараёнида 2008 йилнинг 22 сентябрида қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонун муҳим ўрин тутди.

Жумладан, Ушбу Қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддасига жиноят ишларининг терговга тегишлилиги қоидаларини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритилди.

Хусусан, прокуратура органларининг терговга тааллуқли, Жиноят кодексининг элликта моддасида назарда тутилган, фош этиш ҳамда тергов қилиш бевосита Ички ишлар органларининг профилактик ва тезкор-қидирув фаолияти билан боғлиқ жиноятлар бўйича ишлар ички ишлар вазирлиги органларининг терговга ўтказилди. Бу чора ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда суриштирув ва дастлабки тергов устидан назоратни кучайтиришга, шунингдек, прокуратура органларининг этиборини иқтисодий, мансабдорлик ва фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини поймол қилиш билан боғлиқ жиноятларни фош этиш ва тергов қилиш масалаларига қаратишга имкон яратади.

Жиноят-процессуал кодекси ва «Прокуратура тўғрисида»ги Қонунга киритилган ҳамда прокурорнинг жиноят ишларини ўтказиш борасидаги ваколатларини чеклашдан иборат яна битта ўзгартириш терговчининг процессуал мустақиллигини таъминлашга қаратилган.

Чунончи, прокурорнинг ваколатидан Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати органларининг ишни бир тергов тармоғидаги битта терговчидан бошқа терговчига ўтказиш ҳуқуқи чиқариб ташланди, терговга тегишлилигидан қатъи назар ишни бир тергов органидан бошқа тергов органига ўтказиш ваколати эса, қонунда назарда тутилган алоҳида ҳолларда фақат Бош прокурор ва унинг ўринбосарларида сақлаб қолинди. Жиноят ишларини бирлаштиришда терговга тегишлилигини аниқлаш масалаларида ҳам қатъий қоидалар ўрнатилди.

Шунингдек, мазкур Қонун билан Жиноят кодексига жиноятлар тўғрисидаги ариза, хабарлар ва бошқа маъ-

лумотларни қабул қилиш, рўйхатдан ўтказиш ёки кўриб чиқиш хизмат вазифаларига кирадиган мансабдор шахснинг жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириши учун жиноий жавобгарликни белгиловчи янги 241¹-модда киритилди.

Бу қўшимча содир этилган ёки тайёрланаётган жиноятлар ҳақидаги ариза, хабарлар ёки бошқа маълумотларни қабул қилишдан бош тортиш, уларни рўйхатдан ўтказмаслик ва кўриб чиқмаслик каби ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари томонидан ханузгача йўл қўйилаётган ҳолатларга қарши курашишга қаратилгандир.

Жиноятларни ҳисобдан яширишнинг асосий сабаблари жиноят ҳақидаги ариза ва хабарларни қабул қилиш ва рўйхатдан ўтказиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий актлар талабларини бузиш, тегишли ҳудудда жиноятчилик ва жиноятларни фош этиш даражасини сунъий равишда ижобий қилиб кўрсатишга интилишдан иборат.

2009 йилда жиноятларни ҳисобдан яшириш ҳолатлари сезиларли даражада камайиши билан бир қаторда, уларнинг аксарият қисмини ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил қилган.

Шу билан бирга, Жиноят кодексига жиноятни ҳисобга олишдан қасддан яшириш учун жавобгарликка оид махсус меъёрнинг мавжуд бўлмаганлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг мансабдор шахслари бундай қилмишлари учун Жиноят кодексининг ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ваколат доирасидан четга чиқиш, мансабга совуққонлик билан қараш, ҳокимият ҳаракатсизлиги каби моддалари бўйича жавобгарликка тортилишига олиб келган. Бу эса жиноятларни яширишни (масалан, унча оғир бўлмаган жиноятларни) ҳар доим ҳам жиноий қилмиш тарикасида баҳолашга тўсқинлик қилар эди.

Жиноят кодексига мазкур норманинг киритилиши, шубҳасиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг фаолиятидаги жиноятларни ҳисобга олишдан қасддан яшириш ва бунинг оқибатида жабрланувчилар ва бошқа фуқароларнинг жиноий қилмишларни объектив тергов қилишга бўлган ҳуқуқларини поймол қилиш ҳолларига барҳам берилишига, шунингдек, бу қилмишларни содир этган шахсларга нисбатан жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга қўмаклашади.

Ўзбекистон Республикасида суд-ҳуқуқ тизими ҳамда халқнинг фаровонлигида муҳим ўрин тутувчи ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар ҳаётнинг барча соҳаларида давлатимиз босқичма-босқич изчил ривожланиш давридан ўтаётганлигидан далолат беради. Мунтазам равишда янги қонунларнинг қабул қилиниши ва амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши эса давр талабидир.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена реформам судебной-правовой системы нашей страны. В ней освещается ход судебной-правовых реформ, их эффективность, а так же осуществляется подробный обзор роли прокуратуры в сфере реформирования судебной-правовой системы Республики Узбекистан. Кроме того, проводится научно-правовой анализ нормативно-правовых актов. В заключении автор приходит к выводу, что реформы проводимые в нашей стране являются успешными и отвечают интересам человека, общества и государства.

Тимур САИТБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси бошлиғи в.б.
юридик фанлар доктори
Даврон МИРАЗОВ,
Жинойат процесси кафедраси бошлиғи,
юридик фанлар номзоди, доцент

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ УЧУН МУТАХАССИС КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси мамлакатимизда ички ишлар органлари учун юқори малакали мутахассислар тайёрланадиган етакчи олий таълим муассасаларидан бири бўлиши билан бирга, жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилишга доир долзарб муаммолар бўйича фундаментал тадқиқотлар амалга ошириладиган йирик илмий марказ ҳамдир. У мамлакатимиз Президенти И. Каримов ташаббуси билан 1994 йил 2 сентябрда ташкил этилган.

Академия жамоаси бугунги кунда таълим жараёнида тўпланган бой тажриба асосида, ички ишлар органлари учун кадрлар ўзаги бўлмиш сержантларни, “Жиноятларнинг олдини олиш фаолияти”, “Тезкор қидирув фаолияти”, “Тергов фаолияти”, “Эксперт-криминалистик фаолият” мутахассисликлари бўйича олий юридик маълумотга эга мутахассис-офицерларни, шунингдек, “Ички ишлар органларида бошқарувни ташкил этиш” мутахассислиги бўйича ички ишлар органлари учун раҳбар кадрларни тайёрламоқда. Малака ошириш факультети негизда ички ишлар органлари ходимларининг касбий билимларини чуқурлаштириш ва янгилаш жараёнини узлуксиз ташкил этиш ва амалга ошириш таълим муассасасининг алоҳида йўналиши ҳисобланади.

Академия ташкил этилган пайтдан бошлаб шу кунга қадар 11 мингдан ортиқ олий юридик маълумотли мутахассислар тайёрланган, ички ишлар органларининг 400га яқин раҳбар ходимлари Олий академик курсларда таълим олишган, Академиянинг Сержантлар таркибини тайёрлаш бўйича олий курсларида 4,5 мингдан ортиқ курсантлар ҳар томонлама касбий тайёргарлик ўтаганлар. 16,5 мингдан ортиқ ички ишлар органлари ходимларининг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш ишлари амалга оширилган.

Таъкидлаш жоизки, Академияда кадрлар тайёрлаш давлат таълим стандартлари ва намунавий ўқув режалари асосида энг замонавий педагогик ва ахборот технологиялари, илғор тажрибалар самарали қўлланган ҳолда амалга оширилмоқда.

Академияда таълим ва тарбия вазифаларининг муваффақиятли ҳал этилишига профессор-ўқитувчилар таркиби томонидан таълимнинг ўқув жараёнини жадаллашти-

рувчи инновацион-ахборот методларидан кенг фойдаланилаётгани ижобий таъсир қилмоқда. Ушбу фаолиятнинг методик таъминланишида, шубҳасиз, Академиянинг инновацион педагогик технологиялар маркази асосий ўрин эгаллайди.

Бугунги кунда ўқув жараёнига инновацион педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилишдан кўзланган бош мақсад Академиянинг барча ўқув-методик ва илмий-методик манбаларини бирлаштирувчи ягона ахборот-таълим муҳитини яратишдир. Шу мақсадда олий ўқув юртлари таркибий тузилмаларининг таълимга оид манбаларини бирлаштириш, улардан тингловчилар ва профессор-ўқитувчилар таркиби фойдалана олишларига имкон берадиган локал компьютер тармоғи яратилди ҳамда фаолият кўрсатмоқда. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ўқув дастурлари, методик материаллар, маърузалар жамланмаси, электрон ва интерфасол дарсликлар, қўлланмалар, мультимедиа иловалари ва тақдимотларини қамраб олган электрон кутубхонага эга бўлган Академия ахборот портали ташкил қилинди.

юстиции Республики Узбекистан образовано Управление по правовой защите иностранных инвестиций и предприятий с иностранными инвестициями, а в Министерстве юстиции Республики Каракалпакстан, управлениях юстиции областей и г.Ташкента соответствующие отделы.

В связи с вышеуказанным решением Правительства, органами юстиции на регулярной основе производится изучение обоснованности привлечения иностранных инвесторов и предприятий с иностранными инвестициями к ответственности путем

ознакомления с необходимыми документами, в том числе материалами уголовных, гражданских, хозяйственных и административных дел, руководителям соответствующих органов вносятся представления об устранении выявленных нарушений законодательства.

Необходимо отметить, что наличие действенного механизма по предоставлению льгот и преференций для иностранных инвесторов, а также их правовая защита являются залогом успешного развития предпринимательской деятельности и в целом экономики нашей страны.



АННОТАЦИЯ

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишга бағишланган. Мақоланинг кириш қисмида инвестиция фаолиятининг мамлакат иқтисодиёти учун зарурати қисқача таҳлил қилинган. Асосий қисмда эса муаллиф Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, ушбу фаолиятга оид назарий асосларнинг ва мамлакатимизда ҳозирги кунда мавжуд аҳволнинг батафсил илмий-ҳуқуқий таҳлилин амалга оширган. Хулоса қисмида муаллиф Ўзбекистон Республикасида инвестиция фаолиятини ҳуқуқий тартибга солиш соҳасини янада ривожлантиришга оид махсус механизм ва воситалар ҳақида мулоҳазалар юритган.

¹ <http://www.press.uz/article.php?&&article=3290>

² Там же.

³ Конституция Республики Узбекистан. – Т.: Узбекистан, 2007 г.

³ (а). Гражданский Кодекс Республики Узбекистан (с изм. и доп. на 1 мая 2007 года). –Т.: «Адолат», 2007.

³ (б). Налоговый Кодекс Республики Узбекистан от 25 декабря 2007 г. ЗРУ-136-Собрание законодательство Республики, 2007 г., № 52 (III).

³ (в). Таможенный Кодекс Республики Узбекистан от 26 декабря 1997 г. № 548-І. // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан, 1998 г., № 2, стр. 36.

⁴ Закон Республики Узбекистан от 30 апреля 1998г. «Об иностранных инвестициях». // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. - 1998. №5-6. ст. 91.

⁵ Закон Республики Узбекистан от 30 апреля 1998 г. «О гарантиях и мерах защиты прав иностранных инвесторов». // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. - 1998. №5-6. ст. 93.

⁶ Закон Республики Узбекистан от 24 декабря 1998 г. «Об инвестиционной деятельности». // Ведомости Олий Мажлиса Республики Узбекистан. – 1999 г. № 1. – стр. 10.

⁷ Закон Республики Узбекистан от 31 окт. 1990 г. «О собственности» (с изменениями, внесенными Законами Республики Узбекистан от 7.05.93 г., 23.09.94 г., 6.05.95 г., 27.12.96 г.). // Ведомости Верховного Совета Республики Узбекистан. - 1990. №31-33. ст. 371.

⁸ ИПС № 02 МА. Законодательства Республики Узбекистан. Версия от 20 августа 2009 г.

⁹ Закон Республики Узбекистан от 27.12.1996 г. N 355-І «О конкуренции и ограничении монополистической деятельности на товарных рынках». (В настоящий Закон внесены изменения в соответствии с Законом РУз от 20.08.1999 г N 832-1). <http://www.akt.uz> - Там же.

¹⁰ Закон Республики Узбекистан от 29 августа 1997 г. «О таможенном тарифе» - Там же.

¹¹ Новая редакция утверждена Законом РУз от 26.05.2000 г. № 77-ІІ. // ИПС «Норма». Версия от 17.11.2005г.

¹² В рамках проводимых мер по либерализации валютного рынка на тринадцатой сессии Олий Мажлиса второго созыва 11 декабря 2003г. была принята новая редакция Закона Республики Узбекистан «О валютном регулировании».

¹³ Экспортный контроль представляет собой комплекс мер, направленных на обеспечение установленного законодательством об экспортном контроле порядка вывоза с территории Республики Узбекистан объектов экспортного контроля юридическими и физическими лицами. Ст. 3 Закона РУз «Об экспортном контроле».

¹⁴ См. подробнее: Собрание законодательства Республики Узбекистан. – 2004 г. – № 37. – С. 406.

¹⁵ Постановлением с 1 июля 2000 г. был введен механизм продажи иностранной валюты на внебиржевом валютном рынке.

¹⁶ Постановление предоставило уполномоченным банкам, имеющим достаточные ресурсы, право на осуществление операций по покупке и продаже наличной иностранной валюты на территории республики через свои специализированные обменные пункты.

¹⁷ В соответствии с Постановлением с 1 июля 2001 г. Приняты решения: о создании Консолидированного стабилизационного фонда в свободно конвертируемой валюте; об освобождении микрофирм, малых и средних предприятий от обязательной продажи валютной выручки, поступающей от экспорта товаров (работ, услуг) собственного производства.

¹⁸ В соответствии с этим постановлением с 1 августа 2001 г. упразднен действующий механизм предоставления предприятиям и организациям, импортирующим товары народного потребления, лицензий Центрального банка Республики Узбекистан на приоритетное право конвертации сумов в свободно конвертируемую валюту

¹⁹ В соответствии с этим постановлением, с 1 ноября 2001 г. все операции по покупке и продаже иностранной валюты, бухгалтерский учет и статистическая отчетность по текущим валютным операциям, а также исчисление таможенных платежей и других обязательных платежей на территории республики были переведены на курс внебиржевого рынка, регулируемого с учетом инфляции и общего объема денег в обращении.

²⁰ См. подробнее: Хамдамов М.М. Правовое регулирование генезис валютных отношений в Республике Узбекистан // Обзор законодательства Узбекистана. – 2004. – №4 – С.66 – 73.

²¹ Собрание Законодательства Республики Узбекистан, 2004 г., № 6, ст. 65 – Там же. 2008 г., № 12, ст.684

Абдурашид МАННАНОВ,
Бош прокуратуранинг Олий ўқув курслари
бошлиғи ўринбосари, 3-даражали давлат адлия маслаҳатчиси

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИДА ЖОРИЙ ҚИЛИНИШИ

Ўзбекистон Республикасида мустақиллик йилларида босқичма-босқич, кенг кўламда амалга оширилган иқтисодий ислохотлар, иқтисодий-ижтимоий сиёсат алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида ҳам ўзининг ижобий натижаларини бериб келмоқда.

Ортимизда ушбу тизимни кенг кўламда ривожлантиришга қаратилган қонунчилик асослари яратилди. Мазкур тизимга оид 10 дан ортиқ қонун ҳамда Ўзбекистон Президенти ва Ҳукуматининг 40 дан ортиқ фармон ва қарорлари қабул қилинган. Шунингдек, кейинги беш йил ичида 300 дан ортиқ қонуности ҳужжатлари яратилиб, 150 дан ортиқ ҳужжатнинг замон талаблари ва технологияларнинг ривожланишига мос келиши кўриб чиқилган. Мазкур йўналишдаги фаолият давом этмоқда.

Ортбошимизнинг «Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни янада тараққий эттириш ҳақида»ги (2002 йил 30 май) Фармонида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларининг замонавий тизимларини ривожлантириш ҳамда жорий этишга доир устувор вазифалар аниқ кўрсатилган.

Мазкур соҳа такомиллашувини тартибга солувчи Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари орасида энг биринчилар қаторида 1992 йилнинг 13 январь куни қабул қилинган «Алоқа тўғрисида»ги Қонун туради.

Шунингдек, 1999 йилнинг 20 августида «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги, 2003 йилнинг 11 декабрида «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги ва «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги, 2004 йилнинг 29 апрелида «Электрон ҳужжат алмашинуви тўғрисида»ги ва «Электрон тижорат тўғрисида»ги Қонунларнинг қабул қилиниши мамлакатда ахборот технологиялари институтининг янада жадал суратлар билан ривожланишига олиб келмоқда.

Бундан ташқари, 2007 йилнинг 12 июлида «Ўзбекистон Республикаси телекоммуникациялар тармоқларида тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш самарадорлигини ошириш мақсадида айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва шу йилнинг 18 декабрида «Ўзбекистон Республикасининг почта тўловлари хизматлари тўғрисида»ги битимга (Бухарест, 2004 йил 5 октябрь) қўшилиш ҳақида»ги, 25 декабрда «Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасидаги қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарликнинг кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим Қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонунларнинг ҳамда Ўзбекис-

тон Республикаси Президентининг 2007 йил 23 январда «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси телекоммуникация тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш тўғрисида»ги Қарорининг қабул қилиниши мамлакат миқёсида ахборот технологияларини модернизация қилиш ва такомиллаштириш тизими янги босқичга ўтганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Президентининг 2002 йил 30 майдаги «Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилишни янада тараққий эттириш ҳақида»ги Фармонидан келиб чиқувчи асосий вазифаларни кўриб чиқайлик.

Улар, биринчидан, компьютер ва ахборот технологияларини иқтисодиётнинг аниқ тармоқларига, бошқарув, бизнес, фан ва таълим соҳасига кенг жорий қилиш, аҳоли турли қатламларининг замонавий компьютер ва ахборот тизимларига бемалол кириши учун шарт-шароит яратишга; иккинчидан, мактаблар, касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар ва олий ўқув юртлирида замонавий компьютер ва ахборот технологияларини эгаллаш, улардан изчил фойдаланишга асосланган ўқитишнинг илғор тизимларини жорий этишга;

учинчидан, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси, жумладан, дастурий воситалар, маълумотларнинг ахборот базаларини яратиш бўйича юқори малакали кадрлар тайёрлашни ташкил қилиш, республика, соҳа ва маҳаллий ахборот-коммуникация тармоқларини шакллантириш, компьютер ва телекоммуникация техникасини ишлаб чиқишга;

тўртинчидан, миллий ва халқаро ахборот тармоқларига юқори тезликда уланишни жорий этиш, уларга аҳоли пунктлари, қишлоқ жойларини ҳам улашни таъминлашга қаратилганлигини эътироф этиб ўтиш мумкин.

Ортбошимизнинг Фармонида биноан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошида компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш тузилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг бош директори Кенгаш раиси этиб тайинланди.

Бугунги кунда халқаро ахборот таҳдидининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш, уларнинг салбий оқибатлари олдини олиш учун, энг аввало, мазкур соҳага оид халқаро-ҳуқуқий нормаларни ҳамда амалдаги қонунларни би-лиш талаб этилади.

Масаланинг ечими, биринчидан, халқаро ахборот хавфсизлигининг асосий муаммоси сифатида ахборот-ком-

муникация технологиялари (АКТ) дан халқаро барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг асосий вазифаларига зид мақсадларда фойдаланиш имкони мавжудлиги;

иккинчидан, бу борада асосий таҳдид душманлик руҳида, давлат даражасида ахборот-коммуникация технологияларидан сиёсий, ҳарбий мақсадларда фойдаланиш, кибермуҳитдаги жиноий ва террорчилик фаолияти ҳамда бошқа муаммолар билан боғлиқдир.

Миллий ва халқаро хавфсизликни таъминламасдан, халқаро инфор­мацион хавфсизликни мустаҳкамламасдан ҳамда АКТдан ёвуз мақсадларда фойдаланиш хавфини камай­тирмасдан туриб, юқорида санаб ўтилган долзарб вазифаларни амалга оширишда бир қатор қийинчиликлар мавжудлигига эътибор қаратилди.

Бу борада БМТ Бош қотибининг 2001 йил 3 октябрдаги маърузасида инфор­мацион муҳитда шахс, жамият ва давлатга таҳдид солувчи 6 та асосий хавф-хатар таъкидлаб ўтилган:

— биринчидан, бошқа давлатнинг инфор­мацион муҳитига рухсатсиз кириш воситасини ишлаб чиқиш ва ундан фойдаланиш;

— иккинчидан, ўзгаларнинг маълумотидан ноқонуний фойдаланиш ва уларга зиён етказиш;

— учинчидан, бошқа давлат аҳоли­сига режалаштирилган инфор­мацион таъсир кўрсатиш;

— тўртинчидан, инфор­мацион муҳитда устун вазиятга эга бўлишга ҳаракат қилиш;

— бешинчидан, терроризмни қўллаб-қувватлаш;

— олтинчидан, инфор­мацион урушлар олиб бориш.

Шунингдек, Бош Ассамблеянинг 2001 йил 29 ноябрдаги 56-сессиясида қабул қилиниб, унинг резолюциясида белгиланган қарори асосида 2004 йилда халқаро инфор­мацион хавфсизлик муаммосини ўрганувчи ҳуку­мат экспертлари таркибида махсус гуруҳ ташкил этилган бўлиб, бу гуруҳ инфор­мацион хавфсизлик соҳасидаги таҳдидларни кўриб чиқиш ва уларнинг олдини олишга қаратилган фаолият олиб бориши белгиланган бўлиб қўйилган.

Катта саккизлик таркибига кирувчи давлатлар раҳбарлари томонидан 2000 йил 22 июлда имзоланган «Окинава глобал ахборот жамияти Хартияси» (Okinawa Charter on Global Information Society) ҳам дунё ҳамжа­мияти хавфсиз ва жиноятдан ҳоли бўлган кибермуҳит яратишда ҳам­жиҳатликда ҳаракат қилишини назарда тутувчи халқаро ҳужжат ҳисобланади.

«Кибер­жиноятчилик тўғрисида»ги Европа Кенгаши Конвенцияси (Convention on cybercrime), «Ахборот жамияти қуриш принцип­лари ҳақида» декларация Европа Кенгашига аъзо давлатлар томонидан 2001 йил 23 ноябрда имзоланиб, компьютер ахборотлари ва тизимлари билан боғлиқ жиноий ҳуқуқбузарликни таъқиб қилишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган ва у 2004 йил 1 июлдан кучга киритилган.

Мамлакатимизда ахборот технологиялари билан боғлиқ жиноятлар ва маъмурий жавобгарлик масалалари қайта кўриб чиқилиб, 2007 йил 25 декабрь куни Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс­ларга қўшимча ва ўзгартишлар киритилди.

МЖТКнинг янги таҳрирдаги 155-1-моддада компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг ушбу тизимдан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиши компьютер ахборотининг йўқ қилиб юборилишига,

тўсиб қўйилишига, модификациялаштирилишига, компю­тер ускунаси ишлашининг бузилишига сабаб бўлгани учун жавобгарлик белгиланган.

Демак, ахборотларни ҳимоялаш мақса­дида қуйидагиларга алоҳида эътибор берилиши шарт:

— энг аввало, ҳар қандай ахборотнинг келишувсиз чиқиб кетиши, ўғирланиши, йўқотилиши, ўзгартирилиши, сох­талаштирилиши, нусха кўчирилиши, тўсиқлаш бўйича рух­сат этилмаган ҳаракатларнинг олдини олиш;

— иккинчидан, ахборот тизимида мавжуд бўлган шах­сий маълумотларнинг махфийлигини ва конфиденциалли­гини сақловчи фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари­ни ҳимоялаш ҳамда шахс, жамият, давлат хавфсизлигига бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш;

— учинчидан, давлат сирини, қонунчиликка мос ҳуж­жатлаштирилган ахборотнинг конфиденциаллигини сақ­лаш, ахборот захираси ва ахборот тизимига ҳар қандай ноқонуний аралашувларга йўл қўймаслик орқали бу каби жиноят турларининг олдини олиш муаммолари бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан ҳисобланади.

Компю­терлаштириш ва ахборот-коммуникация техно­логияларини прокуратура органлари фаолиятида жорий қилиш катта аҳамият касб этади. Табиийки, ахборот техно­логиялари жамият инфор­мацион ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг энг муҳим усулларидан бўлиб келмоқда. Модомики шундай экан, инфор­мацион муҳитга шахсий компю­терларнинг жорий қилиниши, коммуникация воситаларининг қўлланилиши ахборот технологияси тараққи­ётида янги босқич ҳисобланади. Зеро шундай экан, юксалаётган жамиятни инфор­мацион технология билан бошқариш учун прокуратура тизимида янги­дан-янги мутахас­сис кадрлар тайёрлашни ҳам ҳаётни ўзи тақозо этмоқда.

«Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисидаги Қонун»нинг қабул қилиниб, ҳаётга татбиқ этилиши, прокуратура ходимларини ўқитишнинг замонавий усулларини жорий этиш­ни талаб этмоқда. Ана шундай янгиликлардан бири, бу прокуратура органлари тизимидаги ходимларни ўқитиш­ни ташкил этишда масофавий ўқитиш услубидан фойда­ланишдир.

Масофавий ўқитиш усули бу – тингловчиларни ўқитишни замонавий компю­тер ва коммуникация алоқа воситалари­дан фойдаланган ҳолда масофадан туриб мулоқотга киришидир. Бунда маърузачи ва тингловчилар жисмонан бир-бирларидан узоқда бўлсада, улар ўртасидаги масо­фа унчалик аҳамият касб этмайди. Энг муҳими, улар элек­трон коммуникация воситалари орқали ўзаро мулоқотда бўлишлари лозим. Ҳозирда масофавий алоқанинг видео­конференция, радиоконференция, телетайп ва бошқа усул­лари мавжуд.

Бу борада, «Ўзбекистон Республикаси Бош проку­рату­рининг 2007 йил 26 ноябридаги 71-сонли буйруғи билан тасдиқланган Олий ўқув курслари тўғрисида»ги Ни­зомда белгиланган асосий вазифалар ва фаолият йўна­лишлари эътиборга моликдир.

Масофавий ўқитишни режалаштиришда низомнинг қуйи­даги талабларидан келиб чиқиш лозим:

— юридик фани, прокурор-тергов амалиёти, меҳнат ва бошқаруви илмий ташкил этилишининг энг илғор ютуқ­ларини ўргатиш мақса­дида прокуратура органлари раҳ­бар кадрларини қайта тайёрлаш ва ходимлар малака-

сини оширишга;

— тингловчиларнинг назарий билимлари ва амалий кўникмаларини мунтазам равишда ошириш, ишчанлик ва профессионал фазилатларини камол топтиришга;

— ахборот-таҳлилий ишнинг кўникмаларини ривожлантириш, Ўзбекистон Республикасининг ташқи ва ички сиёсатининг асосий йўналишлари ҳақидаги билимларни чуқурлаштиришга;

— профессионал вазифаларни бажаришда замонавий компьютер технологиялари, глобал ахборот тармоқлари ресурслари имкониятларидан фойдаланиш бора-сидаги билимларни чуқурлаштириш ва амалий кўникмаларини такомиллаштиришга;

— тингловчиларнинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ва қонунийликни мустаҳкамлаш соҳасидаги ҳуқуқий билимларини оширишга;

— тингловчиларнинг ташкилотчилик қобилияти ва раҳбарлик маҳоратини мукаммаллаштиришга;

— тингловчиларни ватанпарварлик, Она юртга ва хизмат бурчига содиқлик руҳида тарбиялаш, уларда маънавий фазилатларни ва иродалиликни шакллантиришга;

— вилоятлар, туманлар прокурорлари ва уларга тенглаштирилган прокурорларга прокуратура органлари ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўқув методик ишларни ташкил қилишда ёрдам кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Бизнинг фикримизча, бундай усулда ўқитишнинг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

Масофавий ўқитиш услуби сиртки ўқитишнинг янгича бир шакли бўлиб, бунда ўқитиш тингловчиларни ўзи фаолият юритаётган муҳитдан ажратмаган ҳолда олиб борилади. Бу эса ўз навбатида вақт, моддий ресурсларни тежамкорлигига олиб келади;

Масофадан ўқитиш даврида жойлардаги тингловчилар юклатилган вазифаларни Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчиларининг масофавий назорати остида ўзлаштирадilar. Ўқув дастурида режалаштирилган юктамаларни ўзлаштириш эса маъруза ҳамда амалий машғулотлардан келиб чиққан ҳолда берилган топшириқларни, амалий машғулотларни ўз вақтида ва сифатли бажаришларига қараб аниқланиши кўзда тутилади.

Масофадан ўқитиш ташкилий, иқтисодий афзалликларга ҳам эга бўлиб, бунда молиявий ҳаражатлар асосан ўқув-услубий материалларни тайёрлаш ва махсус аудиторияларни жиҳозлаш учун сарфланади. Ўқув-услубий материалларнинг сифатига масофадан ўқитишнинг энг асосий омилларидан бири сифатида қаралади. Чунки ўқув-услубий материаллар қанчалик тушунарли, батафсил ва пухта тайёрланган бўлса, у тингловчиларга шунчалик фойдали бўлади.

Бундан ташқари, замонавий ахборот технологияларидан самарали фойдаланган ҳолда ўқув-услубий материалларнинг электрон вариантларини ишлаб чиқиб жойларга юбориш.

Масофавий ўқитиш замонавий таълим бериш комплексини ўз ичига олади ва янги технологиялар хизматидан кенг фойдаланишни назарда тутадиган ўқитишнинг замонавий модели ҳисобланади. Масофавий ўқитиш аудиториядан ташқарида ҳозирги замон ахборот ва коммуникация технологиялари асосида, жойлардаги прокуратура ходимлари (тингловчилар) билан Олий ўқув курсларининг профессор-ўқитувчилари ҳамда соҳанинг етук мутахассислари ўртасидаги жонли ўқитиш (дарс) жараёнини ташкил этиш орқали амалга оширилиб, бундай усулда ўқитиш, тингловчилардан ўз устиларида мунтазам ва мустақил ишлашни ҳам талаб этади.

Ҳозирги кунда илмий-техник тараққиёт жадал силжиб, янгидан-янги технологиялар жорий қилинаётганлиги ҳеч кимга сир эмас. Шу ўринда, прокуратура тизимида фаолият кўрсатаётган ходимларни ва айниқса, ёш мутахассисларни масофавий ўқитишни замонавий технология имкониятларидан фойдаланиб амалга ошириш бугунги куннинг долзарб масаласига айланмоқда.

Умуман олганда, масофавий ўқитишни ташкил этиш қуйидагича амалга оширилиши мумкин:

— қўйилган мақсад бўйича ўқишни режалаштириб бориш;

— ходимларнинг (тингловчиларнинг) иш фаолияти билан боғлиқ муаммоларни таҳлил асосида режалаштириш;

— ўқув-услубий материаллар билан тингловчиларни етарли таъминлаш;

— тингловчиларнинг Олий ўқув курслари билан самарали алоқа ўрнатишларини ташкил қилиш;

— билим олиш мониторинги ва ўзлаштириш натижаларини баҳолаш тизимини тайёрлаш.

Бундан ташқари, масофавий ўқитиш анъанавий ўқитишдан ўзига хос афзалликларга эга бўлиб, улар қуйидагилардан иборат:

— мустақил ўқиш орқали, энг аввало, замон талабига мос билимларга эга бўлиш, эркин фикрлаш, ҳолатни тўғри баҳолаш, ҳулоса ва воқеаларни олдиндан кўра билиш қобилиятларини ривожлантириш;

— ўқиш даврида материалларни ўқитувчи назоратида ўзлаштириб бориш.

Масофавий ўқитиш иқтисодий жиҳатдан ҳам қулай афзалликларга эга бўлиб, ўқитишни ташкил этишда ортикча ҳаражатларга йўл қўйилмайди.

Юқорида қайд этилганларга кўра Олий ўқув курслари томонидан жойлардаги прокуратура органларига ўқитиш режалари ва дастурларини тайёрлашда ўқув-методик ва амалий ёрдам кўрсатмоқда.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросу внедрения информационно-коммуникационных технологий в деятельность органов прокуратуры. В данной статье наблюдается анализ внедрения информационно-коммуникационных технологий в стране в целом, и в органах прокуратуры в частности, международных и национальных нормативно-правовых актов в данной сфере. Следовательно, в ней затрагиваются проблемы, связанные с осуществлением дистанционного обучения. Кроме того, освещается положительная зарубежная практика. В заключении автор выдвигает конкретные предложения по внедрению дистанционного обучения.

Ботир КАЛОНОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг
Олий ўқув курслари катта ўқитувчиси,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист,
юридик фанлар номзоди

ЎЗБЕКИСТОНДА СУВ РЕСУРСЛАРИНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ

Табиат бойликлари орасида сув алоҳида ўрин тутди. Чунки барча тирик жонзотлар ҳаётининг асосий манбаи сувдир. Ота-боболаримиз сувни тоза сақлашга, ундан оқилона фойдаланишга алоҳида эътибор берганлар. Ҳаёт давом этиши учун сувни муҳофаза қилишимиз лозим.

Абу Али ибн Сино «Тиб қонунлари» китобининг биринчи жилдида «Сувнинг сифати» ҳақида кўпгина маълумотлар келтирган, сувнинг инсон ҳаёти учун зарур элементлардан бири эканлиги, сувнинг хусусиятларини яхшилайдиган бир неча усулларни баён қилган. Сувни тоза сақлаш, уни қайнатиб ичиш кераклигини одамларга ўқтирган.

Ҳар доим одамларни сув билан таъминлаш масаласи муаммо бўлиб келган. Ҳаттоки, ҳозирги пайтда ҳам Греция, Голландия, Германия, Швейцария, АҚШ ва бошқа кўплаб мамлакатларда ичимлик суви билан таъминлаш бош масаладир.

Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг 3-моддасига асосан, «Сув Ўзбекистон Республикасининг давлат мулки - умуммиллий бойлик ҳисобланади, сувдан оқилона фойдаланиш лозим бўлиб, у давлат томонидан қўриқланади.»

Ушбу қонунга асосан, Ўзбекистон Республикасининг ягона давлат сув фонди:

дарёлар, кўллар, сув омборлари, бошқа ер усти сув хавзалари ва сув манбалари, канал ва ҳовузларнинг сувларидан;

ер ости сувлари ва музликлардан иборатдир.

Давлатлараро дарёлар – Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилади. Сув ресурсларини ҳуқуқий экологик жиҳатдан муҳофаза қилиш Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг XXIV боби, 97-102 моддаларида кўрсатилган.

Мустақил республикамизда сувни муҳофаза қилиш вазифалари шундан иборатки, "Ҳамма сувлар (сув объектлари) аҳоли соғлиғига зарар етказиши, шунингдек, балиқ захираларининг камайиши, сув таъминоти шароитининг ёмонлашиши ҳамда сувнинг физикавий, кимёвий ва биологик хоссалари пасайиши, сувнинг табиий тозаланиш хусусияти камайиши, сувнинг гидрологик ва гидрогеологик режимининг бузилиши натижасида келиб чиқадиган

бошқа кўнгилсиз ҳодисаларга олиб келиши ҳолларидан муҳофаза қилиниши керак".

Шуниси эътиборлики, сув тўғрисидаги ушбу қонунда, сувни муҳофаза қилишни, шунингдек, унинг ҳолати ва режимини яхшилашни таъминловчи тадбирларни амалга ошириш фаолияти сувларнинг ҳолатига таъсир этувчи корхоналар, ташкилот ва муассасалар, маҳаллий ҳокимият органлари, табиатни муҳофаза қилиш, сув ҳўжалиги, санитария назорати органлари ҳамда бошқа манфатдор идоралар билан келишилган ҳолда технология, ўрмон мелиорация ва агротехника, гидротехника, санитария-техника тадбирларини ўтказишлари шарт, - деб кўрсатилган.

Мазкур қонуннинг 101-моддасида, ер ости сувларини муҳофаза қилиш тартиби ифодаланган.

Ер ости сувларини чиқариш ва ундан фойдаланиш билан шуғулланувчи идоралар сув чиқарилаётган участка ва унга туташ ҳудудларда ер ости сувларига доир режимларга риоя этилишини кузатиб боришлари, шунингдек, фойдаланилаётган сувнинг миқдори ва сифатининг ҳисобини юритишлари шарт. Ҳар қандай сув манбаи, айниқса очик сув хавзалари ташқи муҳит билан боғланганлиги ва сув сифатига сув оқими ҳосил бўлиши шароитлари, табиий ҳодисалар, саноат ва коммунал қурилишлар, аҳолининг ҳўжаликдаги ва турмушдаги фаолияти таъсир қилишини ҳисобга олиб, водопровод қурилишида, албатта, санитария зонаси ташкил этиш керак.

Мавжуд қонунчиликка асосан водопроводи бор ташкилотлар барча водопроводлар учун санитария муҳофазаси зонаси ташкил қилишлари керак.

Оби-ҳаётдан фойдаланишдаги масъулиятсизлик ёмон оқибатларга олиб келишини Ўрта Осиёда ташкил топган мустақил давлатлар ҳамда Қозоғистон Республикаси Мелиорация ва сув ҳўжалиги хизмати раҳбарлари обдон мулоҳаза қилиб кўрдилар.

1992 йилнинг 18 февралда Қозоғистон Республикаси пойтахти Алмати шаҳрида минтақадаги давлатлараро сув захираларини биргаликда бошқариш ва муҳофаза қилиш юзасидан аҳдлашувга келишилди. Аҳднома ҳужжатини Ўрта Осиё республикалари ҳамда Қозоғистон Республикаси Мелиорация ва сув ҳўжалиги вазирлари имзоладилар. Ҳужжатда сув манбаларидан оқилона фойдаланишга, сув захираларини муҳофаза этишда минтақадаги барча давлатлар тенг ҳуқуқ ва масъулиятга эга

эканлиги кўзда тутилди. Ҳар бир республика ўз ҳудудида ахдномага асосан амал қилиш мажбуриятини олди.

1993 йил 6 майда Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, у сув ва сувдан фойдаланишга доир муносабатларни тартибга солиш, аҳоли ва халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сувдан оқилона фойдаланиш, сувни ифлосланиш ва камайиб кетишдан сақлаш, сувнинг зарарли таъсири олдини олиш ва уни бартараф қилишдан, сув объекларининг ҳолатини яхшилаш, шунингдек, сувга доир муносабатлар соҳасида корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, деҳқон хўжаликлари ва фуқароларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдан иборат бўлди. Мазкур қонунда биринчи марта ягона давлат сув фонди масаласи кўрсатиб берилди.

Давлатлараро дарёлар - Амударё, Сирдарё, Зарафшон дарёси, Орол денгизи ва бошқа сувлардан фойдаланиш ҳуқуқи давлатлараро битимларда белгилаб берилди.

Орол муаммоси инсоният тарихидаги энг йирик экологик ва гуманитар фожиалардан биридир. Денгиз ҳавзасида яшайдиган қарийб 35 миллион киши унинг таъсирида қолди.

Биз 20-25 йил мобайнида жаҳондаги энг йирик ёпик сув ҳавзаларидан бирининг йўқолиб боришига гувоҳ бўлмоқдамиз.

1911-1962 йилларда Орол денгизининг сатҳи энг юқори нуқтада бўлиб, 53,4 метрни, сувнинг ҳажми 1064 куб километрни, сувнинг юзаси 66 минг квадрат километрни ва минераллашув даражаси бир литр сувда 10-11 граммни ташкил этган эди. Денгиз транспорт, балиқчилик хўжалиги, иқлим шароити жиҳатидан катта аҳамиятга эга бўлган. Унга Сирдарё ва Амударёдан ҳар йили деярли 56 куб километр сув келиб қуйилар эди.

1994 йилга келиб Орол денгизидagi сувнинг сатҳи - 32,5 метрга, сув ҳажми - 400 куб километрдан камроққа, сув юзасининг майдони эса 32,5 минг квадрат километрга тушиб қолди, сувнинг минераллашуви икки баравар ортди. Унинг сатҳи 20 метр пасайиши натижасида эндиликда яхлит денгиз эмас, балки иккита қолдиқ қўлга айланиб қолди. Унинг соҳиллари 60-80 километрга чекинди. Амударё билан Сирдарёнинг дельталари жадал суратлар билан бузилиб бормоқда. Денгизнинг сув қочган туби 4 миллион гектардан ортиқроқ майдонда кўриниб қолди. Натижада яна битта «қўлбола» кумли-шўрхоқ саҳрога эга бўлди. Шамол Орол денгизининг қуриб қолган тубидан туз ва чанг-тўзонни юзлаб километрга учириб кетмоқда.

Оролнинг қуриб қолган тубидаги чанг бўронлари 1975 йилдаёқ космик тадқиқотлар натижасида аниқланган эди. 80-йилларнинг бошларидан буён бундай бўронлар бир йилда 90 кун давомида кузатилмоқда. Чанг-тўзон узунлиги 400 километр ва эни 40 километр майдонга етиб бормоқда. Чанг бўронларининг таъсир доираси эса 300 километргача етмоқда. Мутахассислар берган маълумотларга қараганда, бу ерда ҳар йили атмосферага 15-75 миллион тонна чанг кўтарилди.

Буларнинг ҳаммаси Орол бўйи иқлимнинг ўзгаришига олиб келди. 1983 йилдан бошлаб Орол балиқ овлашга яроқсиз бўлиб қолди. Соҳилнинг ҳозирги чизигидан

йироқларда бўлган балиқчиларнинг қачонлардир қудратли флотилиясининг занг босган қолдиқларини, вайронага айланган балиқчилар посёлкаларини учратиш мумкин. Бўзқўл, Олтинқўл, Қаратма кўрфазлари йўқолди. Акпетки архипелаги қуруқлик билан қўшилиб кетди. Яйловлар ва ўтлоқлар йўқолиб бормоқда, ҳудуд ботқоққа айланмоқда. Сувнинг тобора тақчиллашиб бораётганлиги ва сифати ёмонлашаётганлиги тупроқ ва ўсимлик қатламнинг бузилишига, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсида ўзгаришлар юз беришига, шунингдек, сўғорма деҳқончилик самарадорлигининг пасайишига олиб келмоқда.

Орол денгизининг қуриб бориши ва шу жараён тўғрисида Орол бўйи минтақасидаги табиий муҳитнинг бузилиши экологик фожа сифатида баҳоланмоқда. Чанг ва туз бўронларининг пайдо бўлиши, фақат Орол бўйида эмас, балки денгиздан анча наридаги бепоён ҳудудларда ерларнинг чўлга айланиши, иқлим ва ландшафтнинг ўзгариши - булар ана шу фожа оқибатларининг тўлиқ бўлмаган рўйхатидир.

Орол бўйида денгизнинг қуриб бориши муносабати билан халқаро, кенг қўламли аҳамиятга молик бўлган экологик, ижтимоий-иқтисодий ва демографик муаммоларнинг мураккаб мажмуи вужудга келди.

Сув заҳиралари билан боғлиқ бўлган муаммолар мажмуаси кенг қўламли ва мураккаб кўп тармоқли ёндашувни, минтақадаги давлатлар билан халқаро ҳамжамият ўртасида ҳамкорликни ривожлантиришни талаб қилади. Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг 1993 йил март ойида Қизилўрдада бўлиб ўтган учрашуви ана шу муаммоларни ҳал қилишга туртки бўлди. Бу учрашувда Орол денгизи танглигини ҳал этиш юзасидан биргаликда ҳаракат қилиш тўғрисида битим имзоланди. Орол денгизи муаммолари бўйича Давлатлараро Кенгаш ва унинг ишчи органи — Ижроия Қўмитаси, шунингдек, Оролни қутқариш Халқаро фонди ташкил этилди. Марказий Осиё республикалари давлат бошлиқларининг 1994 йил январда Нукус шаҳрида бўлиб ўтган иккинчи учрашувида Орол денгизи ҳавзасидаги экологик вазиятни яхшилаш юзасидан яқин уч-беш йилга мўлжалланган, минтақани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг аниқ ҳаракатлар дастури тасдиқланди. 1994 йил март ойида Тошқовузда бўлган учинчи учрашувда Давлатлараро Кенгашнинг ушбу дастурнинг бажарилиши ҳақидаги ҳисоботи тингланди.

1997 йил февралда Марказий Осиёдаги беш давлат бошлиқларининг БМТ, Жаҳон банки ва бошқа халқаро ташкилотлар вакиллари иштирокидаги Алматида бўлиб ўтган учрашувида, Орол муаммосини ҳал этиш бўйича ташкилий тузилмаларни такомиллаштириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Оролни қутқариш Халқаро фондининг анча ишчан таркиби ва унинг негизида ҳаракатчан Ижроия қўмитаси тузилди.

Орол муаммосининг бутун кескинлигини, уни сақлаб қолиш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар кўриш зарурлигини тушунган ҳолда, Марказий Осиё республикаларининг ҳукуматлари, мутахассислари ва минтақанинг илмий жамоатчилиги, халқаро ташкилотлари 1995 йил 20 сентябрда Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ва халқаро ташкилотларнинг Орол денгизи ҳавзасини барқарор ривожлантириш муаммо-

лари бўйича Декларациясини қабул қилдилар. Декларация барқарор ривожланиш қоидаларига қатъий амал қилишни назарда тутди ва эътиборни қуйидаги ғоят муҳим муаммоларни ҳал қилишга қаратади:

- қишлоқ ва ўрмон ҳўжалигининг янада мувозанатли ва илмий асосланган тизимига ўтиш;
- сув заҳираларидан фойдаланишнинг тежамли усуллари ишлаб чиқиш, сўғоришда ва атроф-муҳитни муҳофаза қилишда такомиллашган технологияларни қўллаш воситасида ирригациянинг самарадорлигини ошириш;
- минтақанинг табиий заҳираларини комплекс бошқариш тизимини такомиллаштириш.

Марказий Осиёдаги сувдан фойдаланиш муаммоларига бағишлаб сўнги пайтда минтақамизда кўплаб конференция, симпозиум ва семинарлар бўлиб ўтди.

2009 йил 28 апрелда Алмати шаҳрида Оролни қўқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатларининг форумида ҳам минтақада сув-энергетика ресурсларидан оқилона фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу Саммитда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов иштирок этди ва нутқ сўзлади. Шунингдек, Саммитда Туркменистон, Қирғизистон, Қозғистон ва Тожикистон Республикаси Президентлари иштирок этдилар.

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида минтақада экологик вазиятни барқарорлаштириш, ҳалокат оқибатларини енгиллаштириш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва ижтимоий муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилаётган аниқ мақсадли дастур ва лойиҳалар ўз самарасини бермоқда. Табиий муҳитни ҳимоя қилишга, биохилма-хилликни тиклашга йўналтирилган кенг қўламли чоралар кўрилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Пан Ги Мун 2010 йил 4-5 апрель кунлари мамлакатимизда бўлди. БМТ Бош қотиби дастлаб Нукус шаҳрида Оролбўйидаги экологик вазиятни яхшилаш борасида амалга оширилган ишларга бағишланган тақдимот маросимида иштирок этди.

Тақдимот маросимида минтақадаги экологик вазият ҳақида батафсил маълумот берилди.

БМТ Бош қотиби Пан Ги Мун Орол бўйидаги экологик вазият билан танишди. – Минтақадаги экологик вазиятни кўздан кечириб, аҳоли ўта мураккаб эканига амин бўлдим, – деди Пан Ги Мун. – Бу бутун инсониятни оғохликка чорлайди. Бу глобал муаммони минтақадаги барча давлатлар, ҳамжихатликда ҳал этиши лозимлиги кайд этилди.

Сувдан фойдаланувчилар ҳуқуқ ва бурчлари «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонуннинг IX боби, 32-35 моддаларида аниқ кўрсатилган. Мазкур қонуннинг 32 моддасида сувдан фойдаланувчиларнинг қуйидаги ҳуқуқла-

ри баён этилган:

сув объектларидан қандай мақсадлар учун фойдаланишга берилган бўлса, фақат шу мақсадларда фойдаланиш;

сувдан фойдаланишни амалга ошириш учун иншоотлар, қурилмалар ва бошқа объектларни қуриш;

берилаётган сувнинг миқдори ва сифатини текшириш; қонунларда назарда тутилган ҳолларни истисно этганда, шартнома бўйича олинмай қолган сув учун товон тўланишини талаб қилиш;

сув объектларидан фойдаланиш бўйича қонунда тақиқланмаган бошқа ишларни амалга ошириш ҳуқуқига эгадир.

Шунингдек, сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари қонун билан қўриқланади.

Сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқлари бузилган тақдирда бу ҳуқуқлар қонунларда кўзда тутилган тартибда тикланиши лозим бўлади. Шунингдек, сувдан фойдаланувчиларнинг ҳуқуқларини чеклаш ҳоллари ҳам қонунда ифода этилган.

Барча ҳолатларда ердан фойдаланувчилар сўғориш жараёнида сувдан фойдаланувчилар ҳам бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ердан фойдаланувчилар Ер Кодексининг 39-40-моддалари талабларига ҳам қаттиқ риоя этишлари лозим. Сувдан фойдаланувчилар қонунда кўрсатилган ҳуқуқ ва бурчларга риоя қилишлари ҳамда ушбу талабларни ҳар доим амалга оширишлари сувдан оқилона фойдаланиш масаласига ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида сув ресурсларидан фойдаланувчилар ундан оқилона, тежаб-тергаб фойдаланишлари, муҳофаза қилишлари шарт. Агарда ушбу талабларга риоя қилинмаса Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ тегишли ҳуқуқий жавобгарлик қўлла-нади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари томонидан 2009 йилда “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги Қонуни ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 21 июлдаги “Сув ҳўжалигини бошқаришни ташкил этишни такомиллаштириш тўғрисида”ги 320-сонли Қарорининг ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижаси бўйича ноқонуний ҳужжатларни бекор қилиш ҳақида 24 та протест келтирилган. Аниқланган қонун бузилишларини бартараф этиш юзасидан 466 та тақдимнома киритилган, қонуннинг бузилишига йўл қўймастик хусусида 1252 нафар мансабдор шахс расман оғохлантирилган, 3406 шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган, айбдорлардан 50 млн. сўм зарар ихтиёрий равишда ундирилган. 107 млн сўмдан ортиқ зарарни ундириш бўйича судларга 226 та ариза киритилган. Жиддий қонунбузилиш ҳолатлари бўйича 54 та жиноят иши кўзғатилган.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена вопросам правовых основ защиты водных ресурсов в Узбекистане. В статье осуществляется обзор историко-правовых и нормативно-правовых основ защиты водных ресурсов в Узбекистане. Следовательно, в ней затрагиваются проблемы, связанные с экологическим состоянием Аральского моря, законодательными основами правовой регламентации данной сферы. Кроме того, освещаются результаты международного и национального сотрудничества в сфере правовой защиты водных ресурсов в регионе.

**Ботир ПЎЛАТОВ,
Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси
бошқарма бошлигининг ўринбосари**

ЖИНОЯТЧИЛИККА ҚАРШИ КУРАШ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШДА ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ЎРНИ

Ҳуқуқий демократик давлатда инсон тинч, осойишта ва фаровон ҳаёт кечириши учун биринчи навбатда унинг хавфсизлиги таъминланиши, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, кадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғи ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилинган бўлиши шарт. Шундай экан, давлат, унинг махсус органлари жамоат хавфсизлигига, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликларига ҳамда қонун билан ҳимоя қилинган барча ижтимоий муносабатларга қарши қаратилган ҳар қандай тажовузларни, шу жумладан уюшган жиноий тузилмалар фаолиятини ва улар содир этаётган жиноятларни, уларни озиклантирувчи омилларни бартараф этиш, кучсизлантириш, уларга тўсиқлар қўйишга қаратилган ҳамма зурурий чора-тадбирларни амалга оширишлари керак. Жиноятчиликка қарши кураш борасида прокуратура органларининг ўрни шу билан белгиланадики, “Прокуратура — қонунни, унинг талабларини қатъий ҳимоя қилувчи идора ҳисобланади. У ҳуқуқий ислохотларни ўтказишда ҳуқуқий давлат, демократик жамият куриш ишида ҳал қилувчи ўрин тутади»¹.

Уюшган жиноятчиликнинг инсониятга катта хавф солаётганини Президент И.А.Каримов Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар саммитида ва бошқа нуфузли ташкилотларнинг олий минбарларидан туриб, мазкур муаммони жиддий тарзда кўтариб, “Экстремизм, наркобизнес, уюшган жиноятчилик ва халқаро терроризмга қарши ялпи кураш олиб борилмас экан, мақсадга эришиб бўлмайди. Айниқса, якка-ёлғиз, тарқоқ ҳолда ва ноизчил усуллар билан кураш олиб бориш истиқболсиз эканлиги”ни таъкидлаган эди.

Таъкидлаш жоизки, жиноятчилик қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, иқтисодий, маданий, ахлоқий ва тарбиявий характердаги кўп факторлар билан белгиланадиган, мураккаб ижтимоий воқеликни намоён этади. Жиноятчиликка қарши курашда унинг олдини олиш, яъни жиноий ҳаракат содир этишга мойил бўлган шахсни жиноят содир этишдан қайтариш, хавфли жиноят содир этган шахсни жамиятдан ажратиш каби бирдай муҳимдир. Қонуний, асосли ва адолатли айблов ҳукмини чиқариш ҳам, айбсизни оқлаш ва жамо-

атчиликнинг кўз ўнгида реабилитация қилишдек муҳим ҳисобланади.

Юқоридаги функцияларни давлат органлари ва жамоат бирлашмалари жиноятчиликка қарши кураш бўйича келишилган чоралар дастури ва режалар асосида ўз вақтида, самарали татбиқ қилиш орқалигина муваффақиятли бажариши мумкин. Фақат шу йўл билан жиноятчиликка ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши кураш ва уларни профилактика қилишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ижобий натижаларга эришишлари мумкин.

Мувофиқлаштириш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўз фаолиятларида қонунийликни мустаҳкамлашга шароит яратади. Чунки улар иш фаолиятлари ҳолати ҳақидаги тўлиқ ахборотни олиши, йўл қўйилган хато-камчиликлар, қонун бузилишларига ўз вақтида таъсир чораларини кўриш ва уларнинг олдини олиш имкониятларини яхшилайди.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бу органлар ўзининг процессуал мустақиллигини, ўзига хос принципларини ва ишни ташкил қилиш шароитларини йўқотиши дегани эмас, балки уларнинг ҳар бири ўзларига хос бўлган ваколатлар ва функциялар доирасида, ўз олдида қўйилган вазифаларни бажарадилар. Бироқ бу органларнинг ҳаммасининг вазифаси, жиноят содир қилган ҳар бир шахс жиноий жавобгарликка тортилган бўлиши ва унга адолатли жазо берилиши билан бир вақтда, айби бўлмаган ҳеч бир шахс жавобгарликка тортилмаслиги ва ҳукм қилинмаслигига эришишдан иборатдир.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолияти бир-бири билан келишилган ҳолда бўлса, жиноятчиликка қарши кураш ва унинг олдини олиш вазифаси юклатилган давлат органлари ва жамоат бирлашмаларининг мақсад ва вазифаси аниқ белгиланган бўлса, жиноятчиликка қарши кураш муваффақиятли амалга оширилади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш куйидаги принципларга асосланади:

-мувофиқлаштириш фаолияти субъектларининг мустақиллиги ва тенглиги;

-ҳамкорликда ишлаб чиқилган тадбирларни татбиқ қилишда уларнинг процессуал мустақиллиги;

-жиноятчиликка қарши курашда ўзларининг процессуал ва тезкор-тактик ваколатлари хусусиятларини сақлаган ҳолда, умумий мақсадга эришишга интилиш;

-қидирув характеридаги тадбирларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётда татбиқ қилишда қонун ва жиноят-процессуал ҳуқуқ нормаларига риоя қилиш;

-жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кучини бирлаштириш орқали, қисқа муддатларда куч ва процессуал воситаларни ортқча сарфламасдан юқори натижаларга эришиш;

-жиноятчиликка қарши курашга йўналтирилган координал тадбирларни амалга оширишда режавийликни, мақсадга эришишни ва самарадорликни таъминлаш;

-жиддий ҳуқуқий муаммоларни, ишда такрорланишни, юзага келадиган масалаларни ҳал қилишда маҳаллийчилик ва соҳавий ёндашувни бартараф этиш масалаларини ҳал қилишда ягона ёндашув белгиланишига асосланади.

Юқорида қайд қилинганидек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш прокуратура органларига юклатилган. Чунки прокуратура органлари ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимида алоҳида ўринни эгаллайди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш айнан прокуратура органларига юклатилган².

Прокуратура органлари мувофиқлаштирувчи ролининг бош вазифаси мамлакатимиз раҳбариятига жиноятчилик даражасини камайтириш, уларнинг сабаблари, содир этилишига имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга эришишда ёрдам беришдан иборат. Республика, вилоят, шаҳар ва туманларда ҳам мувофиқлаштиришнинг асосий вазифаси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятлар ва бошқа ҳуқуқбузарликлар сонини камайтириш ҳамда ҳудудлар ва транспортда қонунийликни мустаҳкамлаш ишларини амалга оширишда кўмаклашишдир.

Жиноятчиликка қарши кураш фаолиятини мувофиқлаштириш жараёнида прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосларини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги қонуни (янги таҳрири) ташкил қилади. Конституция ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонунга (янги таҳрири) мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хил бажарилиши

устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади. “Прокуратура тўғрисида”ги қонуннинг (янги таҳрири) 8-моддасида Республика Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини ошириш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган тегишли органларнинг фаолиятини мувофиқлаштириши белгилаб қўйилган.

Бу билан, прокуратура органларининг бир-бири билан боғлиқ иккита вазифаси этиб қонунларнинг бажарилиши устидан назоратни амалга ошириш ва жиноятчиликка қарши кураш чораларини мувофиқлаштиришни ташкил қилиш белгиланди.

Республика Бош прокурори ўзининг “Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2004 йил 9 декабрдаги 31-сонли буйруғида прокурорларга “Жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини таъминлаш мақсадида тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирув ва дастлабки терговни амалга оширадиган органларнинг фаолияти мувофиқлаштириб борилсин. Шу мақсадда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа мутасадди идоралар билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилиб, мунтазам равишда мувофиқлаштирувчи кенгашлар чақирилсин, қабул қилинган қарорлар ижросига жиддий эътибор қаратилсин³”, деб кўрсатма берган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар амалий фаолиятида идоралараро йиғилишларни ўтказиш, жойлардаги органларга ҳамкорликдаги кўрсатмаларни бериш, ахборот алмашиш каби мувофиқлаштириш шакллари узоқ вақтлардан бери жорий қилиниб келинмоқда. Бундай ҳамкорлик жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқбузарликларга қарши курашда яхши натижалар бериб келган ва ҳозир ҳам ижобий натижалар бермоқда.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш, марказда ва жойларда мунтазам фаолият кўрсатувчи маслаҳат органи бўлган Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан таъминланади. Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби прокуратура, ички ишлар органлари, Миллий хавфсизлик хизмати, солиқ, божхона ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органларнинг республика, вилоятлар, шаҳар ва туманлар раҳбарларидан ташкил топади.

Ўзбекистон Ҳарбий прокурори раҳбарлигидаги Мувофиқлаштирувчи кенгаш Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги раҳбарияти, Ҳарбий округ кўмондонлари, чегара қўшинлари раҳбарияти, қўриқлов қўшин кўмондонлиги, ҳарбий қисм ва бўлинмалар командирлари, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хиз-

матининг махсус бўлимлари раҳбарияти таркибида фаолият кўрсатади. Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларида Ўзбекистон Ҳарбий суди раиси иштирок этади.

Транспорт прокуратурасида фаолият кўрсатувчи Мувофиқлаштирувчи кенгаш таркиби транспорт прокурорлари ва ички ишлар органлари раҳбарларидан иборат бўлиб, бу кенгашлар ишида иштирок этиш учун тегишли ҳудуд судлари раислари қақририлиши мумкин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишлари олдидан тузилган режа асосида ўтказилади. Кенгаш режасига ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ҳамма органлар томонидан ҳал қилиниши лозим бўлган ва уларнинг имкониятларини кучайтиришни талаб қиладиган, муҳим, долзарб муаммолар киритилади.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишларига суд, адлия органлари, давлат ҳокимияти, маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари, корхона, муассаса ва ташкилот, назорат қилувчи органлар раҳбарлари, ҳуқуқшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва бошқалар таклиф қилиниши мумкин. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга ошириш ва уни такомиллаштиришда, жиноятчилик ва бошқа ҳуқуқ-тартиботни бузилишига қарши кураш муаммоларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини такомиллаштиришга эътибор қаратишлари шарт бўлган давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари ҳам ёрдам берадилар.

Кенгаш жойларга чиқиб, корхона, муассаса ва ташкилотларда, шаҳар ва туманларда сайёр мажлисларни ўтказиши мумкин. Мувофиқлаштирувчи кенгашда муҳокама қилинадиган масалалар юзасидан ҳужжатлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тегишли орган вакилларида тузилган ишчи гуруҳ томонидан тайёрланади. Ишчи гуруҳ фаолиятига бошқа идораларнинг, шунингдек, илмий текшириш, ўқув муассасаларининг мутахассислари ҳам жалб қилиниши мумкин.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш қарори, унинг барча аъзолари томонидан маъқуллангандан сўнг қабул қилинган деб ҳисобланади. Кенгаш томонидан ишлаб чиқилган ҳужжат (қарор, ахборотнома, йўналтирувчи хат, методик кўрсатмалар) мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан тасдиқланади. Қабул қилинган қарорнинг ижроси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари бўлмиш Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари томонидан таъминланади.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришни янада мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш зарурияти охириги йилларда вужудга келган жиноятчилик, унинг структураси ва динамикаси ҳолатидан келиб чиқади. Жиноятчилик охириги йилларда давлатдаги қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни жиддий бузувчи, жамоат ва ижтимоий тизимни деформацияга олиб келувчи куч сифатида намоён бўлмоқда. Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов “Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ҳодиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга қарши бевосита таҳдид туғдиради” деб таъкидлаган⁴.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, жиноятчиликка қарши курашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштиришнинг бош мақсади – жиноятчиликка қарши кураш самарадорлигини оширишдир. Бу умуммақсад, табиий равишда, барча кучларни бирлаштиришни, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг жиноятчиликка қарши кураш фаолиятида бир-бирини такрорламасликни, бири бошқасининг функциясини бажармаслигини, муайян аниқ мақсад йўлида куч ҳамда имкониятларни бирлаштиришни, айна пайтда, ҳар бири қонунчиликка қаттиқ риоя этгани ҳолда қонун доирасида ўз вазифасини малакали бажаришларини тақозо этади.

АННОТАЦИЯ

Статья посвящена роли органов прокуратуры в сфере обеспечению координационной деятельности по борьбе с преступностью. Во ввводной части данной статьи автор указывает основные направления и подчёркивает важность борьбы против организованной преступности. В основной части статьи осуществляется подробный научно-правовой анализ национального опыта координации деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью, указываются основные направления и принципы, а также освещается специфика данной деятельности. В заключительной части автор указывает важные задачи по обеспечению координации деятельности правоохранительных органов по борьбе с преступностью.

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. 10-жилд. – Т.: Ўзбекистон. 2001. 45-б.

² Пўлатов Б.Х. Прокурор назорати. Дарслик. Т.2009. Ўзбекистон. 105-б.

³ Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг “Жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ҳамда суриштирув ва дастлабки тергов ўтказишда қонунларнинг аниқ бажарилиши устидан прокурор назоратини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 2004 йил 9 декабрдаги 31-сонли буйруғининг 1.4-банди. Ўзбекистон Республикаси прокуратура органлари фаолиятини ташкил қилишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва Бош прокурорнинг буйруқлари тўплами. – Т.: 2006. 364-б.

⁴ Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т., Ўзбекистон. 2001. Т.9, 380 –бет.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ СУДИ
ПЛЕНУМИНИНГ ҚАРОРИ
24.11.2009 й. N 12

ОДАМ САВДОСИГА ОИД ИШЛАР БЎЙИЧА СУД АМАЛИЁТИ ТЎҒРИСИДА

XX аср охирларига келиб одам савдоси бутун инсониятга қарши асосий таҳдидлардан бири бўлиб қолди. Одамдан эксплуатация мақсадларида фойдаланиш билан боғлиқ жиноятлар ошиб бориши тенденцияси бундай ижтимоий хавфли қилмишлар охир оқибатда жамиятнинг демократик негизларига тажовуз қилиши билан миллий хавфсизликка ҳам таҳдид солади.

Ўзбекистон одам савдосига қарши курашишга оид қатор халқаро ҳужжатларни, жумладан Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг "Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида"ги Конвенциясини, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ушбу Конвенциясини тўлдирувчи "Одам савдоси, айниқса аёллар ва болалар савдосини олдини олиш ҳамда унга чек қўйиш ва унинг учун жазолаш ҳақидаги Протокол"ни ратификация қилди, "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида" Қонун қабул қилди ва халқаро ҳуқуқ нормаларини миллий қонунчиликка имплементация қилишга доир тегишли ўзгартиришлар киритди.

Одам савдосига оид қонунчиликни қўллашда масалалар юзага келадиганлиги муносабати билан ҳамда бу тоифадаги ишлар бўйича ягона суд амалиётини шакллантириш мақсадида, "Судлар тўғрисида"ги Қонуннинг 17-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, Ўзбекистон Республикасида энг олий қадрият инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа табиий ҳуқуқлари бўлиб, уларни таъминлаш Конституция билан кафолатланади.

Қонунда одам савдоси учун жиноий жавобгарлик белгиланганлиги шахс эркинлиги конституциявий кафолатларидан бири ҳисобланади.

2. Жиноят кодекси 135-моддаси биринчи қисми диспозицияси мазмунига кўра одам савдоси деганда одамни олиш-сотиш ёки одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тушунилади.

3. Олди-сотди тариқасидаги одам савдоси одамнинг бир шахс томонидан бошқасига пул, бошқа моддий қимматликлар (мулк), мулкый характерда-

ги хизматлар, мулкый ёки пул шаклидаги қарздан воз кечиш ва ҳ.к.лар сифатидаги ҳақ эвазига берилиши тўғрисида ёзма ёки оғзаки битим тузилишини назарда тутати. Бундай кўринишдаги одам савдосида одам қандай мақсадларда сотиб олинганлиги(сотилганлиги) ҳуқуқий аҳамият касб этмайди.

Шахс одамни унинг эвазига ҳақ олинганидан сўнг топшириш шarti билан сотишга ваъда бериб, бироқ азалдан унинг қасди моддий қимматликларни эгаллашга қаратилган ва унда битим шартларини бажариш нияти бўлмаган ҳолларда унинг ҳаракатлари фирибгарлик таркибини ташкил этади, олувчининг ҳаракатлари эса сотиб олиш тариқасидаги одам савдосига суиқасд сифатида квалификация қилиниши лозим.

4. Судлар шунини инобатга олишлари лозимки, олиш-сотиш тариқасидаги одам савдосидан фарқли равишда, ЖК 135-моддасида назарда тутилган бошқа барча ҳоллар (ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш, қабул қилиш) да жиноий жавобгарлик юзага келишининг зарур шarti одамни эксплуатация қилишга қаратилган мақсад мавжудлиги ҳисобланади.

Одам меҳнати ва хизматларидан меҳнат, фуқаролик қонунчилиги нормаларига мувофиқ (масалан, қурилиш ёки маиший пудрат, ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш, йўловчи ва юк ташиш, транспорт экспедицияси ва ҳ.к. шартномалар бўйича) фойдаланилган барча ҳолларда одам эксплуатацияси мавжуд бўлмайди. Бундай ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажармаслик билан боғлиқ низолар фуқаролик суд ишларини юритиш тартибида ҳал этилиши керак.

5. Одамни эксплуатация қилиш бошқа шахслар фоҳишабозлигидан фойдаланиш ёки бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатацияни, мажбурий меҳнат ёки хизматлар, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлар, эрксизлик ҳолати ёки одам аъзолари ёки тўқималари олиншини англатади.

Фоҳишабозликдан фойдаланиш деганда, одамдан унинг ҳақ эвазига номуайян доирадаги жинсий шериклар билан шахвоний муносабатларга киришишдан муттасил фойдаланиш тушунилади. Бошқа кўринишдаги шахвоний эксплуатация деганда,

одамнинг ундан порнографик тасвирлар тайёрлаш, бузук ҳаракатлар содир этиш ва ҳ.к. мақсадларда фойдаланиш учун берилиши тушунилади.

Мажбурий меҳнат бирон-бир жазони қўллаш билан таҳдид қилиш орқали иш бажаришга мажбурлашни англатади. Ҳарбий ёки муқобил хизмат тўғрисидаги қонунлар асосида, фавқулодда ҳолат юз берган шароитларда, суднинг қонуний кучга кирган ҳукмига биноан, қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда бажарилиши лозим бўлган ишлар мажбурий меҳнат деб ҳисобланмайди.

Қуллик - ўзига нисбатан мулк ҳуқуқига хос айрим ёки барча ҳуқуқлар амалга ошириладиган шахс аҳволи ёки ҳолатини англатади.

Эркисизлик ҳолати-шахснинг муайян омиллар мажмуи таъсири остида ўз эркига хилоф равишда ҳар қандай иш ёки хизматни бажаришга мажбур бўлганлигини англатади.

6. Одам савдосига оид ишларни тергов қилиш ёки кўришда тергов органлари ва судлар қуйидаги тушунчаларни аниқ фарқлашлари лозим:

ёллаш деганда эксплуатация қилиш мақсадида одамни бирор бир фаолият билан шуғулланишга жалб этишга қаратилган фаолият (эксплуатация объектини қидириш, тўплаш, у билан музокара юритиш ва ҳ.к) тушунилади;

ташиш - шахсни олиш-сотиш битими тузиладиган (ижро этиладиган), бошқа шахсга топшириладиган жойга ёки ундан эксплуатация мақсадида фойдаланиладиган жойга етказиб бериш (транспортда ташиш)ни англатади. Бунда етказиб берилладиган шахс одам савдосини амалга ошириш учун мўлжалланганлиги ташувчига олдиндан маълум бўлиши лозим. Ташиш битта аҳоли пункти доирасида ҳам, Ўзбекистон Республикасидан ташқарига чиқиш билан боғлиқ тарзда ҳам амалга оширилиши мумкин;

топшириш - одамни бошқа шахсга эксплуатация қилиш мақсадида жисмоний тарзда беришда ифодаланади;

яшириш - жабрланувчини ҳокимият вакиллари-дан, қариндошларидан ёки унинг тақдирдан манфаатдор бошқа шахслардан ҳар қандай жойда ҳуфя сақлашда ифодаланади;

қабул қилиш - одамни ўз мақсадларида эксплуатация қилиш учун эгаликка олиш (масалан, ҳады тариқасида, вақтинча текин фойдаланиш учун ёки қарз эвазига ва ҳ.к.) ни англатади, одамни сотиб олиш ҳоллари бундан мустасно.

7. Тушунтирилсинки, ЖК 135-моддаси биринчи қисми диспозициясида назарда тутилган жиноят таркиби формал бўлиб, жиноят одамни олиш-сотиш битими тузилган пайтдан ёки қонуннинг мазкур моддасида кўрсатилган бошқа қилмиш содир этилган пайтдан тугалланган ҳисобланади.

Шу билан бирга, қилмишда айрим квалификация белгилари мавжуд бўлганда жиноятни тугалланган деб топиш учун қонунда белгиланган

оқибатлар (масалан, жабрланувчининг ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар) келиб чиққан бўлиши керак.

Шуни инобатга олиш лозимки, айрим ҳолларда жиноятнинг тугалланиш пайти эксплуатация тугалган (масалан, жабрланувчи қочиб кетган, жиноятга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан барҳам берилган, жабрланувчи айбдорнинг ўзи ёки бошқа шахслар томонидан озод қилинган ва ҳ.к.) вақт билан боғлиқ бўлади.

8. Судларга тушунтирилсинки, ЖК 135-моддаси иккинчи қисми "а" банди билан жабрланувчини ўғирлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш ёхуд мажбурлашнинг бошқа шакллари билан боғлиқ тарзда содир этилган одам савдоси квалификация қилинади.

Ўғирлаш деганда, одамни қонунга хилоф равишда, яширин ёки ошкора қўлга киритиш ва унинг эркига хилоф равишда уни олиш-сотиш ёки эксплуатация қилиш мақсадида бошқа жойга олиб кетиш тушунилиши лозим.

Зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан кўрқитиш деганда, боғлаш, озодликдан маҳрум этиш, уриш-дўппослаш, ушлаб туришдан бошлаб, жабрланувчининг соғлиғига енгил ёки ўртача оғир шикаст етказиш, шунингдек, жабрланувчининг соғлиғига зиён етказмаган бўлса-да, бироқ қўлланилган пайтда бундай зиён етказишга реал имконият туғдирган зўрликкача бўлган ҳар қандай мажбурлаш тушунилиши лозим.

Бошқа шаклдаги мажбурлаш деганда, жабрланувчи ёки унинг яқин кишиларининг мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд шикаст етказиш ёки нобуд қилиш билан таҳдид қилиш, жабрланувчи ёки унинг яқин кишилари обрўсини тўкадиган маълумотларни ёки уларнинг ҳуқуқлари ёки қонуний манфаатларига жиддий зиён етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотларни тарқатиш ёхуд жабрланувчини айбдорнинг у ёки бу кўрсатмаларини бажаришга мажбур этадиган вазиятни вужудга келтирадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга ошириш тушунилиши керак.

9. ЖК 135-моддаси иккинчи қисми "г" банди билан айбдорга моддий ёки бошқа жиҳатдан қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилган одам савдоси билан боғлиқ ҳаракатлар квалификация қилинади.

Моддий қарамлик, жумладан, жабрланувчи айбдорнинг тўлиқ ёки қисман қарамоғида бўлганлигини, қарздорнинг кредиторга мутелигини ва ҳ.к.ни англатади.

Бошқа жиҳатдан қарамлик деганда, жабрланувчининг айбдорга ҳар қандай номоддий қарамлигини (масалан, оилавий муносабатлар, тобе шахсининг раҳбарига, ўқувчининг ўқитувчига қарамлигини) тушуниш зарур.

10. Хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда одам савдоси (ЖК 135-моддаси иккинчи қисми "ж" бан-

ди), бундай жиноят мансабдор шахс томонидан ёки ўз хизмат ваколатларидан ЖК 135-моддасида назарда тутилган ҳар қандай қилмишни енгиллатиш мақсадида фойдаланган бошқа шахс томонидан содир этилганлигини билдиради.

11. Тушунтирилсинки, ЖК 135-моддаси иккинчи қисми "з" бандида назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор жабрланувчини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига ёки унинг ҳудудига Давлат чегараси орқали (қонуний ёки қонунга ҳилоф тарзда) ташийди ёки бошқа тарзда ўтказди ёхуд шахсни унинг эркига зид равишда хорижий давлат ҳудудига ушлаб туради.

Жабрланувчини чет элда қонунга ҳилоф равишда ушлаб туриш унинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудига қайтиши ёки Ўзбекистон Республикаси дипломатик ёки консуллик муассасалари билан алоқа боғлаш имкониятидан маҳрум қилинишида намён бўлади.

12. Таъкидлаш лозимки, ЖК 135-моддаси учинчи қисми "б" банди бўйича жиноий жавобгарлик, фақат, одам савдосида объект сифатида иштирок этган шахс ўлими ёки бошқа оғир оқибатлар эҳтисизлик оқибатида етказилган тақдирдагина келиб чиқади.

Бошқа оғир оқибатлар сифатида, жумладан, жабрланувчининг ўзини ўзи ўлдириши, унга таносил ёки ОИТС касали юктирилганлиги, руҳий ҳолати бузилиши ва ҳ.к. тан олиними мумкин.

13. Қонун мазмунига кўра, алдаш йўли билан содир этилган олиш-сотиш, шунингдек одамни эксплуатация қилиш мақсадида ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш тариқасидаги одам савдоси ЖК 135-моддаси диспозицияси билан қамраб олинади ва ЖК 168-моддаси билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмайди,

ЖК 168-моддаси учинчи қисмининг "а" банди бундан мустасно.

14. Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, одам савдоси жинояти ЖК 135-моддаси иккинчи қисмининг "ж,з,и,к" бандлари, учинчи қисмининг "б" банди билан квалификация қилинганда, қилмишни Жиноят кодексининг мазкур жиноятлар учун жавобгарлик белгиловчи моддалари билан қўшимча квалификация қилишга, фақат қонуннинг бошқа нормасида ЖК 135-моддаси тегишли қисми санкциясида белгиланган жазодан оғирроқ жазо белгиланган ҳоллардагина йўл қўйилади.

Агар одам савдосида шахс баданига қасдан оғир шикаст етказилган бўлса, қилмиш ЖК 135-моддаси иккинчи қисмининг "а" банди билан қамраб олинмайди. Бундай ҳолларда айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 104-моддасининг тегишли қисми билан қўшимча квалификация қилиниши лозим.

15. Одам савдосига оид ишларни кўришда судлар мазкур жиноят содир этилишига имкон яратган барча шахслар жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигини синчковлик билан текширишлари лозим. Айни пайтда иш бўйича шахснинг қонунга ҳилоф равишда жиноий жавобгарликка тортилганлиги аниқланган тақдирда, судлар жиноят ишини юритишга масъул бўлган давлат органлари мансабдор шахсларига нисбатан хусусий ажрим чиқариш йўли билан муносабат билдиришлари лозим.

16. Юқори инстанция судлари одам савдосига оид ишлар бўйича биринчи инстанция судлари чиқарган суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилиги устидан тегишли назоратни таъминлашлари, йўл қўйилган қонун бузилишларини ўз вақтида аниқлашлари ва бартараф этишлари лозим.

Олий суд раиси

Пленум котиби,
Олий суд судьяси

Б. Мустафоев

Ю. Турсунбаев

ПОСТАНОВЛЕНИЕ
ПЛЕНУМА ВЕРХОВНОГО СУДА РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН
24.11.2009 г. N 12

О СУДЕБНОЙ ПРАКТИКЕ ПО ДЕЛАМ О ТОРГОВЛЕ ЛЮДЬМИ

Начиная с конца XX века, торговля людьми стала одной из основных угроз всему человечеству. Тенденция роста преступлений, связанных с незаконным использованием человека в целях эксплуатации, представляет собой угрозу и национальной безопасности, поскольку эти общественно-опасные деяния в конечном итоге посягают на демократические устои общества.

Узбекистан ратифицировал ряд международных документов по противодействию торговле людьми, в частности Конвенцию ООН против транснациональной организованной преступности, Протокол о предупреждении и пресечении торговли людьми, особенно женщинами и детьми, и наказании за нее, дополняющего Конвенцию ООН против транснациональной организованной преступности, принял Закон "О противодействии торговле людьми" и внес в национальное законодательство соответствующие изменения, имплементирующие нормы международного права.

В связи с вопросами, возникающими при применении законодательства о торговле людьми и в целях формирования единой судебной практики по рассмотрению дел этой категории, руководствуясь статьей 17 Закона "О судах", Пленум Верховного суда Республики Узбекистан

ПОСТАНОВЛЯЕТ:

1. Обратить внимание судов, что в Республике Узбекистан высшей ценностью является человек, его жизнь, свобода, честь, достоинство и другие неотъемлемые права, обеспечение которых гарантируется Конституцией.

Установление в законе уголовной ответственности за торговлю людьми является одним из конституционных гарантий свободы личности.

2. По смыслу диспозиции части первой статьи 135 УК под торговлей людьми понимается купля-продажа человека либо вербовка, перевозка, передача, укрывательство или получение человека в целях эксплуатации.

3. Торговля людьми в форме купли-продажи предполагает совершение письменной или устной

сделки, согласно которой человек передается одним лицом другому за вознаграждение в виде денег, иных материальных ценностей (имущества), услуг имущественного характера, отказ от имущественного или денежного долга и т.п. При такой форме торговли людьми цель купли-продажи человека правового значения не имеет.

В случаях, если лицо обещало продать человека с условием его передачи после получения вознаграждения, но изначально его умысел был направлен на завладение материальными ценностями и он не намеревался выполнить условия сделки, его действия образуют состав мошенничества, а действия покупателя подлежат квалификации как покушение на торговлю людьми в форме купли.

4. Судам следует иметь в виду, что в отличие от торговли людьми в форме купли-продажи, во всех остальных случаях, предусмотренных статьей 135 УК (при вербовке, перевозке, передаче, укрывательстве, получении), обязательным условием наступления уголовной ответственности является наличие цели на эксплуатацию человека.

Эксплуатация человека отсутствует во всех случаях использования труда и услуг человека в соответствии с нормами трудового, гражданского законодательства (например, по договорам строительного или бытового подряда, возмездного оказания услуг, перевозки пассажиров или грузов, транспортной экспедиции и т.п.). Споры, возникающие в результате невыполнения обязательств, вытекающих из таких правоотношений, подлежат разрешению в порядке гражданского судопроизводства.

5. Эксплуатация человека означает эксплуатацию проституции других лиц или другие формы сексуальной эксплуатации, принудительный труд или услуги, рабство или обычаи, сходные с рабством, подневольное состояние либо изъятие органов или тканей человека.

Под эксплуатацией проституции понимается систематическое использование человека для вступления в сексуальные отношения с неопреде-

ленным кругом партнеров за вознаграждение. Под иными формами сексуальной эксплуатации понимаются передача человека для его использования в целях изготовления порнографических изображений, развращения и т.п.

Принудительный труд (услуги) означает принуждение человека к выполнению работы под угрозой применения какого-либо наказания. Не считается принудительным трудом работа (услуга), выполнение которой требуется на основании законодательных актов о военной или альтернативной службе, в условиях чрезвычайного положения, вследствие вступившего в законную силу приговора суда, в других случаях, предусмотренных законом.

Рабство означает состояние или положение лица, в отношении которого осуществляются некоторые или все правомочия, присущие праву собственности.

Подневольное состояние означает совокупность факторов, под влиянием которых лицо было вынуждено выполнить какую-либо работу или услугу вопреки своей воле.

6. При расследовании либо рассмотрении дел о торговле людьми органам следствия и судам необходимо четко разграничивать следующие понятия:

вербовка представляет собой деятельность (поиск, набор объекта эксплуатации, ведение с ним переговоров и т.п.), по привлечению человека для занятия каким-либо видом деятельности с целью его эксплуатации;

перевозка означает доставку (транспортировку) лица к месту заключения (исполнения) сделки купли-продажи, передачи его другому лицу либо к месту его использования с целью эксплуатации. При этом перевозчику должно быть заведомо известно о предназначении доставляемого лица для осуществления торговли людьми. Перевозка может осуществляться, как в пределах одного населенного пункта, так и с выездом за пределы Республики Узбекистан;

передача выражается в физическом предоставлении человека другому лицу в целях эксплуатации;

укрывательство заключается в сокрытии потерпевшего в любом месте от представителей власти, родственников либо иных лиц, заинтересованных в судьбе потерпевшего;

получение означает приобретение человека для его эксплуатации в собственных целях (например, в качестве дарения, для временного использования безвозмездно или в счет долга и т.п.), за исключением случаев купли человека.

7. Разъяснить, что состав преступления, предусмотренного диспозицией части первой статьи 135 УК, является формальным и преступление считается оконченным с момента заключения сделки

купли-продажи человека или с момента совершения иного деяния, предусмотренного в данной норме закона.

В то же время, при наличии в деянии отдельных квалифицирующих признаков для признания преступления оконченным необходимо наступление указанных в законе последствий (например, наступление смерти потерпевшего или иных тяжких последствий).

Следует иметь в виду, что в отдельных случаях момент окончания преступления связан со временем прекращения эксплуатации (например, в результате побега потерпевшего, пресечения преступления правоохранительными органами, освобождения потерпевшего самим виновным или иными лицами и т.п.).

8. Разъяснить судам, что по пункту "а" части второй статьи 135 УК следует квалифицировать торговлю людьми, сопряженную с похищением потерпевшего, применением насилия или угрозой его применения либо другими формами принуждения.

Под похищением следует понимать противоправное, тайное или открытое завладение человеком и перемещение вопреки его воле в другое место с целью его купли-продажи либо эксплуатации.

Под применением насилия или угрозой его применения следует понимать любое принуждение, начиная от связывания, лишения свободы, нанесения ударов, удерживания, включая причинение здоровью потерпевшего легких или средней тяжести телесных повреждений, а также насилия, которое не причинило вреда здоровью потерпевшего, но в момент его применения создавало реальную возможность его причинения.

Под иной формой принуждения следует понимать повреждение или уничтожение либо угрозу повреждения или уничтожения имущества потерпевшего или близких ему лиц, угрозу распространения сведений, компрометирующих потерпевшего или близких ему лиц либо иных сведений, которые могут причинить существенный вред их правам или законным интересам либо совершение любых действий, создающих обстановку, при которой потерпевший вынужден выполнить те или иные указания виновного.

9. По пункту "г" части второй статьи 135 УК квалифицируются действия, связанные с торговлей людьми в отношении лица, находящегося в материальной или иной зависимости от виновного.

Материальная зависимость означает, в частности нахождение потерпевшего полностью или частично на иждивении виновного, зависимость должника от кредитора и т.п.

Под иной зависимостью необходимо понимать любую нематериальную зависимость потерпевше-

го от виновного (например, семейные отношения, зависимость подчиненного от руководителя, ученика от преподавателя и т.п.).

10. Торговля людьми с использованием служебного положения (пункт "ж" части второй статьи 135 УК) означает, совершение указанного преступления должностным лицом либо иным лицом, использующим свои служебные полномочия с целью облегчить совершение любого из деяний, предусмотренных статьей 135 УК.

11. Разъяснить, что при совершении преступления, предусмотренного пунктом "з" части второй статьи 135 УК, виновный перевозит или иным образом переправляет (законно или незаконно) потерпевшего через Государственную границу, как за пределы, так и на территорию Республики Узбекистан либо вопреки желанию лица удерживает его на территории иностранного государства.

Незаконное удержание потерпевшего за границей заключается в лишении его возможности возвращения на территорию Республики Узбекистан либо установления контактов с дипломатическими или консульскими учреждениями Республики Узбекистан.

12. Следует отметить, что ответственность по пункту "б" части третьей статьи 135 УК наступает лишь в том случае, когда смерть или иные тяжкие последствия лицу, участвовавшему в качестве объекта торговли людьми, причинены по неосторожности.

В качестве иных тяжких последствий могут рассматриваться, в частности самоубийство потерпевшего, заражение его венерическим заболеванием или заболеванием СПИД, психическое расстройство и т.д.

13. По смыслу закона деяние, выразившиеся в торговле людьми в форме купли-продажи, вербов-

ки, перевозки, передачи, укрывательства или получения человека в целях его эксплуатации, совершенные путем обмана, охватывается диспозицией статьи 135 УК и дополнительной квалификацией по статье 168 УК не требует, за исключением пункта "а" части третьей статьи 168 УК.

14. Обратить внимание судов, что при квалификации торговли людьми по пунктам "ж, з, и, к" части второй, пункту "б" части третьей статьи 135 УК, дополнительная квалификация деяния по статьям УК, предусматривающим ответственность за эти преступления, возможно лишь в случаях, если другой нормой закона предусмотрено более строгое наказание, чем санкцией соответствующей части статьи 135 УК.

Если при торговле людьми лицу причинены умышленные тяжкие телесные повреждения, содеянное не охватывается пунктом "а" части второй статьи 135 УК. В таких случаях действия виновного подлежат дополнительной квалификации по соответствующей части статьи 104 УК.

15. При рассмотрении дел, связанных с торговлей людьми, судам следует тщательно проверять, привлечены ли к ответственности все лица, способствовавшие совершению указанного преступления. Вместе с тем, в случае установления по делу факта незаконного привлечения лица к уголовной ответственности, судам необходимо реагировать на это путем вынесения частного определения в отношении должностных лиц государственных органов, ответственных, за производство по уголовному делу.

16. Судам вышестоящей инстанции обеспечить надлежащий надзор за законностью и обоснованностью судебных решений, вынесенных судами первой инстанции по делам о торговле людьми, своевременно выявлять и устранять допущенные нарушения закона.

**Председатель
Верховного суда**

**Секретарь Пленума,
судья Верховного суда**

Б. Мустафев

Ю. Турсунбаев

«Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»да нашр этиладиган мақолага қуйидаги талаблар қўйилади:

– мақолада жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизациялаш ва ислох этишнинг умумназарий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий масалалари, мазкур соҳаларда амалга оширилган ишларнинг тизимли таҳлили ҳамда аниқ янги назарий ва амалий таклифлар акс этиши;

– матн такрорлашларсиз, мантиқий изчил, баён қилинган фикрлар аниқ, қисқа ва лўнда бўлиши;

– келтирилаётган маълумотлар ишончли ва тўғри бўлиши;

– мақолага журналда нашр қилиш мумкинлиги ҳақида шу соҳадаги етакчи ҳуқуқшунос олим ва мутахассиснинг, муаллиф ишлайдиган ёки тадқиқотчи ҳисобланадиган олий ўқув муассасаси кафедраси ёки институти раҳбари тақризи;

– матн ўзбек ва рус тилида, шунингдек, имкониятга қараб инглиз тилидаги таржимаси ҳам тақдим этилиши;

– матн компьютерда Wordнинг "Times New Roman"ида 14 шрифтда 1,5 интервалда А4 форматли стандарт оқ қоғознинг бир томонида ёзилиши, электрон нусхада тақдим этилиши ҳамда матннинг чап қисми 3 см, ўнг қисми 1,5 см, тепа ва пастки қисмлари 2 см бўлиши;

– мақолада илмий баҳс-мунозара, иқтибосларнинг мавжуд бўлиши; иқтибослар 12 шрифтда 1,0 интервалда ёзилиши;

– мақоланинг ҳажми 8 бетдан 10 бетгача бўлиши;

– мақоланинг сўнги саҳифасида муаллифнинг исм-шарифи, илмий даражаси ва унвони, иш жойи ва лавозими, яшаш ва хизмат манзили, телефон рақамлари ёзилган бўлиши лозим.

Требования к статьям, публикуемым в «Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси»:

– статья должна содержать анализ общетеоретических, общественно-политических, правовых вопросов демократизации и обновления общества, реформирования и модернизации страны с отражением положения дел в данной сфере, а также теоретические и практические предложения;

– исключение повторов в тексте, логическая последовательность, точность, краткость и ясность изложенных идей;

– достоверность и корректность приводимой в статье информации;

– к статье должны прилагаться отзыв ученого-правоведа или специалиста в этой области о возможности публикации статьи в журнале, а также отзыв кафедры высшего учебного заведения или отделения научно-исследовательского института, где автор работает или является соискателем;

– представление статьи на узбекском и русском языках, по мере возможности на английском языке;

– статья представляется вместе с ее электронной копией, подготовленной с помощью текстового редактора "Word", где текст должен быть отпечатан через 1,5 компьютерных интервала 14 шрифтом "Times New Roman" (сноски 12 шрифтом) на одной стороне стандартной белой бумаги формата А 4. Поля страницы должны составлять: левое — 3 см, правое — 1,5 см, верхняя и нижняя части — 2 см; — наличие в статье научной полемики, сносок;

– объем статьи должен быть от 8 до 10 печатных страниц;

– на последней странице статьи должны быть указаны имя, фамилия и отчество, ученая степень и ученое звание, место работы и должность, домашний и служебный адреса, телефоны автора.



Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари